


РЎЗИМБОЙ ҲАСАН

БИР
СУЛОЛА
КИССАСИ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2006

60.55 Шахс социологияси

X-31



Ҳасан, Рўзимбояй

Бир сулола қиссаси — Т.: «Шарқ», 2006. — 144 б.

10 32698
2g1

ББК.60.55.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси,
Бош таҳририяти, 2006.

* * *

Асли насли – олий зотдан,
Балки қипчок-қўнгиротдан,
Ўғизмикан ё қиётдан –
Латиф сартнинг аждодлари.

Юртлар кезиб, карвон сурган,
Хонлар билан даврон сурган,
Бахти бутун – Хизр кўрган
Латиф сартнинг аждодлари.

Йигит учун минг хунар оз,
Ё савдогар, ё қиличбоз,
Касб-коридан топди эъзоз
Латиф сартнинг аждодлари.

Ёзғит шудир – дарё ошди,
Ризқин терди – тўлди-тошди,
Гоҳ бенуқсон, гоҳ адашди...
Латиф сартнинг авлодлари.

Ахтик-човлик¹ – кўнгил жойи,
Бири куёш – бири ойи.
Рийимбойми, Куронбойми...
Латиф сартнинг авлодлари.

Истиқлолдан дунё кезар,
Истиқболдан – дунё гузар,
Юрт шарафин мангу безар –
Латиф сартнинг авлодлари.

¹ Невара-эвара.

ЎЗБЕКНИНГ БИР ШАЖАРАСИ

Ўзбек – гоятда қадим ҳалқ. Бу заминда отабоболаримиз Одам Ато замонларидан бери яшаб келадилар. Босиб ўтилган минг-минг йиллик ўтмиш гоҳида шавкатли, гоҳида заҳматли келган. Кўпидиа изтироблар ҳукмрон, кўпидиа саодатманд онлар ястаниб ётади. Айримда озодлик туглари осмон қадар кўтарилиб, шон-шуҳрат етти иқлимга ёйилган, айримда истибдод суву тупроқни, элу улусни, можу таҳтнинг бўғзидан олган...

Табиатнинг метин қоидаларидан бириси – ҳар қандай жонзотнинг насл қолдириш учун курашмогидир. Аслида ҳар қандай жонли танага Оллоҳ томонидан ҳукм қилинмиш қисмат – бу дунёда ўз давомчисини қолдирмоқ бурчидир.

Бизга замондош яшаётган ҳар бир банданинг истаймизми-йўқми ўз тарихи бор. Бу банда, балки етти авлодини билар, балки беш, балки отасидан бошқа аждодини билмас – санай олмас. Бу хотираға боғлиқ. Шажаранинг қогозларга битилмагани бандасининг айби эмас. Энг асосийси – ҳар қандай банда ҳам ўз ортида юз, минг, балки саногига етшиш қийин бўлган аждодлар тизимининг бугунга етиб келган бир тармоги. Бир тизими. Оддийгина саноқ тури.

Бугунги ҳар бир банда шу билан баҳтиёрки, унинг узоқ шажараси шикаст топмаган – қайси-дир бобокалонида тизим иплари абадий узилма-

ган. Узилганида... маълум, биз у банда билан замондош бўлиб турмасдик.

Хар қандай борлиқни ҳандасавий ҳисоб-китобларга муқояса қиласиган олимлар таҳмин қилишларича, бир ота-онадан тарқаган авлод бир минг йилликда салкам ярим миллионлик нуфузни ташкил қиласкан. Бир қараашда ишонарсиз. Ишонарсизлиги шундаки, бугунда йигирма миллиондан зиёд нуфузли ўзбек халқининг яқин минг йиллар аввал бор-йўғи йигирма нафар ота-онаси – шажара бошловчилари бўлган экан-да, деган фикрга боршишимиз. Йўқ, ҳисоб-китоб нисбий. Бундан минг йиллар аввал қадим юртимиизда умргузаронлик қиласкан аждодларимиз сони миллион нафардан кўп бўлса бўлган, кам бўлмаган.

Аммо ҳандасачиларнинг ҳисоб-китоби чўпчак экан-да?

Мозий чалкаш келади, қоришиқ келади. Даврлар келадики, бутун-бутун халқлар-қавмлар қирилиб битадилар, ўзаро урушлар, юртни ногоҳ қўпадиган балои оғатлар сабабидан. Оғат гоҳида осмондан ёғилса, гоҳида бандасининг ўз оёги остидан чиқади. Юртни оғат оралаганда рисқи-насибаси борлар омон қоладилар ва инсониятнинг давомийлигига ҳисса қўшиш учун яшайверадилар. Ризқу насибаси битганлар тарих мулкига айланаб кетадилар. Талотумлар давридан безган қавмларнинг аксари ўзга юртларга кўчадилар – тинч-осуда тупроқ истаб қоладилар...

Ушбу рисоламиз ўзбекнинг бир шажараси ҳақида. Бу шажаранинг бизга – авлодларига маълум шахсларининг тарихи тўғрисида.

Кўлимизда ҳув узоқ – Одам Атомиздан бизга

қадар мавжуд ёзма битик ийк. Биз күни билан ушбу шажаранинг олти-өтти орқаси – ўтган икки асрда яшаган бобокалонлари түгерисида имкон қадар айтамиз. Хотираларимиз кўпида хира тортади, ҳатто юз эллик ишл олдин яшаган бир бобомизнинг нима учун түгилган тупрогини ташлаб, бошқа ердан макон излаганини ҳам тахминларга бўйсундирамиз. Тарихий вазиятдан келиб чиқиб, маълум бир ҳудудда рўй берган сиёсий-иқтисодий вазиятни билганимизча таҳлил қилиб, ҳақиқатга яқинлашадиган фикрларни ўртага ташлаймиз. Бу тахминларда хато қиласак айбимиз эмас. Бу яқинузоқ мозийга бўлган қизиқишимиз, мозийни билишига интилишишимиз.

Хар қандай изланиш камчиликлардан иборат бўлади. Балки, биз ҳақиқат деб олган устқурмалар аслиятга бутунлай зиддир. Буни билмаймиз. Биладиган бандаси қолмаган. Бир авлоднинг узоқяқин тарихи сирлилигича қолган. «Беайб Парвардигор», демишлар.

Ушбу рисоламиз Абдулла сарт авлодлари ҳақида. Бундан тақрибан икки юз ишл олдин Кўнегиротда умргузаронлик қилган Абдулла сартнинг насллари бугун қадим дарёнинг икки қиргогига сочилиб кетган. Манзил – Ватан тушунчаси бу ўринда қачонларки мазмунини ийқотиб улгурган.

Абдулла сарт шажарасининг барчасини бир рисолага жамлашнинг имкони ийк. На вақт етади, на қогоз. Биз фақат ушбу шажаранинг айрим вакилларини имкон қадар қогозга туширдик.

Шу ҳолида ҳам Абдулла сарт шажараси хийла шонли, хийла фожиали, хийла ибратдор, хийла қизиқарли келади.

Аслида биз мавзу қилган ўзбекнинг бир шажараси тарихи бутун бир халқ – буюк миллатнинг ихчамгина тарихидир. Вақтни макондан айри тушириб бўлмаганидек, бир оиласи ҳам бутун бир миллатдан ажратиб бўлмайди.

Узоқ сафарга отландик – сафаримиз баҳайр келсин!

Биз қаламга олган ва олаётган ҳар бир бобокалонимизнинг руҳлари тинч, охиратлари обод бўлсин!

«БОБОМИЗНИ ҚҮНФИРОТДАН ДЕЙИШАДИ...»

...Шажара давомчилари боболаридан гап очилса «Аслимиз Күнфиротдан бўлган экан», деб кўйишади.

Куий Амударё минтақасида «Кўнфирот» атамаси факат бир манзилга нисбатан қўлланилади, яъни Коракалпогистоннинг шу номдаги тумани ва шу номдаги шаҳри.

Кўнфирот кўп қадим манзил. Хоразмшохлар давлати гуллаб-яшнаган замонларда, сўнгти хонлик даврларида Кўнфирот йирик шаҳар мақомида бўлган. Яна бир эътиборли томони бу қалъа-шахар хонликнинг шимолдаги энг йирик аҳоли манзилидир.

Собик шўролар замонида чоп қилинган энциклопедияда қадим шаҳар ҳақида кисқагина маълумот бериб кетилган. Айнан келтирамиз: «Кўнфирот – (1969 йилгача Железнодорожний) ҚҚАССР-даги шаҳар. Амударё дельтасининг чап кирғоғига жойлашган. «Чоржўй – Бейнав» темир йўлидаги станция. Темир йўл транспорти корхонаси, «Бухоро – Урал» ва «Ўрта Осиё – Марказ» газ кувури магистралларининг компрессор станциялари, Мўйноқ балиқ заводининг филиали, сут заводи ва бошқалар бор. Ўрта мактаб, поликлиника, медпункт, дорихона, касалхона ишлаб турибди».

Бор-йўғи шу. Ёқангни ушламай иложинг йўқ. Ҳар бало бўл – инсофли бўл экан-да. Ушбу қомусда қайсиdir бир қишлоқ таъриф-тавсифига бундан кўп карра жой ажратилган. Хива хонлигига ўзига хос ўрин тутган, бутун бир беклик – сиёсий-иктисодий минтақа сифатида тан олинган ва қолаверса, хонликни сўнгти даврда идора қилган бутун бир

уруғ яшаган маконга негадир паст назар билан қаралған... Гүёки бу шаҳар «темир йўл номи билан боғлиқ ва шу йўл устида баҳтли ва фаровон замонлар»да бунёд қилинган.

Энди манзилнинг жуғрофик ўрнига назар ташласак. Кўнғирот – Устюрт платосидан иборат. Денгиз сатхидан баландлиги 150 – 200 метр. Борса келмас шўрҳоки, Корабовур кири, Асаковский ботифи, Коплонкир платоси ва Сарикамиш кўлининг шимолий қисмини ўз ичига олади. Худуд Орол дengизига туташиб кетган.

Буюк Ипак йўли маълумки худудимиздан ўтган. Буюк карвон йўлида тақозо туфайли аҳоли истиқомат манзиллари – қалъалар, шаҳарлар пайдо бўлган. Агарда Кўнғирот шаҳрининг Устюрт чинкига шундок туташ эканлигини эслатсак, адоди Чиндан йўлга чиқкан сонсиз карвонлар Туркистон, Мовароуннаҳр, Хурсондаги водий ва воҳаларни ортда колдириб, ниҳоятда шимолга йўл олар асносида чексиз – сув тақчил, шароити оғир бўлган Устюрт кирига ўрлашдан олдин, албатта айнан шу ерда неча кунлаб тўхтагани, дам олишгани, сув ва озиқовқат ғамлашгани ҳеч шубҳасиз маълум бўлади. Ўз навбатида, шимолдан келаётган карвонлар хам бир ойлик оғир йўлни босиб ўтиб, ниҳоят воҳага киришгач, айнан чегарадаги манзилда – Кўнғиротда тўхташгани йўлни омон-эсон босиб ўтишгани ҳакки-хурматига шукроналар айтиб, ҳайру садакалар беришгани маълум бўлади.

Кўнғирот шаҳри ўрнида бундан минг йиллар олдин хам улкан қалъа бўлган. Истеҳком вазифасини бажарган қалъа атрофидаги қиплоқларда одамлар яшашган. Табиий муҳит созлигидан чорвачилик, дехқончилик билан шуғулланишган. Орол дengизи ва дарё дельтасида балиқчилик қилишган. Жанубдан шимолга, шимолдан жанубга ўтаётib нафас ростлаган карвонларга хизмат қилишган. Ўз навбатида карвон сабабли бу ерда каттагина бозор вужудга келган.

Бозори бор юрт қадимдир.

Абдулла сартнинг боболари бу юртни қачонлардир макон тутиб, шу ерда томир ёзишган. Эл учун зарур касбни тутиб, ҳалол меҳнатлари билан оиласини бокишиган, улусга хизматлари сингган.

Орадан икки юз йилча вақт ўтиб, қачонлардир боболари яшаган манзилни авлодлари бир фаҳр билан айтишларида улуғ аждодларидан ифтихор туйғулари мужассам. Ана шу атама тасодиф тилга олинганда кенжা авлодлар мағурур бош тиклаб, олисларда қолган тарихини эслаб, юраклари орзиқиб кетишлари шундан...

«АСЛИ НАСЛИНГ БАЛКИ...»

Ўзбекнинг шоири узок аждодлари шарафига битган мадхиясида шундай жумлаларни қистириб кетган: «Асли наслинг балки ўзлук, балки тархон ўзбегим...»

Ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзлувимиз, тархонлигимиз, кўнғиротлигимиз шунинг ичиди. Тўқсон икки бовли қадим ҳалқнинг барча уруғ-бўғинлари вақт силсилаларида чатишиб, битишиб, яхлит бир ҳалқ — буюк миллат даражасига етганки, эндиликда лакаб кўринишидаги боболаримизнинг ўзлуги ширингина тарих бўлиб қолган.

«Боболаримиз Кўнғиротда яшашган экан, ким билади қадим уруғимиз — келиб чиқишимиз ҳам кўнғиротдир», дейди Абдулла сартнинг бугунги авлодлари.

Балки. Шу ўринда қадим «кўнғирот уруғи» хақида муҳтасар маълумот келтириб ўтиш ортиқчалик қилмайди. Бу тарихга бир саёҳат кўринишида бўла қолсин.

Қадимшунослар, тарихчилар асарларида кайд қилишганки, кўнғирот — йирик ўзбек уруғ-қабилаидан бири. Ўтган аср бошларига келиб, бу уруғ вакиллари Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида,

Зарафшон водийсида, Мирзачўл, Хоразм ва қисман шимолий Афғонистонда яшаганлар. Кўнғиротлар даврлар оша қозоқ, корақалпоқ, кирғиз, бошкird, нўғай ва бошқа туркий халқлар таркибиға кириб, сингишиб кетишган.

Кўнғиротларнинг илк аждодлари Мўгулистан чўлларида яшаганлар. XIII асрда улар Чингизхон кўшинида ва кейинчалик бу юртнинг табиий иқлими, унумдор ери, бой ўтлоқлари таъриф-тавсифини эшитиб, Марказий Осиё ҳудудига келиб ўрнашадилар. (Шу ўринда мўгулларнинг ҳам туркий қавм эканлигини эслатиб кетиш жоиз. Уларни бошқа туркий қавмлардан фарқлаган ҳолат – дини бошқалиги бўлган).

XIV асрда кўнғиротларнинг катта бир қисми Хоразм ҳудудларига кўчиб ўтишади. Улар Хоразмнинг суфийлар сулоласи таҳт сўраган даврида давлатнинг сиёсий фаолиятига кенг аралаша бошладилар.

Вакт ўтиши билан уларнинг этник таркибиға ўғиз, қипчоқ каби бошқа уруғлар ҳам кўшилиб кетади.

XV асрга келиб, кўнғиротларнинг айрим гурухлари Хурросонга, Шимолий Афғонистон ва Ҳисор-Шеробод водийисига келиб ўрнаша бошлашган.

Хоразмга келиб ўрнашган кўнғиротларнинг қавм сифатида тарих майдонига шонли чиқиши Хива хонлигининг сўнгги даврида яққол кўринади. Ўн саккизинчи асрнинг иккинчи ярми ва ўн тўққизинчи асрнинг бошларида Хива хонлигини кўнғирот ўзбеклари сулоласи бошқарган.

Кўнғиротлар йигирманчи аср бошларига қадар яrim ўтроқ ҳолда яшаб, асосан чорвачилик билан машғул бўлишган. Қалъа ва шаҳарларда ўрнашган кўнғиротлар эса кўпроқ савдогарчилик, хунармандчилик билан шуғулланишган.

Демак, кўнғиротларнинг юртимиз тарихида ўрни катта. Ўзбек миллати шаклланишида бу қавмнинг салмоқлигина вазни бор.

Абдулла бувани биз «сарт» деймиз. Сарт сифатида биламиз. Нега у зотнинг ва фарзандларининг исмига кўнғирот атамаси (лақаб кўринишсида бўлсин) кўшилмаган деган савол туғилади. Кўриниб турибдики, кўнғиротлар қадим Хоразмга кўчиб келган даврларида дарёning куйи қисмини яшаш учун танлашган. Бу ерда сув мўл эди, дарё дельтаси бир неча юз чақиримга чўзилиб, қишу ёз хамма ёқни қамишзорлар қоплаб ётарди. Сув бўйларида турли ўт-ўланлар ўсарди. Бунинг устига ўша вактда аҳолининг аксар қисми дарёning ўнг қирғокларидағи қадим ота маконлари — қалъаларни ташлаб дарёning чап қирғогига кўчиб ўтишганди. Қачонлардир Хоразмшоҳларнинг пойтахти бўлган Тупроққалъа ва шу ҳудуддаги юзлаб қалъаларнинг инқирозига телба дарёning ўзанини ўзгартириши сабабчи бўлган. Ҳаёт сув билан бевосита боғлиқ воҳада одамлар яшашлари ва чорваси учун сувга яқин ерларни танлашган.

Бундан ўн асрлар муқаддам дарёning иккала қирғоги гуллаб-яшнаган. Ошиқ ойдин, Шоҳсанам каби кўплаб қалъалар ва уларнинг атрофларида аҳоли манзиллари бўлган. Дарё бир неча аср давомида юзлаб чақирим кўчгани — қиблага томон ўзанини ўзгартгани шимолдаги қалъаларни харобага, жанубдаги қалъаларни эса бой-обод ўлкага айлантирган.

Тақрибан фикрлашимизча, Хоразмга кўчиб келган кўнғиротлар маълум бир ҳудудда энич яшашган. Кўнғирот ва унинг атрофида. Аҳолининг аксари ҳам кўнғиротлардан иборат бўлган.

Кўпчилик бир уруғ бўлган юртда ким бирорни уруғи номи билан атайди дейсиз. Кўнғиротлилар бир-бирини кўнғирот дейишинми? Бошка уруғларни аташган бўлишлари мумкин.

Абдулла сартнинг келиб чиқиши кўнғиротлардан бўлиши мумкин. Балки тарих тақозаси билан

шу ерни ватан тутган минглаб биродарларимизнинг наслларидан бири.

«БОБОЛАРИМИЗ САВДОГАР ЎТИШГАН ЭКАН...»

Шажаранинг бизга маълум илк вакили – Абдулла сарт ва унинг ўғли Латиф сарт ҳақида авлодлари икки калима хотира сақлашади, холос. Яъни, «Абдулла сарт бувамизми ёки Латиф сарт бувамизми савдогар бўлган экан...»

Умуман, сарт лақабини илк бора Абдулла бува олганми ёки унинг бобоси, кўп узоқ боболаридан бири олганми – номаълум. Касб-хунари ҳақида айтишдан олдин умуман «сарт» атамасига изоҳ бериб кетиш керак. Шунда кўп нарса ўз-ўзидан ойдинлашади.

Русларда В. Радлов деган ажойиб олим ўтган. Бу олижаноб олим бутун умри давомида туркий уруғларнинг тарихи, тили, яшаш йўлларини ўрганганди. Олтойда яшаган ва яшайтган туркий халқлар ҳақидаги қимматбаҳо асари билан жаҳон этнографияси тарихига номи абадий ёзилган.

Радлов туркий уруғларнинг пайдо бўлиши ва уларга тақалган турлича атамаларни ҳам чукур ўрганиди ва кўп масалаларни ойдинлаштиришга муваффак бўлади. Радлов ёзишича, сарт атамаси аслида санскритча сартхалака – «sarthalaka» – сўзидан келиб чиқкан бўлиб, савдогар, карвонбоши деган маънени англатар экан. Буюк боболаримиз Юсуф Ҳож Ҳожиб ва Махмуд Коғфарий асарларида ҳам сарт сўзи савдогар деган мазмунни ташийди.

Юртимиизни истило килган мўғуллар Хоразмда

яшаган аҳолини, кейинчалик эса савдо ва хунармандчилик билан шуғулланган ерлик халқни ва бошқа уруғ вакилларини шундай аташган. Мұғулларда бу иборалар сартовул, сартақтой, сартак, сартакчи күринишида келади.

XVI асрда дашти Қипчоқ ўзбеклари Мовароуннахрни батамом әгаллаганларидан сүнг шу ерда ўзларига қадар ўтрок холда яшаб келаёттан халкларни сарт деб, ўзларини эса ўзбек деб атай бошлашган.

Үтмишда күчманчи ва ярим күчманчи холда хаёт кечириб, кейинчалик ўтроклашиб қолған ўзбек ва қирғиз уруғлари номларида ҳам бу атама учрайди. Масалан, ўзбекларда сартқипчок ёки қирғизларда сартқорасоқол каби атамалар.

Қадимшуносларнинг таъкидлашларича, сарт халқ номи бўлмай, балки халқларнинг ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиётини ҳисобга олиб яралган атамадир. Ўз тарихида бу атама дастлаб савдогар ва карvonбошиларга нисбатан, кейинчалик савдосотик ва хунармандчилик билан шуғулланган, энг сўнгги тарихда эса ўзбек ва тожикларни, охироқибатда шахар ва қишлоқларда ўтрок яшайдиган ўзбекларни англашган.

Бунга мисол – йигирманчи асрларга қадар ўзбек ва тожикларнинг қадимдан ўтрок яшайдиган қисмини күчманчи ўзбеклар ва қозоқлар сарт деб аташган бўлишса, Тошкент, Хоразм ва Фарғона атрофларида ва Жанубий Қозоғистонда яшаган ўтрок ўзбеклар ўзларини шундай деб юритишган.

Навоий бобомиз эса бу атамани форс-тожик маъносида қўллаганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Чор Россияси томонидан юртимиз босиб олингач, бу атама ғолиб томондан мағлуб томон учун масхарадаш ва менси-маслик тарзида қўлланилган. Ҳарбий юриш вактида қаттиқ қаршилик кўрсатган, озодлик жангларида қатнашган жангари, қайсар боболаримизга нисбатан ҳам сарт атамаси қўлланилган.

Биз учун сарт атамаси қайсиdir қадим бобола-
римиз уруғининг, балки касб-хунари, қайсаrlиги
белгиси – фахрланиш манбаидир.

...Демак, қайси замонларда турлича қўлланилга-
нидан катъи назар бир хulosага келиш мумкинки,
Абдулла сарт Кўнғирот элининг ўтроқлашган авом
вакили. Балки савдогар ҳам ўзи. Юрт ошган кар-
вонбоши ҳам шу киши.

...Узок-яқин тарихимизни бир оз ковлаб, бир
оз безовталаб, ниҳоят муддаога келиб қолдик. Ҳикоя
қилаётган бир оиланинг бир қадар муфассал тари-
хи шу ердан бошланади. Атама, лақаб, уруғ... бир
қадар ойдинлаштириб олинди. Қайсиси ҳақ, қайси-
си хато – аҳамияти йўқ. Мавзу ўзгармайди – бошқа
изга тушмайди. Касб-хунар бу ўринда иккинчи, бал-
ки ўнинчи даражали масала. Восита – қобик, хо-
лос. Рўзғор қозони ташвиши – юртга хизмат қилиш
вазифаси.

Биз учун кирк йил юрт сўраган хон бобомиз
билан бутун умри кулол дўконида лойга беланган
ёки дастгоҳда бели букилиб бўз тўқиган қайсиdir
бобомиз хотираси тенг аэз. Давлат – салтанат
ўткинчи нарсалар. Кимлигидан катъи назар ҳар
бир бобокалонимиз шу қадар қадрли.

Боболарга тош қўйиб бўлмайди – авлиёларни
киёслаб бўлмагани каби.

ОҚ УЙЛИК САРТ

Тарихнинг чалкаш нуқталари кўп. Айнан шу чал-
кашликлар туфайли бутун-бутун қавмлар – уруғлар
кай замонларда ота-боболари минг йиллар макон
тутган гўшаларни бир кунда, бир кечада ташлаб,
ўзга ўлкаларга бош олиб, дайдиб кетадилар.

Камбағал бўлсанг-да кўчиб кўр, деганлар.
Кўчиш – нафакат илкингдаги мол-мулкингни ҳарна
қадар олиб кетиш бошқа-ю, ота-боболар хоки аба-

дий кўним топган мозоргоҳларни ташлаб кетиш бошқа.

Хоразмнинг узок-яқин тарихида бундай кўчишлар оз бўлмаган. Баъзида бунга ҳукмдорларнинг оқил сиёсати йўл очган бўлса, кўпинча зўравонлик изларини кўриш мумкин. Мажбурийлик, яъни табиий оғат кўпган, юртни ўлат-вабо оралаган даврларда оила бошини омон сақлаш илинжида ватангдоликни афзал топиш ҳолатларини тушуниш мумкин.

Мўғул босқинидан сўнг қадим юртда уруғ ва қавмларнинг ватандан бош олиб кетиш ҳолатлари одатий ҳол саналган. Боскин арафасида авлиё Баховуддин Валад ватан сарҳадларини тарк этар экан, муридларига ҳижрат сабабини «Ҳукмдорнинг мўмин мусулмонга зид сиёсати», деб тавсиф этадилар. Буюк авлиё учун ҳижрат умрлик армонга, фарзандлари учун эса орезулар ушалишига замин бўлади. Буюк авлиёнинг ўғли Жалолиддин Румий буюк шоир, буюк тариқатчи бўлиб етишади – бутун бир турк шеъриятига асос солади.

1646 йилда ҳукмдор Абулғозий Баходирхон мўғуллар истилосидан сўнг ҳамон қаддини тиклай олмаган, харобалигича қолган, мамлакат сиёсий-иктисодий хаётида ўз ўрнини деярли йўқотган Кўҳна Урганчдан бир тўп қавмларни кўчириб, Янги Урганчга асос солади. Бу оқилона сиёsat туфайли дарёнинг чап қирғозида янгидан шаҳар қад ростлаб, бутун минтакада ўз ўрни, нуфузига эга бўлади.

Латиф сартнинг Кўнғиротдан кўчиши мажбурийлиқмиди?! Тарихдан маълумки, 1858 йилнинг кузида Кўнғиротда Хива хонлигига қарши исён кўтарилиган. Кеч кузда бошланган норозилик исёни ҳалқнинг хонлик солиқларидан эзилиши, бунда адолатсизликка йўл қўйилиши оқибатида келиб чиқкан. Одатда, ҳар қандай давлатда бундай норозилик чиқишилари бўлиб туриши табиий ҳол эди. Муқаддам ҳам исёnlар кўтарилиган ва бостирилган. Кўпинча


хон ҳазратлари куч ишлатса, айрим ҳолларда сулҳга боришга мажбур бўларди.

Кўнғирот исёни эса бошқача тус олади. Ҳар қандай вазиятда ҳам халқ норозилигидан ўз манфатлари йўлида фойдаланиб қолишини кўзлаган кимсалар омма норозилигини бошқа йўсинга буриб юборишига шай турадилар. Кўнғирот исёнининг ўз даврига нисбатан узок давом этганига айнан шундай ҳолат сабаб. Асли келиб чиқиши сарой югурдакларидан бўлган Муҳаммад Фано отлиғ бир банда бир думалаб исёнга бош бўлиб олади ва охир-оқибатда муқаррар жазодан кўркиб, турли томондан нажот излаб, ҳаракатларни бошлайди. Ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун у аввалида Кўнғиротнинг обрўли беклари, хон амалдорларининг аёл ва қизларини қўчманчи туркманларга тортиқ қилиб юборади. Бу тортиқ эвазига азалий урушқоқ туркманлар қалъани хон қўшинидан химоялашни зиммаларига оладилар.

Нафакат тобеликдан, балки мусулмончиликдан чиқкан исёнкорни албат ўлим жазоси кутарди. Туркманларнинг ваъдалари вақтинча бўлиб, уларга кўп ҳам ишониб бўлмасди. Шунда Муҳаммад Фано Оренбург генерал-губернатори хузурига элчилар жўнатади ва Кўнғиротни Хива ҳонлигидан ажратиб олиш ва Чор Россиясига қўшиш истаги борлигини билдиради.

Чор Россияси икки асрки ҳонликка кўз олайтириб келаётганди. Пётр I ўлими арафасида Бекович—Черкасский юриши учун хиваликлардан қасос ололмаганини баён этган ва авлодларига васият сифатида колдирганди. Бекович—Черкасский босқинчи қўшини Хива ҳонлиги томонидан тор-мор қилинган ва унинг сомон тиқилган танаси Бухоро амирига совға сифатида жўнатилганди...

Бу таклиф чоризм маъмурлари узок кутган қасос учун бир баҳона эдики, дархол қўзғолончиларга



мадад кучлари юборишга қарор қилинади. Аммо мукаддам қуруқликдан уюштирилган ҳарбий юришлар мағлубиятга учрагани боисдан бу сафар сув орқали юриш қилиш режалаштирилади ва 1859 йилнинг июля – айни Амударё тошган кезда капитан Бутаков бош бўлган қўшин Орол денгизи ва Амударё орқали Қўнғиротга етиб келади. Улар иккита ҳарбий баржа ва «Перовск» пароходида жойлашгандилар. Ихтиёрларида замонавий куроллар, узокқа отувчи тўплар мавжуд эди.

Аммо капитан Бутаков кечикканди – арафада хонлик бир йил давом этган ва ҳар қандай сулхга рози бўлмаган қўзғолонни куч билан бостириш тадоригини кўрганди. Бунда ҳам хонга туркманлар мададга келишганди. Отамуродхон бошлиқ туркманлар катта пул эвазига қисқа фурсатда Қўнғиротни босиб олишади ва қўзғолон бошчиларини банди қилишади. Туркманларга алданган Мухаммад Фано ҳам асир тушади.

Бутаков экспедициясининг дарёда юришини давом қилдирмаслик чоралари кўрилади ва дарёning тор жойига узун тераклардан қозиқлар қоқилиб, йўли тўсилади. Капитан Бутаков хон амалдорлари билан музокарага киришишга мажбур бўлади. Ундан куролланган ҳарбийлар тушган кемалар хонлик худудида нима қилиб юришгани сўралганда зобит тилёғмалик қиласиди ва денгизда илмий экспедиция уюштириб юришганида адашиб қолганини баҳона қилиб кўрсатади.

Хонлик Бутаков ва унинг сафдошларига омонлик беради ҳамда хонлик худудидан чиқиб кетишлиарини талаб қиласиди. Аммо Қўнғирот исёни бошида турган барчани каттиқ жазолайди. Мухаммад Фано ва бир неча исёнкор дорга тортилади, уларнинг яқинлари зинданга ташланади.

Латиф сарт бу пайтда йигирма беш яшар йигит эди. Ота касбини тутиб, кам бўлмаган, элда обрўли савдогарлардан саналарди. Унинг мол-мулки ўзига

етарли бўлиб, кўзғолон арафасида отаси нуфузли бир хонадондан уйлантириб қўйганди.

Латиф сарт кўзғолонга қўшилган бўлиши мумкин. У халқقا қайишувчан киши ўтган. Колаверса, савдогар сифатида ҳам хонликнинг баъзи солиқларидан безиб қолганди...

...Ҳамма замонларда бўлгани каби исён кўтарган халқни бирданига – кўтарасига йўқ қилиб бўлмайди. Унинг фақат энг фаоллари жазоланади. Бошқаларга ўрнак бўлиш учун хонликнинг бош майдонида дорга тортиладилар ёки жаллод тифи остида жон берадилар. Аммо кўзғолонга қўшилган, хайрихон бўлганларнинг сон-саноғи йўқ. Уларни нима қилиш керак? Яқинлари ўлдирилган ёки зинданбанд қилинган кишилар эртага хонликка қарши яна бош кўтармайди, деб ким ҳам кафолат бера олади? Демак, ягона синалган йўли аксар хонадонларни сургун қилиш – мамлакатнинг турли бурчакларига сочиб юбориш. Токи улар қайта бирикишмасин, хонга бош кўтаришмасин.

...Авлодлар бугун Латиф сартнинг Кўнғиротдан кўчишини шундай хотирлашади: «Бобомизни оқ уйлик деб, хон Кўнғиротдан кўчирган экан...» Яна айтадилар: «Боболаримиз ўз даврида янгилик – дарфа бўлиб аввал Ҳўжа элига, сўнг эса Ҳонқага кўчишган эмиш...»

Оқ уйлик, яъни ўзига тўқ хонадон эгаси Латиф сарт шу тахлит туғилган тупроғидан бош олиб кетишга мажбур бўлади. Унинг чекига хонликнинг аввал Ҳўжа эли, сўнг эса Ҳонқа беклигига келиб кўш ташлаш тушади.

Ҳонқа – хонликда Янги Урганч, Хива, Кўнғирот, Ҳазорасп каби қадим қалъа-шаҳарлар қаторида турувчи саноат ривож топган кент эди. Латиф сарт бу ерда катта оиласи билан ватан тутиш асно-

сида оилада тўнгич фарзанд дунёга келади. Тўнгич ўғилга Абдулла деб исм кўядилар.

ИККИНЧИ КАРРА КЎЧИШ

Латиф сарт кўним топган Ҳонқа беклиги қадимдан хунармандчилик билан машҳур макон эди. Ишибилармон эл кишилари яратган осори-атиқалар нафакат ҳонликда, балки қўшни давлатларда ҳам шухрат қозонганди.

Ҳонқа айни пайтда машҳур карвон йўлларида жойлашганлиги боисдан бу ерда савдо-сотик бекиёс ривож топганди. Шундан қўнғиротлик савдогарнинг янги манзилга кўниши хийла осон кечди. Аммо бу ерда у олдингидек эмин-эркин савдогарчилик қилишга тўла муваффак бўла олмади. Сабаби, со-биқ исёнкор юрт вакили сифатида доимо ҳонлик айтоқчилари назарида ҳам бўлди...

Бу орада оила каттая борди, бирин-кетин фарзандлар туғилди. Абдулладан сўнг дунёга келган иккинчи ўғлига Раматулло деб ном тақади. Кейинги ўғилларига эса Ибодулла ва Файзулло исмлари берилди. Кенжা ўғлига Бобоҷон деб исм кўйган бўлса, яккаю ягона қизига Авазмомо исми маъқул кўрилди.

Оиласи хийла каттайиб, тириклиги қийинлашаётган бир кезда Латиф сарт эндиликда нафакат ота касби билан чегараланмасдан, балки асрий унумдор ерлари бўлган бекликда дехқончилик билан ҳам шуғуллана бошлади.

...Бу орада ҳонликда катта ўзгаришлар рўй берди – 1873 йилда Чор Россияси асрий максадига эришиш – ҳонликни мустамлакага айлантириш учун кенг кўламда юриш бошлади. 1873 йилнинг баҳорида уч томонлама куршовга олинган ҳонлик тақдири жавозонинг охирларида ҳал бўлди – Муҳаммад Раҳимхон Соний – йигирма тўккиз яшар хукмдор

тариҳга «Гандимён шартномаси» деб кирган тас-лимчилик пактига мажбуран имзо чекишига мажбур бўлди.

Мазкур шартномага кўра эндилиқда хонликнинг ташқи иқтисодий алокалари факат истилочи томонидан амалга оширилиши қонунлаштирилди. Кизиғи, дарёда юк ташийдиган – барча қатновчи кемалар учун божхона тўловлари бир неча карра оширилгани ҳолда Россия кемалари текин қатнаш хукукини кўлга киритдилар. Бу шартномага кўра маҳаллий савдогарлар учун ташқи давлатлар йўли бутунлай беркилди.

Тўнгич ўғли бўй тортиб, рўзғор юмушларига яраб қолган, кичик фарзандлар ейман, кияман, деб турган кезда катта оила бошлиғига осон эмасди. Азалий касби завол топган, илкидаги бир неча таноб ер эса ҳамма вакт рўзғор кам-кўстини тўлдира олмасди. Аксига бир неча йил қурғоқчилик бўлиб, ҳосил чўғи паст келди – юртда қаҳатчилик оралаб қолди.

Шу кезларда эл-юрт орасида ўрислар дарёning орқасида шаҳар бунёд этишаёттани, шу ерда яшашни хоҳловчилар учун ер акратишайдигани, у ерда хонликдан кўра бир қатор эркинликлар берилгани ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлди. Латиф сарт азалдан эркин фикр одами эди. Савдогарлик килиб юрт кезган, юрт кўрган одамга бир манзилда боғланиб қолиш оғир. Шу боисдан кирк яшар Латиф сарт 1875 йили яна катта оиласини олиб кўчишига – бу гал дарё орқасини қора тортишга карор килади. Оила илкидаги барча рўзғор керак-кетикларини олиб, бир неча бош от-туяга юклаб, дарё бўйига келадилар. Шу ердаги қадим кечувдан ўтишади. Қарабсизки, эрталаб Ҳонқадан йўлга тушган каттагина оила карвони шу куни шомда дарё ортидаги Сарифий элатига келиб қўш ташлайдилар.

Тақдир тақозосига қарангки, бу янги манзил Латиф сарт учун абадий манзилга айланади. Унинг кўпдан-кўп авлодлари эса яна тақдир туфайли бошка худудларга сочилиб кетишади.

ЛАТИФ САРТНИНГ АВЛИЁСИ

1873 йилнинг августида Ферузшоҳ билан фон Кауфман ўртасида имзоланган «Гандимён шартномаси»дан кейин руслар зудлик билан дарё ортидағи Тўрткўл қишлоғи яқинида оврупача шаҳар куришга киришадилар. Шахсан фон Кауфман тархини чизган янги шаҳарга Петро-Александровск номи берилади. Бу икки рус подшоҳи – хиваликлардан аламини ололмаган Петр биринчи ҳамда ушбу армонни ушалтирган Александр – амалдаги оқ подшоҳ номлари бирикмасини англатарди.

Шаҳар ўрни учун Матниёз девонбегига қарашли 3227 таноб ер ҳамда Абдукаримбойнинг илкида бўлган дўла ўрни танланади.

Шаҳар катъий режа асосида, тўртбурчак шаклда барпо этилади. Кўчалар равон, мавзелар обод, йўллар ёнламасида йўлакчалар мавжуд эди. Айниқса, шаҳарнинг зобитлар яшайдиган, саноатчилар истиқомат қиласидиган қисми ниҳоятда гўзал эди. Шаҳарнинг қок ўртасида курилган маданият ва истироҳат боғини халқ «Аллейка» деб атаган. Шу яқинда қатор савдо расталари ва катта универсал дўкони ишлаб турган. Қисқа фурсатда бу ерда мактаб, дорихона, касалхона, почта, телеграф, зобитлар уйи, лазарет, босмахона, ёғ-совун ва пиво заводлари ҳам қурилади.

Айниқса, икки қаватли, ҳашаматли Оқ уй – консулхона кишилар диққатини ўзига тортарди. Унинг пештоқида икки бошли бургут тамфали байроқ ҳил-пираб турарди. Бино олдига тўртта замбарак ўрнатилган бўлиб, уларнинг иккитаси Хива хонлиги томон қаратиб кўйилганди. Ҳар кандай хавф-хатар-

нинг олдини олиш учун тўртта казаклар полки, ўқчи дивизия, тоғ-артиллерия дивизиони шаҳарда жойлаширилганди.

Аввалига Амударё округи деб номланса-да, кейинчалик бу шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар 1874 йилнинг 9 мартадан бошлаб Сирдарё вилоятининг Амударё бўлими деб расман юритила бошлади. Оғир артиллерия хизмати полковниги Иванов бўлимнинг биринчи бошлиғи этиб тайинланди. Тўрткўл қальласи гарнизони бошлиғи этиб эса капитан Якушев тайинланди.

Амударё бўлимига Хива хонлигининг ўнг қирюқ ерлари – Бухоро амирлигидан тортиб, Сирдарё вилояти ва бутун Орол денгизи бўйларини назорат этиш топширилди.

Босқинчилар бу ерда қўним топган аскарлар билан чекланиб қолмасдан бўлимга икки минг нафардан зиёд Ўрол казакларини ҳам кўчириб келтиришади.

Амударё бўлимининг кейинги бошлиғи Дрягин 1908 йилда Шўрахонда 7970 нафар эркак ва 3372 нафар аёл борлигини қайд этган. Ўша пайтда бўлим илкида бўлган шаҳар ва қишлоқлар – Петро-Александровск, Шўрахон, Шоҳ Аббос, Сарибий, Бийбозор, Нукусда тўрт минг нафарга яқин оврупаликлар истиқомат қилишган. Биргина Шўрахоннинг ўзида улар 625 нафарни ташкил этишган.

Фон Кауфман Тўрткўл ўрнида шаҳар қуришда дарёning телбavor феълини инобатга олмаган. На дарё йўналиши, табиий иқлим, маҳаллий шароит зътиборга олинди. Ақалли юрт кексалари билан бир оғиз маслаҳатлашилмади. Жуҳуд генералининг шаҳарни айнан дарё бўйига қуришдан кўзлаган мақсади – кўпдан-кўп рус кемалари қатновини енгиллаширишдан иборат эди. Бунга улар маълум маънода эришдилар ҳам. Аммо 1881, 1890, 1892, 1904 ва

1907 йилларда рўй берган дарё тошқинидан шаҳар кўп зиён кўрди...

...1875 йилда Латиф сарт оиласи билан дарёнинг ўнг қирғонига кўчганида Тўрткўлни – Петро-Александровскни эмас, қадим Сарибийни танлагани бежиз эмасди. Бу пайтга келиб энди боболардан колган қадим савдогарчилик касби касод бўлганди. Ёхунармандлик, ё дехкончилик билан рўзгор тебратиш мумкин бўлиб колганди.

Ўзига тўқ Латиф сарт Сарибийда вақтинча қўним топмайди, балки бир неча ўн таноб ер сотиб олади, шу ерда даври учун катта ҳашамат бўлган кунгурадор иморат тиклади.

1879 йилда элга ош тортиб, катта ўғли Абдулла ни уйлантиради. Бир йил ўтмасдан илк неваралик бўлади – тўнгич невараага Латиф буванинг ўзи Исмоил деб исм танлайди.

Латиф бува катта оиласи билан янги манзилда тинчгина умр кечиради. Аммо илкидаги бир неча таноб ер ҳар доим ҳам оила қозонини бут қилавермасди. Баъзида дарё тошиб, турли қиликлар кўрсатса, баъзида элни ўлат оралаб қоларди. Ёки курюклик дегани ҳам олисларда колган ваҳима эмасди.

Латиф бувани бақувват киши ўтган дейишади. Ёши олтмишдан ошган бўлишига қарамасдан дала-да ўғиллари билан teng ишлар, эл-юртнинг тўй-маъракаларига бош бўларди. Кеч кузда бошланиб, бутун қиш ва баҳор бошламасигадовур давом эта-диган бегорда – дарё ўзани ва кўпдан-кўп арикларни қазиша ҳам қатнашарди.

Айтадиларки, агарда замон тинч келиб, ота-боболари мисол Латиф сарт савдогарчилик билан умрини кечирганда балки юзга кирарди. Турли юртларни кўриш, кўнгилни тўқ тутиш, рўзгорни шу ҳалол ва машақкатли касб билан боқиши унга куч-кувват баҳшида этиши аниқ эди. Аммо ҳали йигит ёшида – йигирма бешига кирмасдан турмуш унинг бошига тинимсиз савдоларни солди. Янги манзилда ватан

тутиш, оила учун бошпана тиклаш, элга қўшилиш, тирикчилик ташвишини қилиш... осон иш эмас. Бунинг устига энди томир ёзган кезида юртни руслар босиб олдилар.

Кейин хеч бўлмаганда фарзандлар тинчгина яшасинлар, хонлик зулмидан азоб тортишмасин, деб янги манзилни коралади – кўчди.

Латиф сартни кирқ йиллик кўчишлар, ташвишлар вактли каритди – у олтмиш бешига кирмасдан фоний дунёдан кўз юмди.

Унинг етти, балки етмиш орқаси қадим Кўнғиротда абадий қўним топганди. Ҳонқада яшаган дастлабки кезларда хеч бўлмаганда йилига бир газак – Курбон ҳайити кунларида ота-боболари мозорини тавоф килишга интилди. Нотинч замонларда ҳар доим бунинг уддасидан чиқа олмади. Мана энди инсоннинг охирати кўриниб қолди. У фарзандларига хокини ота-боболари ётган манзилга – Кўнғиротга олиб бориб дафи қилишни васият қиссинми? Фарзандлар бу васиятини бажаришар ҳам. Аммо бу ерда томир ёзган авлодлари қачонгacha дарё ошиб, икки юрт ўртасида саргардон бўлиб юрадилар. Гарчи хонликда аввалги уруш-савашлар барҳам топган бўлсада, гохида ёвмут туркманлари ёки қоракалпок бийларининг бош кўтариб қолишлари бор.

Латиф бува бу ерда абадий қўним топишга аҳд қиласи. Ўлими арафасида ўғилларини ёнига чорлаб, агарда Оллоҳ таоло омонатини олса, жасадини шундок маллаклари бўлмиш ер яқинидаги маконга қўйишни васият қиласи. Авваллари ҳам бу ерни кўп бора кўз олдига олиб юрганди. Хеч кимнинг илкида бўлмаган ушбу ерга турли дарахтлар эктириди, дала атрофдаги отизлардан (экин майдони) хийла баландлиги боисдан уни қўл кучи билан ўзлаштириб, дехқончилик қилишга имкони келмади. Ва

ўйладики, вақти етиб омонатини топширса ўғилла-ри уни шу ерга дағн этади. Шу тахлит бу ерда – янги манзилда ўзларининг абадий макони – қабристонлари бўлади.

...Сарибийда мавжуд бўлган эски қабристонни халқ ҳамон «Латиф сартнинг авлиёси» деб атасади. Ихтиёрийликдан эмас, мажбурийликдан пайдо бўлган бу муқаддас макон авлодлари зиёратгохига айланган.

Қадим юртимизда минглаб қабристонлар мавжуд. Уларнинг деярли аксари улуғ авлиёлар – қачонлардир юртимизга ислом динини тарбиб қилиш, раият дилига иймон-эътиқодни сингдириш мақсадида ўз юртларини ташлаб, ҳижрат қилган ўзга юртлик мусулмон биродарларимиз номлари билан аталади. Яна бир эътиборли томони ерлик халқ вакиллари – маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиқкан улуғ алломалар, авлиёлар ва бошқа инсонлар номи билан юритилувчи қабристонлар саноқлигина. Дарёнинг ҳар икки бетида мавжуд шундай қабристонларни санаш учун бир инсон бармоқлари етиб ортади.

Тақдирни қаранг – Оллоҳ таолонинг умри кўчувлар, азоблар билан кечинган бир мўмин бандасига синови шу бўлдики, у зоти олий вақт келиб, бир авлиёсифат зот мисоли туғ кўтариб ётишга муваффак бўлди.

«ДОШҚАЛЬДА ЕР КЎП ЭКАН...»

1900 йилнинг бошларида Латиф сартнинг фарзандлари яна бир карра кўчишга мажбур бўлишади. Тўғри, Латиф сарт узок кезишлардан сўнг ўзига абадий қўним топди – суяги Сарибийда қолди. Ўз

номи билан аталувчи қабристон энди шу яқинда яшовчи мўминларнинг сўнгги манзилларига айланди. Демак, ҳақиқатни айтадиган бўлсак, Латиф бува вакти келиб, ажали етган авлодларининг ўзи ёнида ётишини истагандир? Бу – ҳаёт қонуни.

Аммо ҳаётда тирикчилик деган яна бир қонуният ҳам борки, у хар нарсадан кучли. Айнан шу тирикчилик ташвишида бутун-бутун ҳалқлар-қавмлар бир кунда тукқан тупроқларидан айри тушишганлари бор гап.

Тахмини ожизимизча, Латиф сарт авлодларининг яшаш манзилларини бу гал ўзгартиришларига сабаб бўлган тарихий ҳақиқат бор.

Чор истилочилари ўлкадан тайёр хом ашё базаси сифатида фойдаланиш режасини ҳали босқин бўлмасидан аввал тузишганди. Шу боисдан истибдодга юз тутган ўлкага мутлақо кутилмаганда янги-ча яшаш услублари тезкор кириб келади. Маълумки, ҳалқимиз неча асрларки, ўз илкидаги ерларга рўзғори учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик экинларини экишган. Хоразм ўлкасида оқ жўхори, мош, ловия, буғдой, каноп саноат экинлари сифатида экилган бўлса, эҳтиёжга қараб полиз экинлари ва чорва озуқаси экилган. Айниқса, воҳа йўнғичқа (беда) экиш бўйича бой тажрибага эга эди. Бу юртнинг ширин-шакар қовунлари таърифи Бағдодгача машхур эди.

Тўғри, воҳада пахта ҳам озми-кўпми экилган. Эҳтиёжга қараб, воҳадан ҳеч қачон пахта толаси ташқарига чиқарилган эмас.

Чор маъмурлари ерлари унумдор – айниқса, машаққатли пахта учун ўта кулай бўлган ўлканни келажакда бутунлай пахта монокультурасига айлантиришни истилонинг ilk давриданоқ давлат сиёса-

тига айлантиришади. Рус саноатчилариға ўлканинг хосилдор заминида етиштирилган пахта толасини жаҳон бозорига чиқариб сотиш, ушбу даллоллик орқасидан бойиш власаси тинчлик бермасди. Бунинг учун нафақат мавжуд майдонларга ўза экиш, балки янгитдан ерлар ўзлаштириш заруряти ҳам пайдо бўларди.

XIX асрнинг саксонинчи йилларидан бошлаб Туркистонда, хусусан Хоразмда ҳам пахтанинг амирқон (Америка)нави кенг микёсда экила бошлади. «Дюкова» ва «Большая Ярославская мануфактура» фирмалари экиб синааб кўриш учун дастлаб Амударё бўлимига 10 пуд микдорда амирқон навли ўза чигитини жўнатишиди. 1885 йили Шўрахон ва Хонқада бойлардан Абдулла девон ва Аваз Ниёзлар шу нав фўзани ўз ерларида экиб, синовдан ўтказадилар. Натижка кутилганидан ҳам зиёд бўлиб чиқади. Шу тариқа янги навнинг юртимизни истило килиши бошлаб берилади. Мисол учун 1884 йилда Туркистонда бор-йўғи уч юз десятина ерга амирқон навли пахта экилган бўлса, беш йилдан кейин бу микдор кирк тўрт ярим минг десятинага етган. Чор Россиясига олиб кетилган пахта микдори шу даврда 92 минг пуддан беш йил ичидаги уч миллион 560 минг пудга қадар кўтарилган.

Шу мақсадларда чор маъмурлари ҳали ўн тўккизинчи аср охирларида юртимизга бир неча марта илмий экспедициялар уюштиришиди. Бу экспедициянинг холосаси шу бўлдики, воҳанинг жанубий-ғарбий туманларида дунёда энг арzon ва сифатли пахта етиштириш имконлари мавжуд.

...Юқоридаги мақсадни ҳаётга татбиқ қилиш учун ўз даври учун ғоятда муҳим кўплаб тадбирлар кўлланилган. Пахта эккан дехқонлар учун катта

микдорда ҳақ тўлашган. Улар аввалига ер солиғидан озод ҳам килингандар. Тўлов кўпинча бир кило пахтага бир неча кило буғдой микдорида ҳам берилган. Машаққати бисёр бўлсада, бир неча таноб ерда пахта экиб, юқори ҳосил олган дехкон бутун йил бўйи оиласини таъминлайдиган буғдойга эга бўлган. Қаҳатчилик, қимматчилик ва очарчилик каби балоларни ўз танасида синаб кўрган дехконлар бу янгиликка тезкор ёпишиб олганлар.

Тўғри, Сарибийда Латиф сартнинг бир неча таноб ери бор эди. Оила қозонини қайнатиб турганди. Аммо вакт келиб фарзандлар кўпайди, эндиликда оила қурган, ўз фарзандларини орттирган ўғиллари оиласини боқишига бу ер озлик қилиб колди. Янгитдан ер очиш имкони йўқ, сотиб олиш эса қийин. Айниқса, пахта экиш бошлангач, ерларнинг баҳоси бир неча карра ошиб кетди. Тўғри, шу атрофдаги ери кўп бойларнинг отизлари, яъни да-лаларини тенг яримчилик шарти билан олиб ишлаш ҳам мумкин. Аммо «шериклик ошни ит ичмайди», деган қадим нақл бор. Худо кўрсатмасин, пахта яхши битмаса борми, унда хонавайрон бўлдим деявер. Кейин бутун бола-чақант билан бойга қарам бўлиб қолишинг бор.

...Янги аср бошига келиб, рус маъмурлари ташландик ётган, эгасиз майдонларни маҳаллий аҳолига бўлиб беришига киришдилар. Бу ерни текинга бўлиб беришнинг биргина шарти бор эди – ер олган одам фактат пахта етиштириши керак.

Петро-Александровскда нуфузли вазифада ишлаган Маслов дегани шу тариқа бутун ҳудудда «ер тарқатувчи» номини олади. Аҳоли нисбатан кам бўлган, аммо сув йўллари таҳт манзиллардан хоҳловчиларга ер ажратиб, хатлаб беришига киришади.

1900 йил бошида Абдулла aka оға-инилари билан Дошқалъа элати ҳудудидан ўн таноб ер олади. Айнан унга қўшни отизлардан Отажон бувага ҳам ўн таноб, хонбосларга ҳам шу микдор ер теккан...

Дошқалъа әлати қадим Тозабоғёп қишлоғи худудида эди.

Шу ўринда Абдулла акани ўн таноб ери, бир этак оиласи, ишчан, тадбиркор оға-инилари билан янги әлатда рўзғор ташвиши билан қолдирамизда, бу қадим қишлоқ ҳақида муҳтасаргина сўз айтишга изн сўраймиз.

ТОЗАБОҒЁП МАДАНИЯТИ

Қадим Хоразм мозийнинг энг кўхна маданият ўчоқларидан бири саналади. Қадимшунослар бу ерда инсон боласи неча юз минг йил муқаддам ўтроклашгани, ўзига хос яшаш усулларини — маданияти яратганидан сўз очишса, сиёsatшунослар таъбирича, давлатчиликнинг тарихи етти минг йилнинг нари-берисида пайдо бўлгани аниқланганидан айтадилар.

Воҳада ҳаёт дарё билан бевосита боғлиқ. Бевосита боғлиқлиги шундаки, ўжар Жайхун ўз ўзанини ўзгартириши туфайли ҳаёт гоҳида ўнг, гоҳ чап қирғоқда мисли қўрилмаган тарзда ривож топиб, яшнаб турган. Баъзизда дарё йўналишини кескин ўзгартирган кезларда бутун-бутун қалъалар — аҳоли истиқомат манзиллари харобаларга айланган. Қаҷонлардир гуллаб-яшнаган Шоҳсанам, Ошиқ Ойдин, Шахри Бўстон каби қалъаларнинг ҳозирда дарёдан юзлаб чакирим узокликда қолгани — саҳроларга ем бўлиб, ўлик шаҳарларга айлангани дарёning яқин минг йилликлардаги «кўчиш»ларининг меваси.

Амударёning сўнгти «қалтис ўйини» 1572—75 йилларда содир бўлди. Ўзаро қирғин, босқинчилар олиб борган омонсиз уруш ва сувсизликдан қадим Хоразмшоҳларнинг бош кенти ҳисобланмиш Кўхна Урганч тамомила вайронага айланади. Қаҷонлардир бир миллионга яқин одам истиқомат қилган деб тарихчилар гувоҳлик берган шахар чин

маънода вулқондан кейинги Помпейга ўхшаб қолади.

Ёки дарёning ўнг қирғонидаги юзлаб қалъалар тақдирида ҳам шунга монанд қисматларни учратиш мумкин. Хоразмшоҳларнинг биринчи пойтахти хисобланган Тупроққалъа шаҳар сифатида эрамиздан олдинги минг йилликдаёқ ўз нуфузини йўқотиб бўлганди. Бунга ҳам дарё ўзанини ўзgartгани сабаб.

Қадимшунослар юртимиэда истиқомат қилган қадим бобокалонларимизнинг яшаш усуллари, тириклий йўсинлари, барпо этган ўз даврига хос маданиятини мазкур қалъа харобаларини археологик тадқиқотлардан ўтказиш орқали аниқлашган. Марказий Осиё дапт зонаси қабилаларининг бронза даврига оид маданиятини Бургут қалъа воҳасидан ўтувчи Тозабоғёп канали яқинидан топишган. Шу боисдан мазкур давр маданияти инсоният тарихига «Тозабоғёп маданияти» атамаси билан кирган.

Академик Толстов олиб борган археологик изланишлар натижасида бронза даври, яъни эрамиздан олдинги икки минг йилликнинг иккинчи ярми маданий қатлами айнан шу худуддан топилади. Толстовдан кейин профессор Виноградов ва бу маданият изларини ўзбек олимлари Яхё Фуломов ва Аҳмадали Аскаровлар батафсил ўрганадилар.

Абдулла ака оға-инилари билан Дошқалъани ватан тушишган пайтда қачонлардир гуллаб-яшнаган ҳудуд дарё ўйинларидан узоқ муддат ташландик ҳолга келиб қолганди. Одамлар гоҳида сувсизликдан, гоҳида эса сув тошқинларидан безиб, нисбатан тинч ҳудудларга кўчиб яшашганини эътиборга олсак, Дошқалъа аҳли пешанасига ҳам бу тақдир неча газак ёзилгани маълум бўлади.

Хонликда бир қарич ер ҳам эгасиз хисобланмаган. «Хонлик ери», «отаимулк» каби атамалар айнан ерга нисбатан қўлланилган. Отай мулк, яъни

ота-бобосидан қолиб келаётган ерни ўзганинг, ҳатто хонликнинг тортиб олишга ҳақи бўлмаган. Хонлик ўз илкидаги — вакф ерларига тўла хўжайин эди, холос.

Бундан бир аср муқаддам қандайдир Маслов дегани одамларга Дошқалъа атрофларидан гўё ота мулкидек қилиб ер ўлчаб берганида, албатта эгасиз, ташландик майдонларни танлаган.

Халқ тилида Тозабоғёп қишлоғи деб қадимдан аталиб келинган каттагина ҳудуд кейинчалик собиқ шўроларнинг жамоалаштириш сиёсати туфайли ўзгача маъмурий тизилмалар шаклини олади.

...Қариялар Дошқалъага хотирларида қолмиш эсадаликларни титкилаб қуидагича таъриф қилишади.

«Дошқалъада Кичик Гулдурсинга ўхшаган қандайдир катта қалъа бўлган шекилли, юз йиллар муқаддам бу қалъанинг ўрни яққол билиниб турарди. Каттагина дўнглик бор эди. Энди, Дошқалъа дегани аслида тошдан ясалган қалъа дегани эмасми? Демак, қачонлардир бу ерда баҳайбат қалъа бўлган экан-да».

...Тўғри қадим воҳада тарихий қийматга эга бўлмаган манзилнинг ўзи йўқ. Аммо давраларда илмий-тарихий адабиётларни иқтибос қилиб оғиз кўпиртириб мактанишга арзийдиган манзиллар борки, шу эл кишилари бу билан неча асрлар фахрланиб келадилар.

Тарихий адолатнинг завол топмаганини айтмоқ чимиз — Латиф сарт кўп қадим Кўнғиротни тарқ этаркан, шундай қадим ва машхур элдан ўз ихтиёрисиз кўчаётганидан афсуслар туйгандир? Балки? Аммо тақдир уни худди шундай қадим ва машхур элга эш қилди — Хонқада кўним топишиди. Кўнғирот қай даражада бутун ҳудудда кўп қадим ва шухратли бўлса, Хонқанинг қадимийлиги ва шухрати ундан бир баҳя кам эмасди.

Кейинчалик Латиф сарт янги манзилга кўчди —

дарё ўнг қирғиғидаги Сарибийдан ватан тутди. Сарибий — бутун худудда энг күхна ва машхур инсоният яшаш ўчокларидан бири саналади. Бу ерда Латиф сарт ватан тутди эмас, балки вакти келиб мұқаддас қадамжога асос солди — камдан-кам инсонға насиб қиласын шарафға — ўз номидаги қабристонға әга бўлиш баҳтига муяссар бўлди.

Унинг авлодлари эса Тозабоғёпда палак ёзиб, томир отиш баҳтига эришдилар. Тозабоғёп эса худуддаги бутун-бутун тарихий бошламаларнинг илк ўчори сифатида тарихга кирган маскан. Бу тарихий адолатнинг тикланиппи — синиб кетмагани.

Бахтлариким, бу авлод пешанасига кўхна ўлканнинг энг азиз, энг машхур, энг кадрли масканларидан яшаш, ўзларидан кўпайиш, шу худудларда ўз тарихларини, ўз тақдирларини яратиш имкони ёзилди. Шонли авлодлар ўзларининг меҳнатсеварлиги, әлпарварлиги, касб-кори, ҳалол меҳнатлари эвазига ўз шажараларини шу манзиллар тарихига абадий битдилар.

Кўнғирот — Ҳонқа — Сарибий — Тозабоғёп. Бу тўрт жумла, тўрт бирикмани бир-биридан айро тушириб бўлмайди. Ҳар бириси ўз тош-тарозусига, ўз нуфузига, ўз ўрнига әга. Гўёки, эгизаклар каби гўзал. Гўёки курашга бел боғлаб даврага тушган, бир-биридан енгилишни хаёлига келтирмаган алпқомат полвонлардай.

...Энди биз бу шажара тарихини айнан Тозабоғёпдан оламиз.

ИСМОИЛ БУВА ДЕХҖОН ЭДИЛАР

...Исмоил отаси ва инилари билан Дошқалъага кўчиб келиб, рус маъмурларидан ер олганида йигирма яшар куч-куватга тўлган йигит эди. Ишлаб чарчамасди. Отаси, буваси қаватида муштдек боши билан илкидаги ерга турли экинлар экиб, рўзгор козонини қайнатишга ўсмирилигидан киришган.

Сарибийда уларнинг кунгирадор иморатлари бўлган. Ўз даврида бундай маҳобатли иморат қуриш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермаган. Шунинг ўзиёқ бу хонадоннинг дехҷончилик орқасидан тўкбадавлат яшашганини кўрсатади.

Шу ўринда бундан бир аср муқаддам воҳа дехҷонининг яшаш услуби, дехҷончилик маданияти ва рўзгор тутуми ҳақида мухтасаргина маълумот бераби кетиш ўринли.

Аввало, руслар келиши билан дехҷончиликда ҳам ўзгача устқурмалар таркиб топа бошлаганини айтиш жоиз. Негаки, эндиликда ота-боболар каби факат буғдой, жўхори ва полиз экинлари экиш билан чекланиб қолиб бўлмасди. Рус маъмурлари пахта учун мўмай пул беришга киришишганди. Пул – ҳамма замонларда рўзгор бутлигини таъминлайдиган восита хисобланади.

Маслов Абдулла aka ва унинг ўғилларига бекорга ўн таноб ер бермаганди. Демак, бу ерларда пахта экиш мажбурилиги бор эди.

Пахтани фақат бошқа ҳудудларга олиб кетиш билан мануфактурачилар катта даромад ололмасдилар. Биринчидан, шу ернинг ўзидаёқ пахтани чигитидан ажратиш, тола олиш инни бир қадар енгиллаштиради. Колаверса, мануфактурачилар пахта чигитидан ёғ олишар, унинг кунжарасини ҳам дехҷонларга ҳақ ўрнида тарқатишлари мумкин бўларди.

Петро-Александровск шаҳрида яшаган рус саводогари Павел Александрович йигирманчи аср бошлиарида дарёнинг чап кирғоғига ўтиб, Гурланда ҳам пахта тозалаш заводи курдиради. Бу кишининг

Тўрткўл ва Ҳонқада ҳам заводлари бор эди. Бу заводларда қунига бир неча тонна пахтани чигитдан ажратиш мумкин бўлган.

Чор Россияси тўқимачилик корхоналарини мунтазам пахта толаси билан таъминлаш мақсадида уни ташиб кетиш масаласи ҳам ўн тўққизинчи аср охирларида ҳал қилинган. Қаспийорти темир йўли йиғирма йил ичидаги Тошкент шаҳригача етказилади. Чоржўйгача темир йўл қурилиши билан Амударёда биржаларда толани мумкин қадар кўплаб ташиш имкони яратилади. Тўрткўл эса дарё флотилиясининг маркази — юраги саналарди.

1900 йилдан бошлаб пахтанинг теэзишар «Уланд» навининг Мексикадан келтирилиб, синовдан ўтказилиб, районлаштирилиши эндиликда кўплаб дехқонларнинг пахта экишга қизиқишиларини оширади. Сабаби, ўша даврда бир пуд буғдойга 1 сўм 70 тийин ҳак тўланган бўлса, шу миқдор пахтага мануфактурачилар З сўм 20 тийин миқдорда ҳак тўлашган. Ёки 1917 йилга келиб, жаҳон бозорида бир кило пахта ўн бир кило буғдойга тенглаштирилган.

Шундай шароитда қайси дехқон буғдой экади дейсиз.

Хеч шубҳасизки, Абдулла ака ўн таноб ерининг аксарига пахта эккан. Агарда бу пайтда пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги ўн центнерга еттанини эслатсан, ўн таноб ердан дехқон бир мавсумда ўн беш минг сўмга яқин даромад олганини кузатиш мумкин.

...Абдулла ака ўзига эркли дехқон эди. Илкида ўн таноб ер бор — бу хозирги ҳисобда тахминан тўрт гектар майдон дегани. Унинг фарзандлари бўй тортишган, барча юмушлар ўзи ва болалари зиммасида эди. Мавсумда ёлланма дехқон тутарди.

Дошқальъада ватан тутгач, Абдулла ака икки йилда қунгурадор иморат тиклайди. Кейинги йили катта ўғли Исмоилни уйлантиради. Аммо ўғлининг би-

ринчи рўзғори узокқа бормайди — оила тез ажрашиб кетади. Кейинги йили элга тўй қилиб, шундок қўшни — ҳам иморати, ҳам ери чегарадош бўлган хомбошлардан Ҳожи хомбошнинг Сапура исмли қизини келин қилиб туширади...

...Абдулла ака имон-эътиқодли инсон ўтган. Беш вақт намозини канда қилмаган, ҳар жума куни барча мўминлар каби масжидга бориб, жума намозида қатнашган. Рўза туттган, жонлик сўйиб, курбонлик қилган, етим-есирлардан ҳол сўраган.

...Қўй йили эди. Абдулла ака бир текис униб чиккан ғўзаларининг ривожидан кўнгли кўтарилиб, уйига ҳуфтон арафасида қайтади. Келини оғироёқ бўлганидан катта ўғли Исмоил бугун далага бормаган, эрталабдан келиннинг аҳволидан хабарланиб, уйда қолганди.

Абдулла ака кунгурадор иморатининг эркаклар яшайдиган қибла тарафидаги катта дарвозадан кираётиб, уйда бир ташвиш аломатини сеади. Катта ўғли Асматулла уйланиб, бола-чақали бўлган. Иброҳимнинг уйланганига кўп вақт бўлган бўлсада, ҳали фарзандлари йўқ эди. Исмоилнинг хотини тўлғок тутаётгани хабари унинг кўнглини тоширди. «Ишқилиб, икки жонини бир берган бўлсин-да. Ўғлининг қувонишини айтинг. Тақдир экан, биринчи аёли билан рўзғори битмади. Мана иккинчи келин билан кўз тегмасин бир кошу кўздек яшаяпти.»

Катта қизи Налмомо ҳам келибди. У отасини кўрибоқ салом берди. Отасининг ҳорғин киёфасида чарчоқ аломатлари эмас, қандайдир қувонч белгилари кўзга ташланарди. Ота-қиз айвон эшиги олдида бирпас ҳол-аҳвол сўрашиб туриб қолдилар. Шу пайт тўрдаги аёллар хонаси томондан қўшни кампир чиқиб, аввалида рўмоли билан юзини яширган бўлди, хонадон эгасини таниб, эшитилар-эшитилмас салом берди.

Абдулла ака тўлқинланди. Қўшни кампирнинг —

кўли енгил энака (доя) аёлнинг келганини яхшиликка йўйди.

Индамасдан ичкарилади. Дастурхонда дамлоғлик чойга қарамасдан токчада турган Куръонни олиб, дуч келган еридан ўқий бошлади. Буни қарангки, айнан «Ёсин» сурасини очибди. Буни ҳам яхшиликка йўйди.

Бирпасдан сўнг тўрдаги уйдан чақалоқнинг йиғиси қулоғига чалинди. Каломни токчага қўйди-ю, «Таборак» сурасини кетма-кет ёддан ўқишга тушди.

Қироат билан бўлиб, кимдир эшикни очгани, Абдулла аканинг кўрпачада чўккалаганча Куръон қироат қилаётганини кўриб, охиста эшикни қайта ёпиб, ортига қайтганини сезмади.

Бир маҳал қироатни тугатиб, фотиҳага қўл очиб, атрофга караса ўғли Исмоил ҳам дастурхон четига одоб билан чўкиб, дуога кўшилибди. Ўғлининг хорғин юзларида қувонч аломатлари шундок кўриниб турарди.

Фотиҳа ўқиб, қўлларини юзларига тортишгач, ўғли шошинқиради.

— Ота, суюнчи беринг, муборак бўлсин! Неваралик бўлдингиз!

Абдулла ака ўғлига шодон бокди.

— Ўзингизга ҳам фарзанд қутлур бўлсин, ўғлим.

— Куллук, куллук.

Кейин тўни қатини титкилаб бир тилло пул олиб ўғлига узатди. Ўғли кулди, олмади. Ирими учун айтганини билдирамоқ бўлди. Абдулла ака қўймади.

— Ол! Энакасига бер, хурсанд бўлади.

Ўғли пулни олиб чиқаётганда Абдулла ака ўсмоклади.

— Бу неварамизни қандай атаймиз...

Исмоилнинг юзлари янада ёришди.

— Неварангиз ўғил, ота.

— Кўй йилида туғилибди, феъли қўйдек юмпок бўлсин, насибаси тўқ келсин.

Кейин ҳамон ўзига тикилиб турган ўғлига караб күнглига келганини айтди.

— Шу йигитга Куронбой деб от қўйсак. А?!

Исмоил отасининг гапини маъқуллаб, бош чайкади...

...Абдулла ака кўп яшамади. Аммо фарзандларининг камолини кўрди, бир парча ери билан катта рўзгорни тебратди, ўғил-қизларини уйли-жойли қилишига бош бўлди.

...Тақдир Исмоил бува бошига кўп доғули замонларни кўрипни ёзган экан. Кетма-кет фарзандлари туғилиб, инилари бўлакча иморат қуриб, чиқиб кетишгач, отамерос ерда дехкончилигини тинчгина давом қилдираверди. Качонлардир отаси курган кунгурадор иморат бу пайтга келиб, анча кенгайиб, бирор кирқ хонага етиб қолганди...

Аввал «Гирмон уруши» дегани чиқди. Урушда русларнинг кўли паст келдими, юртда кўп вақт қахатчилик кезинди. Паҳтанинг нархи тушиб кетди. Ҳатто бир кило паҳтага бир кило буғдой топиш мушкул бўлиб қолди. Қим бўйи қозон қайнатилиши душвор бўлган хонадонлар аксари эрта баҳорда ерларига чигит эмас, баҳорги буғдой ва арпа экишга мажбур бўлдилар.

Кейин «инқилоб» дегани бўлди. Хивадаги хонни ағдариб, ўрнида ишчи-дехқонлар хукумат тузгани ҳакидаги хабарлар тарқаб қолди. Бу пайтда Тўрткўлда ҳам ажабтовур воқеалар содир бўлмоқда эди. Шаҳарга соқчилик учун кўйилган казаклар анча муддат ишчи-дехқонлар хукуматини тан олмай ўзларича яшашди, бир муддат дарё ортига юриш қилган Жунаидхон лашкарини кўллаб ҳам туришди.

Кейин Тўрткўлга Шайдаков дегани катта кўшин билан келаётгани, кимки ишчи-дехқон хукуматига қарши бўлса, тўпнинг оғзига боғлаб отишлари ҳакидаги шумхабарлар тарқалди.

Тўрткўлдан ўн беш чақиримлик ердаги — Дошқалъада ўз тирикчилиги билан андармон Исмоил

ака бу бало-офтлардан имкон қадар узоқда туришга ҳаракат қилди. Бўй тортиб қолган ўғли Куронбойни кўз қорачиғидек асрари, оғзиолачилик йилларида уни бир қадам ёнидан жилдирмади. Ҳатто одамлар Тўрткўл бозорига боришдан қўрқиб қолишиди....

... Кейин бир муддат юртда тинчлик бўлди – шўролар бой-бадавлат кишиларнинг ерларини камбағалларга, ерсизларга бўлиб беришди. Аммо ерсизнинг ерли бўлгани, дехқоннинг елкасига офтоб теккани вақтинчалик экан. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларига келиб шўролар «қолхоз» деган нарсани ўйлаб топдилар. Яъниким барчанинг ерлари бирлаштирилди – жамоалаштириш сиёсати жойларда гоҳида ихтиёрийлик, гоҳида зуфум остида олиб борилди. Колхозга дехқонлар илкидаги борики ишчи куроли – бир бош оти, түяси, хўқизи билан киришиди. Аввалида маллак шаклида экиб келинган ерлар шу тахлит бириткирилиб, эндиликда уларни барча тенг ишлаб, тенг эка бошладилар. Бу янгилик қизиқ кўринишга эга эди. Ерни биргаликда экасан, етиштирилган ҳосил – пахтани бирга давлатга топширасан, натижада, кеч кузда йил бўйи умуммулкка кўшган хиссанг – иш кунинг учун хақига буғдой беришади. Баъзида бир бош кийимкечак ҳам беришган.

Тозабоғёп қишлоғи ҳудудида шу тахлит 1929–30 йилларда дастлабки колхозлар тузилди. Шу арафада Исмоил бува ҳам колхозга кирди. Кейинчалик уч колхозни бирлаштириб, йирик «Намуна» колхозига айлантиришиди.

Исмоил бува колхознинг илк кунларидан бошлаб барча оғир юмушларида қатнашди. Кўш ҳайдали, арава тортиди. Раҳматли аёли Сапура момо хотин-қизлар билан бирга колхозда умри охиригача ишлади. Колхознинг чеккаларида икки-уч хонадон яшайдиган хутор қисмлари бўларди. Экиш вақтлари барча шу ёққа кўчарди. Ётиб ишлашарди. Пахта

экишарди. Далани хўқиз ва от кўшилган омочларда ҳайдашнинг ўзи минг азоб. Кейин нотекис далалар кетмонда яна бир қайта қўлдан ўтказилади — текисланади, омоч чала теккан ерлари ағдарилади. Сўнг ерга чигит қадалади.

Колхоз аввалида иш куни учун озми-кўпми ҳак бераб турди. Ҳатто пахта терими вактларида илгорларга деб ҳар бири ёш боланинг муштидек келадиган оқ қанд ҳам тарқатиши. Чойга солсанг эриб кетадиган ширтаъм қандни ilk бора тотиб кўрган колхоз аъзоларининг бошлари кўкка етди. Аммо бу орада шўролар давлатида катталарнинг уқувсизлигиданми ёки худони тан олмаганларни худо урдими очлик рўй берди. Энди йил ўн икки ой кора меҳнатинг учун бир этак буёдой берсада розисан. Ишқилиб, болаларинг очликдан ўлишмаса бўлгани...

Исмоил бува шундай кора кунларни кўрди. Булар ҳали ҳолва экан, уруш вақтида одамлар очликдан қирилиб кетиши-я. Топган-тутганини урушга топширган халқнинг силласи қуриди — кунжара еб шишиб ўлганлар бўлди. Яна бало устига бало кўпиб, юртда «терлама» дегани чиқди...

...Исмоил бува колхозга ilk бора трактор дегани келганини умри охиригача бир ҳаяжон билан айтиб юрган.

«Тўрткўлга пароходларда ўзи юрар, ўзи сурар темир хўқизлар келтирилибди, энди шуларни колхозларнинг отизларига ҳайдашармиш деган гаплар чиқди. Бунга кўпчилик ишонмади. Темир хўқиз қандай бўлишини ўз кўзи билан кўриш учун Тозақалъага бориб келганларнинг гаплари антиқа эди. Айтишардики, темир хўқиз дегани тўртта фидирак устидаги бир кориндор кора бало эмиш. Фидиракларининг билакдек-билакдек тишлари бормиши. Ери сураётганда кийналмаслиги учун. Гулдираб овоз чиқариб турармиш. Мўрисидан эса кора тутун бурксирмиш. Устига бир одам миниб олиб, темир хўқиз-

ни бошқарып турармиш... Бирор ойлардан сўнг ўша темир ҳўкизлардан бирисини бизнинг колхозга ҳам келтиришди. Бир нўғай одам ҳайдаб келди. Қариялар ёқасини ушлаган, бола-чақа кизиқиб кўчани бошига кийган. Ўша нўғай темир ҳўкизни ҳали тобига келмаган — баҳор ёмриридан эндигина сўриқкан далага ҳайдади. Ҳамма тўпланиб, бу патиллаётган жонивор ҳозир бир ҳамлада бутун отизни (далани) ағдар-тўнтар қилиб ташлайди, деб ҳайрат билан томоша қилиб туришибди. Аммо трактор далада ўн одимча юрмасдан ботиб қолса бўладими? Темир тишли фидираклари бўғзигача лойга кириб кетган, устидаги нўғай одам ҳадеб сўкинади денг...

Тракторлар келган пайтда баъзилар энди колхозчилар тракторнинг ишлашини томоша қилиб, дала бошига чертак тиклаб, чой ичиб, корин қашиб ётишади, деб лоф қилишганди. Қайда? Бу тракторнинг азоби ўзидан кўп экан. Темир фидираклилари отизларда ботиб қолавергач, ўрнига дам берилган фидираклилари келтирилди. Улар далада равон юришарди. Аммо азобли томони шунда эдики, бу тракторларнинг совутиш тизими мукаммал ишланмаган экан. Кўпи билан эни юз қадамлик отизни ҳайдаш жараёнида даланинг ҳар икки бошида от аравага юкланганд ёғоч бочкаларни ҳозирлаб аравакаш-сувчилар туришади. Трактор даланинг бир бошига етмасдан суви қайнаб кетади. Корнидан бурксиб оқ тутун чиқади. Дархол сув куйиш керак. Бу ёққа етгунича яна шу аҳвол...»

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида колхозларнинг илк қадамлари шундай кечган. Одамлар аввалида энди биримиз икки бўлади, корнимиз нонга тўяди, деб байроқ кўтариб, кўшиқ айтиб далага қатнашган бўлишса, кейинча бу орзиккан кувонишларининг жабрини ҳам тортишган. Ўша йиллари колхозлар ҳакида тўқилган қўшиқлар ҳақиқий аҳволни кўрсатиб турибди:

*Озон шўрва, кеч шўрва.
Колхоз – эгнингда тўрва.
Озон гурдик, кеч гурдик.
Колхозга билмай кирдик.*

... И smoил бува уруш йилларида ҳам анча кек-сайган бўлишига қарамасдан колхозда ишлади. Бу пайтда катта ўғли Куронбой аллақачон ота касбини қўлидан олган – аввалида звено бошлири, кейинчалик эса бригадир бўлиб ишлаб, эл-юртда хурмат козона бошлаганди.

БИР МУШТИПАР АЁЛ

Тақдири тузумлар, сиёсаллар, хукмдорлар ўзгарган, юртда турли қайта қуришлар, қайта бузишлар содир бўлган замонда яшаш, бир этак болаларини бокиши зиммасига тушган Сапура момо ҳақида яхшиси ўзбекнинг бир мўътабар аёлининг хозирда ҳаёт бўлган кичик ўғли – саксон яшар Шариф сарт айтсалар маъқул. Ўз онаизори тўғрисида Шариф буванинг эсдаликлари:

«Мен бир минг тўққиз юз йигирма еттинчи йили туғилган эканман. Мендан сўнг Моможон исмли киз туғилган».

Энамнинг қачон туғилганини билмаймиз. Сўрамаганмиз. Одат бўлмаган-да. Аммо кўз очиб дунёни – оқ-корани таниган пайтимда энам бақувват аёл эди. Эркаклар қаторида колхозда ишларди. Айтардики, экиш, чопик пайтларида мени ҳам олиб кетар экан. Дала бошидаги омонат беланчакда ётар эканман. Замон, зулм ёмон бўлган-да. Қаровсиз болани ит ёки күш олиб кетади дейишмаган.

Энг каттамиз Куронбой акам эди. Эсимизни таниганда у киши рўч йигит эди, отам билан бирга колхозда ишларди. Бизлар ҳам белимиз котмай турриб, далага чиқиб кетганимиз...

Ўн яшарли вактимиз хозиргидай ёдимда қолган. Куронбой акамни уйлантириши. Сўна янгам Нурматсаллоҳ буванинг қизи эди. Ўта меҳрибон аёл эдилар. Бизларга муомаласини айтинг.

Умуман болаларга меҳрибонлик дадамизда бетимсол эди. Бирортамизни қаттиқ сўкмаган, урмаган. Ҳамма билан катта одамлардек ширин муомала қиласарди.

Бу хислат энамизда ҳам бор эди. Шу фазилатларини кейинчалик келинларига ҳам юктирганлар...

1941 йилнинг баҳорида бўлса керак, иккинчи акам — Рийимбой акамнинг тўйлари бўлган. Отам элга ош тортиб, ўз замонаси учун ибратли бир тўй қилиб берган. Ойимжон янгамиз шу элатлик Бекчон шайтон деганинг қизи эди. Ўсмир вактимиз, келин олиб келаётган аравага эргашиб, чанг-тупрок йўлларда югуриб-кувонинишиб юрганимиз ёдимда.

Кейин уруш бошлианди. Куронбой акамни ёши учунми ёки озрок хасталиги учунми урушга олишмади. Бу пайтда у киши колхознинг олд кишиси эди — далани, дехқончиликни яхши биларди-да.

Рийимбой акам шу йили ёки биринчилардан бўлиб урушга жўнади. Беш-олти ойлардан кейинми акамдан хат келган. У киши фронтда «полуторка» машинаси хайдаётганини ёзганди. Урушдан олдин ҳам колхозга илк келган юк машинаси ёнида юради — техникага ўта қизиқарди.

Акам урушга кетганида янгам оғироёқ эди. 1942 йилда илк фарзандлари туғилди. Сиёsat ёмон эканда, янгигина бўшанган аёл икки-уч кун уйда ётдими-йўкми ишга чиқсин, деган хабар келган. Бир кўлида эмизикли боласи билан отизга чиқиб ишлайверган.

Каримбой акам мендан бир ёш катта эди. У вактлари туғилганлиги хақда гувоҳнома беришмаган. Урушга олганда ҳам йигитларнинг бўйи-қоматига, мўйлови чиққанига қарашган. Каримбой акамни урушнинг охирроғида фронтга олишган.

1942 йилда мени ҳам ҳарбий комиссариатга чақиришди. Уларнинг рўйхатида 1925 йил туғилган деб хатта тиркалган эканман. Энди мен ҳам урушга кетаман деган ташвиш билан комиссариатга бордим. Делин дегани мени кўрикдан ўтказди. Ёшликтан кўзим ожизроқ. Шуни инобатга олишдими ёки ҳали ёшлигимни билишдими, Делин дегани чақираву қофозини кўз олдимда йиртиб ташлаб, печга улоктиридида: «Бор отангнинг молини бок!» деб чиқариб юборди.

Мени урушга олишмаганини эшишиб, энам бечора кувонганидан йиглаб юборди. Ахир Рийимбой акамдан йилда, ярим йилда бир хат келса, урушнинг ваҳимаси ўзидан ёмон бўлса, кўз олдида юрган мурчалидай ўғилларини қирғинга қайси она ташлайди дейсиз!

Яна бир гапни айтиб ўтай. Менинг урушга бормаганим ҳақида айрим нокаслар гап тарқатишибди. Гўёки мен урушдан қочган эмишман.

1942 йил охиридамикан, Собирвой акам билан иккиламизни ФЗУ деганига чақиришди. Ёши етмаганларни ҳарбий заводларда ишлатиш учун касбга йўналтирадиган шундай вактинчалик курслар ташкил қилишган. Ҳарбий ёшдан — қирқ бешдан ошган кишиларни эса ишчи батальонларига ҳам кеъинроқ олиш бошланган.

Бизлар акам билан Кўнғиротда ФЗУ тайёргарлигига бўлдик. Слесарлик, токарлик каби касбларга ўргатишибди. Зарур бўлса Россиянинг узок шахарларидаги ва ўзимизга уруш вактида кўчирилган ҳарбий заводларга ишлаш учун жўнатамиз, деб уқтиришибди.

Уч ойча ўқишида бўлиб акам билан уйга қайтиб, бечора энамиз дунёдан ўтганини билдик. Бир ўғли урушда, яна икки кичиги ҳам номаълум жойларга кетганини кўтара олмаган. Бирорлар ҳукумат «пузу» деб алдаб аслида ёш болаларни ҳам урушга олиб кетаётган эмиш, деган миш-миш гапни энамга ет-

казган. Соппа-соғлом, бакувват аёл шу бир неча ойда соб бўлган.

Аlam киладики, шундок яқинда бўлатуриб, ўз түқкан энамизнинг жасадини кўтариш насиб қилмади-я.

Энамни Норинжон бува қабристонига дафн килишган экан. Собирвой акам билан бориб, энамнинг ҳали қуриб битмаган қабрини топиб, хўнграб-хўнграб йиғлаганмиз.

Ўша вактда энам нари борса элликларга кирганди. Балки ундан ҳам ёшдирлар? Чунки, у вақтларда қизларни бўй етса тамом — ўн уч-ўн тўрт ёшида ҳам турмушга узатишган.

Энамнинг бевақт ўлими отамни ҳам қаритиб кўйди. Кетма-кет икки ўғлини урушга олишди, бу ёқда бизлар ҳам ана кетамиз, мана кетамиз, деб ҳар доим сафар халтамиз билан юрган бўлсак. Бу ёқда уруш даврининг етишмовчиликлари.

Кекса киши каровга муҳтож бўлиб қолади. Шу боисдан отам кейинчалик Шўрохоннинг дарғалари авлодидан бўлган Рўзигул исмли аёлга уйланди. Рўзигул момони ҳеч ўгай деб айтгим келмайди. Ўта меҳрибон аёл эди. Акамларнинг кичик болаларини гўё ўз болалари, ўз неваралари каби меҳр билан қараб, парваришлаб ўтиради. Тўғрисини айтсам, бу дунёда одамларни яқинлаштирадиган, бир-бирига оқибатли, меҳрибон қиладиган нарса тўқчилик эмас — йўқчилик. Юртга бало келган пайти одамлар ўзаро низони унутадилар, бир-бирларига суюниб қоладилар.

Рўзигул энамиз отам билан беш-олти йил яшаган. Тўғри, бу аёл фарзанд кўрмади. Аммо ўгай фарзандларининг болаларини бокиб умрлари ўтди.

Рўзигул энамиз ўлганида у кишининг хокини отам ва энам ётган Норинжон бува қабристонига кўймокчи эдик. Бу аёлнинг оиласизга озмунча хизмати сингмаганди. Аммо оға-инилари суяқ талашишди, энамизни дафн қилиш бир кунга кечикди. Охи-

ри бўлмади, дарғалар уни Шўрохонга олиб кетиб, ўз суякларига қўшиши. Бизлар ҳайит байрамларда бориб қабрини зиёрат қилдик.

Дунё дегани эртакка ўхшаркан. Беш кунлик ёлғончи деганлари шу-да. Энди саксонни қоралаб қўйиб, мана энамизни, отамизни, Рўзигул момомизни эслаб ўтирибман. Ҳаммаси гўё куни кеча бўлиб ўтгандай. Ҳаммаларининг қиёфалари шундоқ кўз ўнгимда турибди...

ЭЛПАРВАР ИНСОН

Латиф сартнинг човлиғи (эвара) Абдулла сартнинг ахтири (невараси) Исмоил сартнинг катта ўғли Куронбой сарт эл кишилари ёдида шундай яхши ном — хотира қолдириб кетган инсон. Бу бир банданинг етмиш йилдан зиёд умрида юрт кишиларига, қўни-қўшниларга, бутун бир худудда қилган яхшиликларига берилган баҳо.

Одатда, инсондан қоладиган из — унинг эл-юрга қилган амаллари билан бир қаторда ўз ортида қолдирган оқил, меҳнаткаш, эл-улусга қайишадиган фарзандлари билан ҳам ўлчанади.

Куронбой ака айни колхозлаштириш авжига мингани ўттизинчи йиллар ўрталарида оила қуради. Тўғри, Абдулла ака ҳам, Исмоил ака ҳам йигирма ёшларида оила курган эдилар. Куронбой аканинг нисбатан кечроқ оила тузишига — юртда содир бўлган турли ўзгаришлар сабаб. Ўзаро фукаролар уруши авжига чиқкан, кейинроқ оғзиолачилик ва «умуммулк» аталган сиёсаллар кетма-кет келган замонда бандасига тўй-ҳашам татимайди. Тирикчилик бирламчи қайғу бўлиб қолади. Шу боисдан Исмоил ака тўнғич ўғлини сал кечроқ уйлантирди. Шу пайтда юртда «қатағон» дегани ҳам чиққандики, бу вахимали кунлар кўпчиликнинг юрагини олиб қўйганди...

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида колхозга

кўшилмасдан якка хўжалик тарзида яшашни истаган кишиларнинг аксарини турли айблар билан ўзга ўлкаларга қулоқ тамфаси остида сургун килиб юборишиганди. Ҳатто илкида бир бош хўқизи бор бандаларнинг аксари қулоқ бўлиб кетишиган. Бундай пайтда ўнғайнинг келсада, элга ош бериб, бундайрок тўй давраси тузиш хавфли эди. Тўйдан сал ўтмасдан қайсиdir бир нокаснинг бой-бадавлат хонадон, катта тўй қилди, деган чақуви билан туғилган юртдан сургун бўлиб кетиш одатий ҳол эди.

Куронбой аканинг кўз очиб кўргани — Сўна момо шу элатлик Нурмат саллоҳнинг қизи эди. 1936 йил охирида оиласда тўнгич фарзанд дунёга келади. Унга Мухаммад деб исм кўядилар.

Куронбой аканинг тўнгич фарзанди бир умр колхозда тракторчи бўлиб ишлади. Бирин-кетин фарзандлар дунёга келди.

Шу ўринда бу хонадонда қачонлардир таркиб топган бир анъанани қайд килиб кетиш керак. Катта хонадоннинг кенжак авлодлари исмларининг аксари дини исломнинг устунлари бўлган мукаддас зотлар билан адаш. Бунинг ўзиёқ хонадон эгаларининг нақадар имонли-эътиқодли кишилар бўлишганини кўрсатади.

Сўна момодан туғилган иккинчи фарзанд — Ёкутжон ёшлигидан касалвандроқ ўси...

Уруш йилларининг азоби, машаққатли меҳнат, фарзандлар ғами кўпгина аёлларни вақтли қаритган. Соппа-соғлом аёллар қора меҳнатдан, уруш келтирган кулфат ва ғамдан бевақт ҳаётдан кўз юмғанлар. Сўна момонинг жуда ёш дунёдан кетишига ҳам шундай давр сабабчи.

Биз аждодлар оралиғидаги вақт боисдан Сўна момо деган иборани ишлатаяпмиз. Аслида Сўна момо ҳаётдан кетган вақтида эндигина ўттиздан ҳатлаган навжуон эди...

Куронбой ака уруш тугар йили Саодат исмли аёлга уйланади. Бу никоҳдан бир фарзанд дунёга келади, аммо чақалоқ уч ойлигига вафот этади.

Куронбой аканинг учинчи оиласи — Бибижон момо.

Бибижон момодан бир-биридан ширин-шакар фарзандлар бирин-кетин дунёга келган. Куронбой қизларининг бирига Сапура деб исм беради. Бу ёш вафот этган онаси ҳурматига. Онамнинг исми ерда қолиб кетмасин, деб ирим этгани.

Бугун Куронбой аканинг фарзандлари ўзларидан кўпайиб, хозирда ўнлаб оила-хонадонларни ташкил қилишганки, бу оқил фарзандларнинг ибратли ҳаёти ҳакида тўла ёзсан, рисоламиз ҳажми етишмайроқ қолади. Биз ўрни келганда Куронбой аканинг фарзандлари ҳакида имкон қадар ва батафсил маълумот бериб ўтишга ҳаракат қиласиз.

Хозир эса Латиф сартнинг машхур човлиғи ҳакида алоҳида тўхтамоқчимиз. Негаким, бу инсон ҳаёт бўлганларида ушбу санада бир аср умр кўрарди.

Аввалида сўзни у кишининг замондошларига, касбдошларига, шогирдларига ва яқин биродарларига берамиз. Зеро, эшитган бошқа-ю кўрган бошқа. Билган бошқа. Бирга юрган бошқа.

«ТАШКИЛОТЧИ ОДАМ ЭДИ»

(Уруш ва меҳнат фахрийси Куронбой Нуруллаев хотираларидан)

... Мен 1922 йилда туғилганман. Урушдан олдин саккиз йиллик мактабни битказдим. Ҳам ўқиб, ҳам ишлаган авлодмиз.

Уруш авжига чиқсан вақти — маҳаллий миллат вакилларини ҳам тўхтовсиз урушга олиб турган кезларда Кўхна қалъада полк ташкил қилишди. Мен қатори йигитларни ана шу полкка ёзишиб, бир муддат тайёргарликдан ўtkазишди ва 1943 йилнинг ёзида урушга жўнатишди. Аниқ ёдимда қолган — 15 июнь куни ҳаммамизни дарёда турган пароходга мингашибди ва Орол денгизи томонга сузиб кетдик. У

вактлар дарёда кемалар қатнарди — Тўрткўлда махсус пароходчилик бўлими бор эди.

Уч яrim кун деганда дарёда сузиб, денгизда сузиб Аралский портига чиққанмиз. Урушнинг бор даҳшатларини бошимдан кечирганман. Севастополь ва Симферополь шаҳарларини озод қилишда иштирок этганман. Шундай қонли жангларнинг бирида оғир яраландим ва госпиталда бир муддат даволашгач, юрга қайтаришди.

Ёдимда, ўн олти нафар йигитлар бирга кетгандик. Маткарим жувозчи, Султонбой, Абдулла, Каимбой, Жумёз сартлар... Кетиш арафасида орамиздан қўлида ҳунари борларни негадир суриштириб ажратиб олишган. Яъни ихтисослиги бўйича фойдаланиш учун. Ражаббой кўтири этикчи уста эди. Колганларимизни ҳайдаган...

1944 йил кузида златга қайтиб келдим. Фронт ортида ахвол ёмон эди. Очлик, қаҳатчилик, бунинг устига юртта вабо деган бало ҳам оралаган. Кўп одамлар ана шу оғатлардан бевақт ўлиб кетишганди.

Очлик вактида кунжара еб, шишиб ўлганларни биламиз. Илоҳим бундай кунлар қайтмас бўлиб кетгани рост бўлсин!

... Хали соғлигим яхши тикланмаган. Аммо уйда бирор ҳафта дам олишимга ҳам қўйишмади. Мени табелчи қилиб тайинлашди. Ҳат саводим бор эдида. Куронбой ака бригадир экан. Қатида чоллар, хотин-халаж ва ўсмир болалар. Шулар билан бирор саксон гектар ерда пахта экишган. Қиши баҳор, ёз бўйи роса меҳнат қилишган экан, пахта деганининг ҳосили кувонтиргулик.

Дарҳол ишга киришиб кетдим. Терим бошланган пайт эмасми, куни билан теримчилар терган пахтани тарозида тортаман, кейин махсус хирмонда қуритишда қатнашаман. Қарилар, ёшлар билан биргалиқда пахтани қопларга тиқиб, кейин пунктга юборамиз.

У пайтлари пахта терими қора қишигача давом этарди. Совуқ тушиши билан очилмай турган кўракларни узиб олиб, туни билан қора чироқда пахтаси ситиларди.

Кор босган отизларда қатор туриб, кўлимизда калтак билан ғўзаларнинг корини қоқиб, кўракларни терганимизни биламан. Кейин жиққа сув пахтани хирмонга ёндош қурилган сушилкада ўт ёкиб қуритардик. Бир азобли замонлар эди.

Куронбой ака тиниб-тинчимас одам эди. Бригадирман деб керилиб юрмас, бизлар билан бир қаторда барча оғир юмушларни бажариб кетаверарди. Пахтани қоплашарди, кўтариб араваларга юклашарди. Кўпинча, кечаси пунктта ҳам бирга бориб келларди.

Бир ёқда урушдан «қорахат» деган шумхабар ҳам келиб туради. Ёдимда, Сафо сартнинг катта ўғли Жумёздан «қорахат» келган. Мен билан бирга урушга кетган Йўлдош, Аминбой, Мўминбойлардан (Аминбой, Мўминбойлар Асматулла сартнинг болалари эди) ҳам «қорахат» келган. Тукқанидан, ўғлидан ёки эридан «қорахат» келган бригада аъзолари қатида туриш, оғир кунларда уларнинг дардига шерик бўлиш, имкон қадар ёрдам кўрсатиш Куронбой аканинг одамийлик хислатларидан эди.

Урушдан сўнг Куронбой ака бир неча йил звено бошлиғи бўлиб ишлади. Бу пайтда ишлар бир оз енгиллашган, урушга кетган йигитларнинг бир қисми қайтиб, колхозда ишлай бошлашганди.

Йўқчилик замонлари. Урушдан қайтган собиқ аскарлар ҳарбий кийимида отиэга чикиб ишларди. «Куронбой солдат» деган лақабим бор эди. Бу лақабни урушдан келгач, беш-олти йил аскар шинелини ечмасдан юрганим учун олганман. Бошқа киядиган нарса йўқ бўлган-да.

Куронбой ака бир куни маслаҳат берди: «Адаш, сизлар ёшсизлар, эрта-индин кўлимиздан бизнинг ишни оладиган ўзларинг. Бизлар вақтида ўқима-

дик, мана саводимиз йўқ. Тажрибамиз бор, холос. Имконларингиз бор ўқинглар. Эндиликда юрт ўқиганники бўлади».

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки мактабда ўқиб ўрта маълумот олдим. У ёғига ўқишига имконимиз бўлмади. Бутун умримизни шу далага боғладик.

1958 йилда хўжаликдаги йирик бригадалардан бирига мени бригадирликка қўйишиди. Бу пайтда устозимиз — Куронбой ака ҳам яна бригадир бўлиб сайланганди. Устоз-шогирд кейин кўп йил бирга ишладик. Билмаганларимни у кишидан сўрадим — уста дехқон эди.

Нафакагача бригадир бўлдим. Пенсияга чиккач ҳам етти йил ишладим.

... Аслимиз Сарибийдан бўлади. Колхозлаштириш даврида — янглишмасам 1936 йилда бу ерга оиласмиш кўчиб келган. Ўшанда рўзгоримиз кўч-кўронини Рийимбой ака юк машинасига ортиб олиб келганди. У киши сартлардан. Кейин урушга кетди. Урушда ҳам «полуторка» машинаси ҳайдаган.

Куронбой ака ишнинг кўзини биларди. Ташкилотчилигига гап йўқ. Бригадир вақтларида ҳам у киши бош бўлган жамоа йигинларда бошлиқлардан гап эшиитмасди. Звеновой вақти ҳам шундай.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларига келиб, дехқончилиқда ҳам катта ўзгаришлар бўлди — агротехника дегани чиқди. Энди азалий, факат дехқон тажрибасига суюнилган ишлаб чиқариш турмуш тарзимизга кириб кела бошлади. Худди шу вақтлари Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги олий ўкув юртларини битказган мутахассислар — агрономлар, инженерлар колхозларга ишга келдилар. Қўшқатор деган фўза катор орасини юмшатиш ўйлаб топилди. Квадрат уялаб экиш деганини айтинг. Бу минг азобли иш эди. Фақат белгиланган ўринда фўза кўкартириш ва

ўстириш керак. Негаки, тўза қатор оралари икки томонга — ҳам энига, ҳам бўйига культивация килинади. Сал хато кетса трактор мўзани пайхон килади.

Кўп азобларни кўрдик. Шунча йил элатда бригадир бўлиб, дехкончилик қилиб кам бўлмадик. Булар ҳаммаси устозимиз — Адаш аканинг панду насиҳатларини ёшлиқда миямизга қўйганимиз хосили. Шунга рухлари олдида ҳар доим таъзимлар қиласман.

Элда олд қаторда юрган, бош бўлган одам нафакага чиққач ҳам тинч ўтиrmади. Азалдан кўли гул ошпаз бўлиб, элатнинг тўй-маъракаларига бош бўлиб юрди. У киши бош бўлган тўйлар ўта тартибли ўтарди, кейин кўп вакт эслаб юришарди.

Куронбой аканинг ўта савобталаб одам бўлганини айтинг. Бирор хонадон бошига мусибат тушганида, бирор вафот этганида аввалида у кишига хабар кетарди. Негаки, маъракани бошқариб туришга тажрибали одам керак-да.

Уша эслаган даврим — урушдан олдин ва кейинги йилларда бизда қабр ҳозиргидек эмасди. Жасадни аравада кабристонга элтишар, шу ерда баланд тепаликни чукур ковлаб ясалган нагимга қўйишарди. Нагим деганимиз одам бўйидан ҳам чукурроқ ўра. Жасадни тамойилга мослаб қўйиш учун бирор нагим ичига тушиши керак. Бу ишга кўпчиликнинг юраги дов беравермасди. Шундай пайтда Куронбой aka ҳеч иккиланиб ўтиrmай, шартта нагимга тушиб, жасадни тамойилга мослаб жойлаштириб, азадорларнинг дуоларини оларди.

Юракли одам эди. Оқибатли одам эди. Бирор билан айтишмаган. Бирорнинг кўнглини қолдирмаган. Шунданми, бошликлар ҳам у кишига ўрни келганда қаттикроқ гапиришдан чекинишарди. Узига гап текизмайдиган феъли бор эди-да...

«БАРЧАМИЗГА БОШ ЭДИ»

(Сотимбой сарт Раматулло сарт ўғли хотираларидан.)

... Барчамиз Латиф сартдан тарқаганмиз. Бобомиз Хўжайи Хизрни кўрган табаррук зот ўтганлар.

Дошқалъага кўчиб келганимизда ўн икки яшар бола эдим. Айни уруш вақти. Олдинига Латиф бобомиз ватан тутган манзилда — Сарибийда яшаганмиз. Бу ердаги амаки-оғайниларимизни қора тортиб кўчиб келишимизга уруш вақтининг қийинчиликлари сабаб бўлган. Бошга офат тушганда яқинлар у ёқда турсин, етти ёт бегоналар ҳам бир-бирларига яқинлик сезадилар — умумофатни биргалашиб енгомок бўладилар.

Исмоил отамизнинг катта кунгурали иморатлари бўларди. Янги кўчиб келганимизда анча вақт шу ерда яшадик, сўнgra бўлак иморат қуриб кўчиб чиқдик.

Куронбой акам болажон оила бошлиғи эди. Бир этак болаларини боқиш, ўқитиш, одам қилиш, элга-юрга нафи тегадиган кишилар қилиш ташвишида бир умр ҳалол меҳнат килди. Хўжаликнинг барча оғир ва масъулиятли ишларида хиссалари бор. Айникса, уруш вақтида ишлаганларга осон бўлмаган. Бизлар ўсмир бола вақтимиз бу оғир кунларнинг заҳматини ўз елкамизда синаб билганмиз. Бола бoshимиз билан колхозда ишладик, катталар қаторида туриб, даланинг кўл меҳнатини teng бўлашиб олардик. Аёллар катта-катта отизларни кетмон билан ағдариб чиқишаради. Кейин ерлар кўлда текисланади, замбил билан маҳаллий ўғит тўкилади, кўлда экилади. Кўлда фўза чопиқ қилинади. Э, азобларини айтманг.

Куронбой акам барибир ёш ўсмирларга қайиша-диган инсон эди. Кетмонда ер ағдарган пайтимиз биз — ҳали суюги қотмаган болаларга бир-икки одим

камроқ пай ўлчаб берганлари ёдим-да. Аяганлар – ёш бола майиб бўлиб қолмасин, деганлар.

Уруш даврида хўжалик иши қийин бўлган – техника келмай қўйди. Барча заводлар ҳарбий техника ишлаб чиқаришга сафарбар қилинган экан-да. Бир-ярим техника бор, лекин ёқилғи камчил, ишламайди. Отларнинг ҳам соғлом, ёшрокларини урушга олишган. Отиздаги ғўза етиштириш қўл кучига қараб қолган. Бунинг устига ўша вактда «танка пули» дегани чиқди. Одамлар арзимас иш ҳақини тўплаб, фронтга жўнатишган – танк ишлаб чиқаришга кўмаклашишган. Радиоларда Тамараҳонимнинг бир ўзи бир танк ясаш учун пул топширганини кўп такрорлаб туришгани ёдимда.

Яна фронтдаги аскарлар учун деб, ҳатто кийимкечак тўплашган. Озиқ-овқат юбориб туришган. Ўзинг емайсан, киймайсан – ҳаммаси урушга. Шундай сиёsat хукмрон эди – оқибатда фашизм деган бало даф қилинди, юртда тинчлик ўрнатилди. Очмиз, юпунмиз – шукур қилиб ишлайвердик.

Рийимбой амакимиз хўжаликнинг ilk ҳайдовчилиридан эди. Урушдан олдин ҳам колхозга келган ilk машинани бошқарган. Беш йил урушда – «получторка» машинаси ҳайдаган. Неча-неча давлатларнинг худудидан машина ҳайдаб ўтган, урушнинг қизғин жойларида бўлган. Соғ-омон қайтиб келди ва колхозда тағин машина ҳайдаш билан машғул бўлди. Рийимбой акамга ҳавас қилдим – ҳайдовчилик касбини эгалладим.

Рийимбой акам машинанинг пири эди. У кишини машина двигатели овозини тинглаб, не ишқали бор, ҳоли қандайлигини дарҳол биларди, деб таърифлашади. Рост гап. Ўзим гувоҳман. У иши ўта садоқатли, касбининг чинакам фидойиси эди. Кейинчалик хўжаликда машиналар қўпайгач, уларнинг техник созлигини назорат қилиш, тузатиб юритиш масаласи ўртага чиқди – ўшанда бошликлар Рийимбой акамни механикликка маъқул кўришди.

Рийимбой акамнинг олдин хайдаб юрган «ЗИМ» машинаси менга тегди...

...Куронбой акамни айтаман. Қазувда кўшбошилик у кишининг зиммасида эди. Сентябрь охирларидан бошлаб «Пахтаарна»ни қазиш учун одамлар танлаб жўнатиларди. «Пахтаарна»нинг соқаси (тўғони) бизга кирк чакирим келади. Ётиб ишланади. Баъзида одам озлигидан қазув бир неча ойга чўзилади, ҳатто қицда ҳам қаттиқ музлаган арикни қазишга мажбурмиз.

Куронбой акамнинг қора оти бўларди. Шуни мишиб, кўпинча арава ҳам кўшиб, қазувдагиларга элат кишилар бериб юборадиган патрак, зофора, буғдой-жўхорини олиб борарди. Кунига уч марта қазувчиларнинг чой-овқати у кишининг зиммасида.

Акамнинг қора оти дедим. Умуман, Куронбой акамнинг отта ҳаваси кучли эди. Кайфи бор деса тўғрирок. Исмоил отамнинг каттагина боғи ичи ва атрофида айнан шу от учун йўнғичқа экишарди. Йўнғичқаки, одам бўйи келадиган. Товланиб ётишини айтинг.

Бригадирликдан бўшагач, бир неча йил хўжаликнинг каттагина полизига бош бўлиб юрди. У вактлар хўжаликнинг қовун-тарвуздан ҳам ишлаб чиқариш режаси бўлган-да. Шу вактлари режадан ортиқ қовун-тарвузларни одамларга тарқаттганлари эсимда. Кўз олдингизга келтиринг — катта қовунзор дала. Куронбой акам уюм-уюм қилиб қовуларни тахлаб қўйган. Бирорга ортиқ, бирорга кам эмас. Қовуннинг майдасидан тортиб, энг йиригигача адил тақсимланган. Борган одамларга «Исталган уюмни олиб кетавер!» дейдилар...

Энди ошпазлигини айтинг. Эл-юртнинг тўй-томошасини ўтказиш осон иш эмас. Мезбоннинг ўнғайишига қараш керак — оз харажатини кўп қилиб, ҳаммагаadolатли тарқатиш, бирорлар гап топиб кетмаслиги ғамини ейиш. Шу ишларнинг улдасидан чикарди.

Куронбой акам элнинг олд одами эди — оиласлар ўртасида элчилик — совчилик қилиш ҳам у кишининг зиммасида. Яна бировнинг оиласи бузилса, эр хотин ўртасига тушиб яраштириб қўядиган, бузилган оиласи қўшадиган ҳам ўзи. Кўп савобли ишлар бошида туриб элнинг дуосини олиб, ўзлари ям жаннати бўлиб кетди.

Урушдан кейинги вақтларда қишлоқда посёлкалаштириш жараёни бошланди — кўчалар кенг қилиб бичилди — гўё шахарлардагидек. Азалий хоторлар тугатила бошланди. Яна гап-сўзлар чиқдики, Тўрткўл шаҳрини шу ерга кўчирамиш деган. Сўнгти асрнинг ўзидаёқ бир неча марта сув остида қолган шаҳарни дарёдан узокроқ ерга кўчириш борасида катталар ўртасида режалар тузилган чиқар. Ўшанда Куронбой акам ўзи бош бўлиб, кўчаларнинг ободончилигини, молхона ва бошқа кўшимча биноларнинг тартибли солинишини назорат қилиб юрган. Айтардики, шаҳар бу ерга кўчса қандай яхши — болаларнинг ўқишларига имкон туғилади, деб. Ўзлари вақтида имкон бўлмаганидан ўқий олмаганлари учун куйингланлари бор. Ана шу армонини барча фарзандларини ўқитиб, ушалтирганлар.

Куронбой акам ҳақиқатчи инсон эди. Ёлоняшиқقا чидаб туролмас, элнинг ризқига кўз олайтирган кимсалардан тап тортмай, юз-кўзлари демай айбларини дадил айтганини ўзим кўрганман. Очил раис дегани ишлаган. Орден олай дебми ёки бошқа нияти бўлганми пахта ва бошқа экинларни экиш ва етиштиришда қўшиб ёзишга зўр бермоқчи бўлган. Куронбой акам қаторда ишлаб юрган одам — энг қийин уруш вақтларида ҳам бундай ифлосчиликларни кўрмаган, бу қинғирликларга чидаб туролмади. Очил раиснинг кирдикорларини фош қилиб, унинг қонуний жазога тортилишига сабаб бўлди...

Куронбой акам бутун умри давомида эл-юргагина эмас, каттагина бўлган сартлар уруғимизга ҳам бош бўлиб ўтди. Бирортамиз у кишининг гапи-

ни икки қилмасдик. Бош маслаҳатгўйимиз ҳам, тўй-томушамизнинг бошқарувчиси ҳам ўзи эди.

«ЭЛ ХИЗМАТКОРИ ЭДИ»

(*Мадрим ҳонқали Ҳасанов хотираларидан.*)

... Аслимиз Ҳонқанинг Сарапоёнидан. У ерда ҳозир ҳам туғишганиларимиз яшашади.

Эс-эс биламан — отамни шўролар қулок қилишиди. Уч-тўрт ёшлардаги боламан. Бир кечада кўч-кўронимизни олиб дарё орқасига кўчдик. Келиб шу ерда — Дошқалъа элатида қўним топдик. Такдир экан.

Мен не дейин? Бир ўлиб кўрмадик, бошқасини кўрдик. Айримлар колхоз ундей, бундай деб мактاشади. Бўлмаган гап. Колхоз деганинг бор азобини мана биз тортдик.

Рўзгор қозонини қайнатиш учун хали белим қотмасдан колхозда ишладим. Ўйин боласининг катталар қатори отизда ишлашини бошидан ўтганлар билади. Ўттизинчи йиллар ўрталарида илк колхозларга «Фардзон», «Фармол» деган тракторлар келган. Бу янги техниканинг илк келганлари темир фиддиракли эди. Ўқловдай-ўқловдай тишлари бўларди. Энди ўйлайман — кимнинг ақли билан тупрови бўш, ер ости сувлари яқин бизнинг юртга бундай тракторларни келтиришган. Ақалли синааб кўришмаган. Чунки, баҳор вакти — хали ерларнинг нами кетмаган, тупрок бўш — кўпчиб ётибди. Ҳайдаш учун отизга кирган тракторлар ботиб қолади. Темир-фиддиракли трактор бизнинг тупроқда гўрда юрадими? Сўнг ана шу тракторларнинг шиналиси келди, ишлар бир оз енгиллаши.

Хўқиз билан ер хайдардик, от билан хайдардик. Қуронбой ака билан эсимни танигандан буён шу колхоз деганида ёнма-ён ишлашдик, десам хато эмас.

Уруш даври — аксар йигитлар урушга кетган.

Даладаги барча оғир юмуш — хотин-халаж, қарикүри ва муштдек болалар зиммасида. Катталар қатори тенг туриб, кетмөн ташлаб ер ағдарамиз. От билан ер ҳайдаганда отбоши бўлиб, отларни етаклаб юрамиз. Кўз олдингизга келтириңг — отиз деганинг ўртачасининг бўйи бирор беш юз одим келади. Отни етаклаб кетаверасан, кетаверасан. Яна қаторни тўғри олиш керак — ёнбошга ярим қадам адашсанг тоб бузилади. От қайсар бўлса — унда худо ургани. Оёқда оёқ қолмайди — сахардан қора хуфтонгача шу иш. Тушда бир — ярим зоворани сув билан еб, кавшаниб оласан, холос.

Куронбой ака бригадир. Одамларга қайишадиган инсон эди. Бўлмаса уруш вақти, урушдан сўнг колхоз дегани кўп зулмкор жой эди. Раислар отда юради. Ёнларида қамчи. Оғиздан яхши сўз чиқмайди. Яна ғазаби қайнаб туради. Бирор хато қилган бўлсанг, ёки ишда сустлашганингни кўриб қолса қамчи тортиб қолишади. Бу одат кўпгина бригадирларга ҳам юкқанди...

Куронбой ака муомалали одам эди. Оғиздан ёмон сўз чиқмайди. Яна ёш-ялангга, хотин-халажга қайишади. Айниқса, биздек ёш болаларга иш буюрганида хали суюгимиз котмаганини инобатга олиб, сал енгилроқ иш берини ёки белгиланган нормани камайтиришга уринганларини бирга ишлашган одамларнинг ҳалиям ҳаётлари бор, айтишар.

Кизик замонлар эди. Бир куни отбоши бўлиб отизда ер ҳайдаб юрибмиз. Бир қозоқ одам келди. От устидан тушмай: «Сен Ҳасановмисан?» деб дафдаға урди. Ҳасанов эканлигимни билгач, «Сенга уч кило жун нормаси солинган, бугуноқ топиб топшир», деб буюрди...

Бу турли солиқлар кўпайган вақт эди. Ҳатто бир бош сигири билан рўзғори сут-қатигини эплаб ўтирган оиласаларга ҳам турлича солиқлар солинарди. Шу бечора саримой топшириши шарт эди. Ана шундай турли солиқлар кўплигидан кўпгина оила-

лар илкідеги қўй-қўзилари ва бошқа чорва молла-рини камайтириш ҳаракатида бўлишарди. Қадим-қадимдан эшигиде қўй саклаб келган одамлар шу йиллари қўй сақлашдан чўчиб қолиниган...

... Урушдан сўнг Куронбой ака анча муддат зве-но бошлиғи бўлиб ишлади. У вактлари ҳар бир бригадада икки-уч звено бўларди. Звеноларга ўттиз-кирқ, баъзида эллик тектарча ер бириктириб бе-ришган. Ана шу берилган ерга звено бошлиғи жа-вобгар. Бригадирлар эса буйруқ беришдан нари ўтишмайди.

Куронбой ака звено бошлиғиман, деб ўзини катта олмайди. Барчага маълум бир ишни бўлиб беради, шу қаторида ўзлари ҳам бир чек иш олади ва ҳамма қатори ишлайди.

Кейинчалик эллигинчи йиллар охирларида яна бригадир бўлиб ишлаганди. Ўша йиллари ҳар гектардан кирқ-эллик центнер атрофида пахта етиштирган. Бунинг ўзи бўлмаган.

У киши уста дехкон эди — ернинг тилини биларди. Энг асосийси одамлар билан тил топишиб, барчанинг кўнглини топиб ишлатса оларди.

Шу вактлари пунктга терилган пахтани қопларга солиб, аравага юклаб таширдик. Қайтишда отаравага бувдой ортиб қайтамиз. Урушдан сўнгти йилларда анча вакт колхозчиларга иш куни учун бувдойда ҳақ тўлашган. Кейин бу ҳам бекор бўлди.

... Яна бир гап — у вактлари қазув деган бир балои азим бўларди. Оғир иш. Мана шу «Пахтаарна»ни қазирдик. «Пахтаарна» деганимиз оз эмас — салкам ўттиз чақирим келади. Ишни соқасидан бошлаймиз. Ерлар занг қотиб, тўнғиб қолган бўлади. Лом билан қаттиқ ерни чуқалоқ қилиб қазийсан. Ҳар лом урганда ердан учқун чикади денг. Кейин шу ерга пороҳ қўйиб портлатиб беришади. Қотган сўға тупроқ ҳарсанг-ҳарсанг бўлиб ётади. Шу ҳарсангларни елкангга ортиб, тепага чиқариб ташлайсан.

Ернинг тўнги чиқиб, бўшаган вақтиям азоб. Муз эриб, шилта лой бўлади. Қазиш кийин. Ёпишқоқ лойни белкурак ёки кетмон билан ердан узаман десанг белинг узиладиган. Шунда ҳар жойда чуқалоқ қазиб, тупроқнинг сувини қочирамиз. Кейин сал сўриқсан тупроқни қазиймиз.

Устимиз юпун, аксаримизнинг оёғимизда эски маҳси ёки мол терисидан тикилган этик. Муз оёғингни кесиб юборади.

Эшниёзов деган мироб бўларди. Бизнинг қийналишимизни кўриб: «Ариқни қазийдиган нарса келармиш. Бўйни туюнинг бўйнидан узун бўлиб, букилиб-букилиб тупроқни олиб ташлармиш...» деб таскин берарди. Бизлар ишонмасдик.

Куронбой aka қазувда кўшбоши бўларди. Кўшбошилик масъулиятли иш. Бирор эллик қазувчига бош. Уларга ҳар кунги пайни ўлчаб беради. Бунгача ҳали сахармардондан қазувчиларнинг чойи шу одамнинг зиммасида. Кейин тушликка гурдик пишириш ташвишига тушади. Ўчоққа ёкиш учун ўтин топиш керак. Уруш вақтлари ерлар захлаб кетган — ёғоч дегани қолмаган. Гурдик пиширгунча қозон қайнатиш бир азоб. Кўпинча юлғун, янтоқ ёкишарди.

Қазувчи озиқ-овқатни ўз ёнидан олиб боради. Аввалида олиб борганимиз бирор хафтада тугайди. Шунда кўшбоши Куронбой aka «Пахтаарна»нинг соқасидан келиб, уйма-уй юриб зофора-нон, буғдойжўхори йиғади. Кейин шундан овқат пиширади.

Айтаверса гап кўп. Уруш вақтлари барча йигитлар фронтда бўлганидан қазув асосан хотин-халаж зиммасига тушганди. Шу «Пахтаарна»да қазув вақтимиз иш кетаётган жой ёнида кўма (ертўла) қазирдик. Кечалари совук бўлганидан кўмага кириб ётилади. Куронбой aka имонли инсон эдилар. Кўмада ёттан хотин-халажга бирорлар тегмасин деб, кўма олдида коровул бўлиб ётганларини биламиз...

Бригадирликдан бўшаб, нафақага чиққач ҳам

Куронбой ака тинч ўтиrmади. Элнинг тўй-маъракаларида ҳалол хизмат қилди. Қўли гул ошпаз эдида. Уч юз-тўрт юз килолаб ош дамлаганларини биламиз. У киши сузган сузма паловнинг тоти ҳалимиям тилимиздан кетмаган.

Ошпазлик осон иш эмас. Аввалида бирорнинг фалон кишилик меҳмонга деган харажатини бузмаслик керак. Овқатмисан-овқат бўлиши керак. Овқат пиширишнинг ўзи бир жараён. Киш ойи бўлса — қора саҳардан ўчоққа ўт ёкиб, овқатга унналади. Ёзинг саратони бўлса, бир кисм ўт ёқсанг, ёнига йўлаб бўлмайди...

Куронбой аканинг одатини айтаман. Бор-баракачи одам эмас. Сузмани дам олдириб бўлгач, меҳмонлар ўтирган хоналарга бош сукиб, меҳмонлар сонини чамаларди. Қайси хонага қанча товоқ ош кетади. Кейин мезбоннинг имкони — сузилган ошни ҳаммага етказиш учун ҳаракат қиласи.

Яна қизиги — ўша вақтда элатнинг тўйларида қозон бошида ҳам, овқат тортишда ҳам қаттиқ тартиб ҳукмрон эди. Бир тартибли, хавас қилгулик. Ҳозир кўриб ҳайрон қоламан. Қозон бошида ўттизкирқ нафар ёш йигитлар... Кўнглига келганини қилишади, ичишади, ейишади. Меҳмонлар билан иши йўк...

...Камтарин инсон эди. Ўринбой бошлиқ катта ўғлига суннат тўйи берди. Меҳмонларни кузатиб, тўйни нихоялаб Куронбой ака билан овқатланишга ўтирдик. Шу вактлари мен доимо ёнларида юраман — у киши ош сузади, мен ўчоққа ўт ёқаман денг.

Бир маҳал Куронбой ака гап бошлаб қолди. «Мадрим, қизик одаммиз. Бирорни ўпок деймиз, бирорни сўпок... Шу болалар каттайган сайин ташвиш ҳам каттаяр экан. Шу десанг, Аматжонни уйлантирай деб юрибман... Сен ҳам элда юрган одамсан. Бир яхши, имон-эътиқодли хонадондан қиз олсам дейман...»

Мени ўзларига тенг кўриб маслаҳат солғанларидан қувониб кетдим ва «Содиқнинг қизи бўлмайдими», дедим. Оиласининг обрўли-тартибли эканини айтдим.

Ўзи ҳам кўз остига олиб юрган эканми, бу гапим маъқул бўлди. Тўйни ўтказиб, икковимиз Содиқникига совчиликка бордик. Тамойилини келтириб, иддаомизни айтдик. Куда томон дарров розилик бера қолмади. Отамдан сўраб кўрай, деди.

Отасидан сўраган экан, у киши ҳам дарров айтибди: «Исмоил буванинг болалари бўлса ўйлаб ўтирмасдан беравер!»

Сабабчи бўлдикми, Куронбой акам катта ўғли Ахмаджонни уйлантирганларида бош бўлганмиз.

Яна не гап айтай? Ҳа, Куронбой акамнинг оталари Исмоил бува зўр одам эди. Бизлар кекса вақтини биламиз. У киши ҳам элга кадхудо бўлиб ўтганлар.

Куронбой aka ишлаб чарчамасди. Чаккон одамда, чаккон.

Энди бизлар ҳам қаридик. Ёшлигимизни кўп ўйлаб ўтирадиган бўлдик. Бирга ишлашган одамларни ёдлаймиз. Яхши фазилатларини эслаб, набираларга айтиб ўтирамиз. Шулар ҳам шундай элга хизматкор, ҳалол одамлар бўлишсин, деб.

... Тўйларда ёши улугимиз — меҳмонхоналарнинг тўри бизга етган. Иззатда ўтирамиз. Овқат тортилар вақти лоп этиб Куронбой aka кўз олдимга келади. Меҳмонхона эшигидан бош суқиб, ҳамма билан омонлашади. Бошларида чўгирма. Кейин: «Таом тортмоқчи эдик», деб хизматдаги йигитлардан бирисига кўл ювдиришни буюриб, қозон бошига кетади...

ИБРАТЛИ ВОҚЕАЛАР

Пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси муборакларида айтдиларки, мўминларни яхши амаллари билан эсланг.

Ва яна Пайғамбаримиз ҳар бир бандасига ўзларининг кўплаб суннатлари қаторида бир қанча бажарилиши қарз бўлган фарзларини ҳам мерос қолдирдилар. Бир мўминнинг ёруғ оlamга келиб раиятта қиласидаган яхшилиги – бир оғиз ширин сўзи, бир етим бошини силаши, ақалли бир кудук қазиши каби амаллар билан ўлчанади. Имкони етган бандалар масжид қурмоғи – Оллоҳнинг уйи кўплаб мусулмонларга эзгулик ўргатувчи макон бўлишини таъмин этмоғи мумкин.

Ҳеч шубҳасизки, динсизлар хукумат тепасида турмаган, дини исломга тазийқ бўлмаган замонларда – тузумларда яшаганида Куронбой ака эл-улус учун бир кўркам масжид бунёд этган бўларди. Аммо масжид куриш у ёқда турсин, беш вақт намоз яширин ўқилган қора кунларда бир мўмин сифатида элга имкон қадар яхшилик қилмоқ, мадад кўлини чўзмоқ ҳам фарзи амалларни бажарган билан баробар.

Юқорида Куронбой аканинг нақадар меҳнаткаш, элпарвар киши бўлгани ҳакида замондошлари гувоҳлик беришди.

Биз шу ўринда Куронбой аканинг инсонийлик феъли, фазилати, ботиний ва зоҳирий дунёсини ўқувчига бир қадар етказмоқ учун бир неча ибратли воқеани келтириб ўтишни маъқул кўрдик. Бир қарашда оддий бўлиб кўринган бу воқеалар катида бир жаннатий инсоннинг ибратли ҳаётини мингдан бир зарралари сочилиб ётибди.

БОФЁПДАГИ СУВ ЙИҚҚИНИ

... Жайхуннинг телбавор феъли дарё ортидаги қалъя ва қишлоқлар учун қадим-қадимдан катта хавф эди. Баҳорги сув тошқини даврида дарё қирғоқларини ювиши оқибатида қанча-қанча аҳоли истиқомат маконлари бир дақиқада сув остида қолиб кетарди.

Яқин ва узок тарихда бунга мисоллар кўп. Абу Райхон Беруний бобомиз Шайх Аббос (Шаббоз) шахрини сув тошқини вайрон қилгани хақида ёзиб қолдирган. Бобомизнинг кўз ўнгида бир неча сонияда кирғоқларини ювиб тошган дарё шахардаги Хоразмшоҳлар саройини ўз домига тортиб кетган.

1925 йилда дарё Тўрткўл шахридан саккиз чақирим масофадан оқарди. 1934 йилга келиб дарё шахардан атиги беш юз қадамча наридан окиб ўта бошлайди. Дарёнинг шаҳарни тамомила ўз домига тортиб кетганидан сўнг, яъни 1974 йилда у бошқа ерда янгитдан курилади.

1968 йилги қаттиқ совукдан сўнг дарёни бутунлай муз коплаб, баҳорда муз тикилиб, ўз ўзанидан чиқиб кетиши натижасида Беруний шаҳри сув остида колганди...

Дарёнинг бундай бебошлиги унинг кўпдан-кўп табиий ва сунъий сув йўллари — ариқ ва арналари га ҳам кўчганди. Дарёда сув хаддан зиёд тошиши билан бир вактда ариқ ва каналлар ҳам мисли кўрилмаган даражада тошар, кўпинча бу тошқинга кирғоқлари дош бермасдан сув босиши ходисаси рўй берарди.

«Сув тошқини», «Сув йиккини» ва «дегиши» каби даҳшатли атамалар тарих қатида — тарихий битикларда қолиб кетган сўзлар эмас, ҳар йилги баҳордаги ташвиш — ваҳима уяси эди.

Шу боисдан баҳор бошланмасидан барча иягига жон битган банда борки дарё қирғоғига сафарбар қилинар, одамлар кечаси-ю кундузи дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш — дамбаларни кўтариш билан банд бўлишарди. Ҳозирги техника тараққиёти даврида бу осон ишга айланган. Аммо инсон факат кўл кучига суянган даврларда бу жараён минг бир машакқат, бир минг азобли меҳнат эди.

Инсоният ҳамма замонларда ҳар қандай табиий оғатларга қарши кураш воситаларини ўйлаб топганлар, кашф қилганлар. Қайсиdir бобокалонимиз



Исмоил бува (ўртада) ўғиллари Қурбонбой ва Рейимбой билан
(фотомонтаж).



Исмоил сарт катта оила боши эди.



Шерипа момо неваралари билан (фотомонтаж).



Исмоил сарт оила даврасида.



Курбонбой сарт аёли Бибижон момо ва ўёли Фуломбой билан (фотомонтаж).



Хонимжон момо фарзандлари.



Каримбай сарт болажон ўтган...



Сотимбай сарт
бува.



Курбонбой сартнинг
шогирди Куронбай
Нуруллаев.



Курбонбой сартнинг
шогирди Мадрим
Ҳасанов.



Аматжон ака фарзандлари даврасида.



Бибижоң момо ва Қурбонбой сарт невараси Шуҳрат билан.



Қурбонбой сарт фарзандлари даврасида.



Курбонбой сарт машхур
бригадир эди...



Курбонбой сартнинг укаси
Рейимбой сарт.



Султонбой сарт **Хонимжон** момо билан.



Дармонжоннинг оиласи.




Исломбай сарт оиласи.



Умар сарт оиласи.



Усмон сарт оиласи.



Кудрат фарзандлари билан.



Ботир сарт оиласи даврасида.



Гулчекхра оиласи даврасида.



Гулнора ҳам болажон.



Сафаргулнинг оиласи.



Үқтам сарт оиласи.



Шұхратбек оиласи даврасыла.



Ғуломжоннинг оиласи.



Учқун турмуш ўртоғи Мұяссар билан.



Райхон (үнгі) — бахтийр аёл.



Аматжон сарт дұстлари даврасида.



Бахтиёр оила.



Райхоннинг оиласи.



Сафарбай сарт оиласи.



Исомиддин сарт оиласи.



Жуманазар сарт оиласи.



Улуйбек сарт оиласи.



Ойимжон момо қизи Шакаржон билан.



Нураддин сарт оиласи.



Равшанбек сарт оиласи.



Бахтиёр сарт оиласи.



Шарифбой сарт оила даврасида.



Собир сарт силаси.



Күшназар сарт оиласи.



Оллоберган сарт оиласи.



Отабек сарт оиласи.



Камолиддин сарт оиласи.



Камолиддининг аёли Дилором
фарзандлари билан.



Камолиддин — от ишқибози.



Нусраддин сарт оиласи.



Рұзимбай сарт оиласи.



Отаназар сарт оиласи.



Сулола давомчилари.



Озод сарп оиласи.



Китоб муаллифи (чапда) Қаҳрамон Раҳимов билан суратлар устида ишлаётган пайт.

ўйлаб топган усул ва воситалар халқ тажрибаси кўринишида асрлардан асрларга ўтиб келган ва керак пайтида чора сифатида қўлланилган.

Дарё тошқини ва дегиши балосига қарши халқ «варт» деган усул-воситани ҳам қачонлардир ўйлаб топган. Аммо бу воситани ҳам билиш, кўриш ва қўллаш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди.

...Урушдан сўнгти йилларда «Тозабоғёп» қип-логида ҳам бир неча марта сув ҳавфи — сув босиши бўлганини қариялар хотирлашади. Кишлоқдан оқиб ўтган «Боғёп» канали тошиб, бир кечада қирғоқларини ювиб, ўзанидан чиқиб кетади. Тошиб оқаётган ариқ суви энди шу яқиндаги кўлга қуила бошлади. Ерларнинг шўрини ювадиган вакт экиш арафаси — «Боғёп» суви бехудага Қози кўлга кетиб ётибди. Бу ёқда ариқнинг соқасидаги ахоли ерлари сувсиз қолган.

Раҳбарлар одамларни тўплаб ариқнинг сув олиб кетган қирғоқларини мустаҳкамлаш ва сувни қайтадан ўзанига солиш ташвишида юришибди.

Кайда! Сув оқими зўр. Одамларнинг тўхтовсиз кум-тупроқ, чот-чўп ташлашлари фойда бермайди. Кимнингдир таклифи билан ариқ қирғоқларига ёғочлардан қозиклар ҳам қоқиб кўрилди — сув тошкни тўхтамади.

Шунда Исмоил сарт бува ўғли Куронбой ака билан қадим усулни қўллашни маъқул кўришди. Элат кишилари дарҳол бир неча катта-катта варт тайёрлашга киришдилар. Исмоил бува ёшларга вартни қандай ясаш, мустаҳкамлашни кўрсатиб турди. Сўнгра Куронбой ака тайёр вартларни бақувват йигитлар билан сув энг кўп ювган қирғоқларнинг энг чукур жойларига думалатиб келиб ташлашди. Бир неча варт ташланиши билан сувнинг оқими тўхтади. Энди варт теваракларини тупроқ ва лой билан мустаҳкамлаш ва қирғоқни аввалги ҳолига — баландлигига кўтариш қолганди. Кўпчиликка бу хеч гап эмасди.

Шундай килиб, бир неча соат ичида «Боғён» аслига қайтиб, ўзанидан оқа бошлади.

Юнус Иброҳимов деган районнинг каттаси бор эди. «Боғён» қирғонини ювиб кетгани, сув йикқини рўй берганидан хабар етказишган экан, полуторка машинасида келиб қолди. Қараса ваҳима қилганларидай сув йикқини йўқ, одамлар қирғоқларни кўтариб юришибди.

Юнус Иброҳимов бўлиб ўтган воқеани сўраб-сурештиради ва варт усули билан сув йикқини даф қилинганини эшлиб: «Бу кимнинг ақли?» деб сўрайди. Одамлар Исмоил бува ва Қуронбой акани кўрса-тишади. Иброҳимов уларга миннатдорчилик билди-ради ва мукофот ваъда қиласи ҳам...

Исмоил бува бу қадим тажриба қўлланишини ўз бошидан кечирган инсон эди. Фақатгина XX аср-нинг биринчи ярмида Тўрткўл шаҳрини беш марта дегиши балоси қаттиқ хавф остида қолдирганди. Ай-никса, 1935 йилги дарё тошқинлари даҳшатли бўлди. Бир ҳафта ичида шаҳарнинг деярли ярмиси сув остида қолди. Дарё бир кеча-кундузда беш қадам масофагача кўчар, тошқин қирғоқларни ёш болаларнинг қум уйчалари каби ювиб кетарди.

Бутун халқ дарё бўйига ҳайдаб чиқилганди. Ўшанда «Дегишстрой» бошлиғи бўлган Мухаммад ҳожи Аминаддинов ўша қадим усул ва воситаларни тўхтовсиз қўллаганди.

Ўша йиллардаги сув тошқинларида Қуронбой ака ҳам эл қатори қатнашган, ҳафталаб дарё бўйида тунашган, табиий оғатга қарши тинимсиз курашганди.

Ота-бала кўрган-билганларини ўз элатида рўй берган сув йикқинида қўллаганлари, қисқа фурсатда оғатни даф килишгани — қадим тажрибанинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани, ўтаётганининг исботи эди, холос.

Биз бу ўринда ҳам Исмоил бува ва Қуронбой акаларнинг нақадар эл-юрт ташвиши деб яшаган ажойиб инсонлар бўлишганини кўрамиз.

СЕТИМ ЎГРИ ҚҮРКДИ...

... Узок йилларда худудда Сетим ўгри дегани ном чиқазган. Ҳеч кимни аямайди. Кундузи от ми-ниб гердайиб юради. Қизилтаёқ, қизилёқалар — мелисалардан чўчимайди. Яна ким билади, кексалар эслалича, машхур ўфрининг қонун эгаси бўлган мелисалар билан сирдошлиги ҳам бўлган экан.

Сетим ўгри тунлари ёнига бир-икки қўли эгри шогирдини олиб, улуснинг уйларини тунайди. Унга бир кечада эни бир кулоқ келадиган ҳовли девори остидан лаҳим казиб, икки юз кило тош босадиган хўқизни олиб чиқиб кетиш ҳеч гап бўлмаган.

... Колхознинг кассири Сафарбой ҳар ойда Кўхна қалъага бориб, пул келтиради — колхозчиларнинг иш ҳақларини. У вақтлари кассирлар от-аравада бориб, копда пул келтиришган. Қоровул йўқ. Лекин пулни йўлда ўғрига олдирсанг ўзингдан кўр — камалиб кетасан.

Сафарбой кассир навбатдаги иш ҳақларини Кўхна қалъадан келтириши керак. Вақт етган. Аммо боришга юрак йўқ. Сетим ўғри уни кўз олдига олиб кўйгани, пайт пойлаб юрганини билади. Бир-икки кез тасодифан учрашиб қолганида ёмон кўз билан караган. Сеними, ҳали кўрасан, дегандай гап қилган.

Колхоз раиси эртага Тўрткўлга бориб, банкдан иш ҳақларини келтириш топширигини бергач, кечкурун Сафарбой кассир Куронбой аканинг уйига келади. Бир пиёла чойдан сўнг кўнглини ёради: «Шу... мен билан бирга бориб келмасангиз бўлмайди. Сетим ўғри йўлимни тўсиб, хонумонимни куйдирмаса деб қўрқаман...»

Эртасига икковлан аравада Кўхна қалъага жўнайдилар. Банкка боришади, белгиланган пулни олгуниларича, йўлга тушиб, қишлоққа етгунларича қош кораяди. Куронбой aka Сафарбой кассирни арава ичига ётқизиб, устидан ўт-ўлан ташлайди. Шундай

қилсак, хавфсизроқ бўлар, дейди. Бир қоп пул ҳам ўт-ўлан тагига бостирилади.

Арава лой тупроқ йўлдан секин шифирлаб юриб келаверади. Анхор кўпригига етмасдан овлоқ жойдан бир гавда отилиб чиқиб, арава йўлини тўсади. Аммо яқин келмай, орани очиқ қолдириб туради.

— Кимсан?

Сетим ўғрининг дўриллоқ овози эшитилади.

— Куронбайман!

— Қайси Куронбой?

— Куронбой сарт.

Энди ўғрининг овози сал пастлайди.

— Нердан келётирсан?

— Қалъадан.

— Сафарни кўрдингми?

— Қайси?

— Сафар кассирни!

Куронбой ака аравани тўхтатиб, кора кўланкани овозидан таниган бўлса-да бефарқ туради.

— Кўрмадим! Не ишинг бор эди?

Кора кўланка — Сетим ўғри жаҳл билан ерга тупиради.

— Зангарни пойлаб турибман. Пулга кетган дейишувди...

Куронбой ака отни чўхлайди, арава йўлга тушади. Сетим ўғри йўл четида сувга тушган мушукдек бўлиб қолаверади.

... Кейин Сафарбой кассир Куронбой аканинг мардлигини айтиб, мактаниб юради: «Олдимиздан Сетим ўғри чиқди, арава йўлини тўсди. Дағдага билан мени сўради. Куронбой довдирамади. Довдираш у ёкда турсин, ўғрининг сўровларига беписандлик билан жавоб қайтарди. Мен эса ўт-ўлан тагига, қўйнимда бир қоп пул билан қўрқиб ётибман. Сетим ўғри шайтон одам, аравага келиб, ўт-ўланни ковлаштириб кўрмасин дейман. Ёнида ўткир тифсиз юрмайдиган одам — алданганини билса, иккови-мизни ҳам бўғизлаши мумкин...»

Сафарбой кассир Куронбой аканинг мардлигини кўп вақт гапириб юради. Янгидан-янги тафсилотлар қўшади. Аммо бир гапни айтмайди. Айттолмайди. Сетим ўғри билан Куронбой aka ҳол-аҳвол сўрашиб турган пайтда ожизлик қилгани... иштонини хўллаб қўйганини қандай айтсин...

Айттолмагани айби эмас. Ёмон замонлар эди — одам қадри чумолича келмасди. Юртда ўғри-карокчи кўп эди. Куни кеча ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратиб юрган бандалар ҳам замон носозлиги, очлик-йўқчиликдан ўғрилик бошини туттандилар. Бирорвнинг томини тешиш — оч бола-чақанинг оғзини мойлашнинг бирдан-бир чораси эди...

Куронбой аканинг Сетим ўғрини доғда колдиргани ҳангомаси эл оралаб кетади, Сетим ўғрининг кулоғига ҳам етади. Номусдан бир кечада келиб, Куронбой aka билан ҳисоб-китоб қиласай дейди-ю, аммо кўрқади.

Сетим ўғрининг Куронбой акадан кўрккани, қасос олмагани бор гап. Кейинчалик тасодифан қалъада учрашиб қоладилар. Сетим ўғри бир гуруҳ ошналари билан балиқхўрлик қилиб ўтирган бўлади. Ёнидаги ҳамтоворклари орасида бир-икки мелиса ходимлари ҳам кўзга ташланишади.

Сетим ўғри Куронбой акани даврага чакиради. Кейин бир четга тортиб, ҳамтоворклари назарида ўзаро «ҳисоб» қилган бўлади:

— Куронбой сен синчков одам экансан. Уч марта сўқимга бокәётган хўқизингга ошиқ бўлиб бордик. Уч марта ҳам энди лаҳим қазиймиз деб турган пайтимиизда уйғониб кетдинг, ҳовлига чиқиб, молхона теварагини айланиб юрдинг. Журъатимиз етмади, индамай бўш қайтавердик...

Куронбой аканинг довюраклиги, ҳеч кимдан тап тортмагани, бирордан гапини олиб қолмаганини ана шундай бўлиб ўтган ҳодисалар билан эслашади. Сетим ўғри билан бўлган воқеалар бунинг оддий бир мисоли. Оддий ҳам эмас. Ўз вактида Сетим

ўғри бутун худудни титратган одам эди. Ундан месалар ҳам, хўжалик раислари ҳам кўркишарди.

Фақат машхур ўридан Куронбой ака кўрқматан, аксинча Сетим ўғри кўрқкан. Панд егани, армони ўзи билан кетган...

«КАДХУДО ОДАМ ЭДИЛАР...»

(Содиқ қози Эшиммат қози ўғли хотираларидан.)

... Рўзиммат қозининг ахтифиман. Отамни Эшиммат қози дейишган. Аждодимииздан кимдир хонликда қози ўтган чиқар.

Аслимиз Дошқалъаликмиз. Беш яшар вақтимда етим қолдим. Бувам олиб кетди. Шу-шу Дошқалъали бўлиб қолдик. Ҳозирда Тўрткўлда амакиларим авлодлари яшашади.

Бизлар — бувам яшаган маконни айтсам, кўл бўйида уйимиз бўларди. Ариқнинг оёғида. Ариқнинг бошида Куронбой сартлар яшашарди. Ҳа, эсимдан чиқаёзибди, уйимиз ёнидаги кўлни ҳам Қози кўл деб аташарди.

1932 йилда туғилганман. Уруш вақтининг азобини бизнинг авлод ҳам татиган. Ўн беш ёшимдан колхозга чиқиб ишлаганман. Куронбой ака бригадир эди. Ёш болаларга, хотин-қизларга қайишадиган феъли бўларди. Замон зуғуми ёмон эди-да.

16 – 17 ёпимда кўп қатори қазувга бордим. Жумёз дегани мироб. Қаттиқкўл одам. «Пахтаарна»нинг қазувидамиз. Ҳали кун чиқмасдан карнай билан туризишади. Фира-шира коронғилик. Ариқ ўлтонида тўпланган сув юзи музлаган. Совукдан титраб, нима қиларимиэни билмай турамиз. Бирдан қайдандир Жумёз мироб қамчи ўйнатиб келади. «Энангни...» деб сўкиниб ҳаммамизни қазувга — ариқ ичига ҳайдайди. Дарҳол этикни ечиб, музлаган сувга тушмиз. Совук баданингдан ўтиб кетади, муз оёғингни кесади. Тушмай кўр.

Хали ёшман — суюгим котмаган. Совукка дош беролмайман. Бегмат ҳонқали дегани бўларди. Менга ичи ачидими — «Чиқ!» деди. Бола ёшлигидан майиб бўлиб қолмасин деган-да.

Мени ўтинчи қилиб қўйиши. Куронбой сарт ошпаз. Ошпаз зиммасига озик-овқатни қиплоқдан жамлаб келтириш ҳам, ўтин топиш-у овқат пишириш юклатилган. Мен яқин-атрофдан ёкиш мумкин бўлган ўтин излайман. Ҳар куни Куронбой ака билан изғиб, тўрт орқача ўтин топаман.

Куронбой ака қўшбоши — менга ичи ачишади, овқатдан сал кўпроқ берган ҳам бўлади. Ёш бола касалланиб қолмасин, дейди...

У вақтлари барча жойлардаги элатлар хутор кўринишида эди. Бизнинг ўрамимизда саноқлигина хонадон бўлган. Дарғалар бор эди. Уста Хусин, яна Зариф эшон бува, Юсуф ака деганинг оиласи. У кишини гапиришига қараб Юсуф добби ҳам дейишарди. Куронбой элакчининг уйи ёнида Абдураҳмон қозокнинг қўши. Яна Жума момо деган бир аёл хонадони. Негадир бу ерларни эл орасида «Тўпчи» ҳам дейишган.

Шу ўрам кишиларининг касб-кори турлича бўлсада, барчаси бир хилда колхоз ишида ишлашарди. Масалан, Зариф эшон бува уста мерган эди. Куронбой ака дегани элакчи.

Кўлдан кечалари фонар ёкиб балиқ овлашгани ёдимда. Кундузлари рухсат беришмаган — колхоз ишидан колиб бўлмаган.

Уруш бошланган вактида биз тенги болалар колхознинг молини бокишига жалб қилинди. Кўл бўйида колхознинг саккиз бош ҳўқизини бокқанман. Катта молхона ҳам бўларди. Куни билан қўшга қўшиладиган ҳўқизларни боқамиз. Колхоз бир тийин ҳақ бермайди.

Куронбой сартни сиртдан билардим. Ном чиқарган одам эдилар-да. Бир куни кўлдан қамиш ўрдим. Кўпроқ ўрибман, ҳаммасини аравага юклаб келаёт-

сам, кўлнинг саёз ерида муз ўйилиб, арава бир томонга оғиб қолди. Бола эмасманми, нима қила-римни билмасдан йиғлай деб турсам Куронбой ака келиб қолди. «Икки бўлиб юкламабсан-да», деди ва бир амаллаб аравани чиқариб берди...

Уйга келиб бўлган воқеани айтдим. Бувам Куронбой акани, умуман сартларни мақтади. Айтдиларки, «Мана Рийимбой сартни кўр, кечаси ҳам ухламайди, колхознинг буғдойини ташийди. Айтишадики, кечаси икки газак Тўрткўлта бориб буғдой ташигандеки вактлари ҳам бўлган. Ёки Куронбой сартни айтаман. Ишчан одам. Колхозда ном чиқазган аравакаш бўлди. Бир вақтлар «минг тўкимчи» деганлари чиқди. Ўн кунда минг арава тўким тўккан илғорларга колхоз керзи этик берган. Минг арава тўким тўкиш айтишга осон. Рошми, молхонадаги гўнгми ўзинг юклайсан, далага олиб борасан, аравани бўшатиб тўкасан. Яна қайтасан. Агар оралиқ юз қадам бўлса-да, кунига юз аравани юклаш, тўкиш учун канча вақт кетади...»

Куронбой сартга «минг тўкимчи» мусобақасида фолиб чиққани учун керзи этик топширишганда яна бировга, исми эсимда йўқ, у ҳам ном чиқарган аравакаш бўлган, «Сен ҳам минг арава тўкиб, этик олмайсанми» дейишса, хазиллашиб дебди: «Мен ҳали колхоз тузилганидан бўён минг арава тўкканим йўқ-ку!»

Бола бўлсакда биламиз, бу «минглик» деган мусобақа фақат аравакашлар учун эмас, замбилда гўнг ташийдиган хотин-халаж учун ҳам белгиланганди. Икки аёл ўн кунда уч минг замбил гўнг ташиши керак бўлган. Чунки, уч замбил тўким бир аравага тенглаштирилган.

Болаликда ёдимиизда қолгани Куронбой аканинг кунгурадор иморати ёнида тош куйи (қудук) бўларди. У вақтлари кузак бошланишидан токи баҳоргача ариклар бойланарди. Ичимлик сувигина эмас, мол-қўйнинг суви ҳам муаммо бўларди. Ана шу қуйидан қўни-қўшнилар биргаликда сув ичишгани-

ни айтишарди. Бу қуйининг серсувлиги-ю яна сувининг мазалигини мақташарди.

Куронбой ака ёшларга маслаҳатдош ҳам эди. Ўз уруғидан бўлган Сотимбой сарт биз билан тенгкур хисоби. Ўсмир ўрнида бирга колхозда ишлайпмиз. Бир куни қорик олиб юришганда Куронбой ака: «Сизлар ҳам бирор касбни эгалланглар, ҳали ёшсизлар», деб қолди. Сотимбой сарт: «Шофёрликка ҳавасим бор», деди. Уни иниси Рийимбой сартга шогирдликка берган...

Яна айтаманки, ўша вақтнинг ишлари кўп азоб экан. Сув чиқазишнинг барча йўллари азобли эди. Чифир хайдашганини биламан. Бола вақтимиз чиғирга кўшилган отларга ўт тутиб туришни топширишарди. Ёки ариқдан отизларга сув чиқазиш учун ариқ баланд-пасти ўрганилиб, жой-жойига бўгат (тўғон) қуришарди. Керак вақти бўгат босилар ва барча отизлар сугориларди. Экинлар сувга муҳтоҷ вакти сув талашиши дегани ҳам бўлиб турарди. Куронбой ака кадхудо, гапи бутун одам бўлганидан сув тақсимлашда бош бўларди. Одамлар ўртасида низо чикишига йўл қўймасди.

... Тақдир экан, куда-анда бўлдик. Бизнинг бир томиримиз ҳам эл-элатда отли-обрўли бу уруғ билан чатиши.

Куронбой акани айтаман. Кексайганда ҳам уйда ўтирмасдан элнинг хизматини қилган. Тўйларга бош бўлган, ошпазлик билан донг чиқазган.

Исмоил бувани чала-чулпа эслаймиз. Ёши улуғ бўлгани учун бир меҳмонхонада ўтириб, гурунг қилмаганмиз. Лекин элатда бирор хонадон, бирор киши у кишининг гапини икки қилмасди. Эр-хотин ўртасида гап қочиб, келин аразлаб кетса, Исмоил бувага элчилик қилинг, деб гап солишарди. Бирор мартаям элчилик вақтида Исмоил буванинг гапини бирор қайтарган эмас. Айтишардики, жаҳли қўзигандага гапини қилмаган ёш-яланг борми, каттароқ одам борми ҳассаси билан айлантириб солишдан қайтмаган. Бирор «ҳик» этиб тик қарамаган...

«ЎТТАН УМРИМГА ШУКРОНАЛАР АЙТАМАН»

*(Куронбой сартнинг беваси Бибижон момо
ҳузурларида.)*

... 2006 йилнинг 16 априли. Тўрткўлга яна йўли-
миз тушди. Арафада Аматжон aka билан телефонда
боғлангандик. Эртага Тўрткўлга ўтиш режам бор-
лиги, тайёрланаётган китоб учун янгитдан хужжат-
лар олиш, эсдаликлар ёзиши мақсадимни айтдим.
Аматжон aka дарҳол муддаога ўтди: «Эртага насиб
қилса, мен ҳам бу ердаги ишларимни ўрнига қўйиб,
юрга ўтмоқчиман. Отамнинг дунёдан ўтган куни.
Рұхларига Куръон тиловат қилдириш учун эхсон
бермоқчимиз...»

Шу куни Тўрткўлдаги Аматжон aka уйида сарт-
ларнинг анчаси тўпланди. Куронбой aka ва унинг
ота-боболари рухига Куръон тиловат қилинди. Дас-
турхон устида ҳам анчагина бу шажара вакиллари,
уларнинг эл-юрга учун хизматлари борасида гурунг-
лашиб ўтирдик...

Айниқса, Куронбой аканинг кенжা хотинлари
бўлмиш Бибижон момо билан гурунгимиз кўнгил-
дагидек бўлди.

Бибижон момо салкам саксонларни қоралаб қол-
ган. Ҳамон тетик. Бу муштипар онахоннинг юзла-
ридан нур ёғилиб туради. Кўзлари тийрак. Аммо
ёш ўтганидан... хотираси анча хира тортгани ҳам
бор.

Бибижон момо Куронбой aka ҳақида ихчамгина
сўз айтди. Қанча сўраб суриштирмайлик — ўзбек
аёли андишага борди. Чамамда, қадим урф-одатла-
римиз мужассамлашган аёл қалби барча оила икир-
чикирларини дастурхон қилгилари келмади...

— У киши колхозчи эди... Кўш сурар, ер ағда-
рарди. Шу колхознинг у киши қилмаган юмушлари
колмаган...

— Бригадир ҳам бўлган дейишади.

— Бригадирликка бригадирлар, аммо айрим бригадирлар каби от миниб, қамчи ўйнатиб, иш буюриб юрмаган. Ишларни аъзоларига тақсимлаб бериб, ўзлари ҳам бир чек олиб, қўшилиб ишлайверади. Қазувда ҳам шу.

— Сиз қазувга ҳам борганимисиз?

— Борганиман. Қазувдан ким қочиб қутилади дейсиз? Иш оғир, аммо сув сиёсати ёмон бўлган-да.

— Куронбой бува каттиқўл ҳам эди, деб эшитдик...

— Каттиқўллиги бўларди. Буни кўпинча фарзандлари тарбиясида кўриш мумкин эди. Болаларимизнинг тарбиясида қаттиқ турганлар. Лекин ўзлари табиатан меҳрибон, кўнгилчан одам эдилар...

— Колхозда ишладим дейсиз? Не ишлар қиласдингиз?

— Кузда, кишида қазуви бор. Баҳор чиқмасдан экин экиш бошланади. Ҳозиргидек техника қани? Барча ишлар кўлда. Аzon-кеч тинмай кетмон чопамиз. Бутун ёз бўйи отиздан чиқмайсан. Оралиқда яна пилла курти боқамиз денг. Пиллани тўлдирсанг бир кўйлаклик мато беришади. Шу ҳам ўз вақтида камёб матоҳ эди. Бу кўйлакликни оламиз деб белимиз минг букилади. Кейин кузда уч ойлаб пахта терими. Қиши вақти тушса, қор босган далалардан ҳам пахта терардик. Кечаси билан кора чироқ ёруғида курак ситишимизни айтинг...

Иш тифиз вактлари Куронбой aka қаттиқўллигига бораради. Ишдан кечикканларни койирди. Умуман, тартиб-интизомни ёқтирадиган киши эди. Оила-да ҳам шу тартиб ҳар доим амалда эди.

— Кичкина болаларни нима қиласдинглар? Аzon-кеч отизда бўлсангиз...

— Болаларга овсиним қаради. Баъзида иш тифиз келганда бола-чақани отизга хайдашган. Ёш болаларнинг бириси энди оёқ боса бошлаган, бирила-ри эмаклайди, бири бешикда. Отиз четида ҳаммаси-ни бир жойга тўплаб, бир хотин қаради, қолган ҳамма ишга жалб қилинарди.

— Куронбой ака уста ошпаз ўтган экан. Элнинг тўй-маъракаларида сузган ошларини кексалар ҳамон макташади. Уйдаям овқат пиширган вақтлари бўлганми?

— Овқат пиширишга ёшлигидан қизиқкан. Уйдаям шундай мазали палов пишиарди. Мен аёл бошим билан бундай овқат тайёрлай олмаслигимдан уялардим.

— Оилада иш режимлари қандай эди?

— Ишchan одам эди. Ишлаб хоримасди. Ипак курти бокамиз денг. Бу ипак курти сўнгти уйқуларидан турган вақти мисли юхога ўхшайди. Еб тўймайди. Шунинг учун очкўэроқ одамни «навҳан куртга» ўхшатишади. Куни билан ўриб тайёрланган тут япрогини қора ҳуфтонда ҳам куртларга берамиз. Икки-уч соатча ухлайди. Ухлаш қайда, мизғийдилар. Ҳали болалар уйкудан тургунича — қўёш чиққунича икки арава тут барги кирқиб келади денг.

— Ёш вақтларидағи гапми?

— Нега ёш вақтлари экан. Олтмишларидан ошган вақтларини айтаяпман. Умуман эрта туриш, чой қайнагунча бирор юмушни битказиш у кишига теккан касаллик эди десам тўғри бўлади. Кеч кузда сахар мардон туриб кетиб, чой қайнагунча эллик-олтмиш патта янтокни чопиб келарди. Худога шукур болаларни ўқитдик, одам қилдик. Ҳаммаси ҳалол меҳнатдан, болам. Куронбой бува киши молига кўз олайтиргаган, бирорнинг хақидан ҳазар қилган мўмин банда эди...

... *Бибижон момо Куронбой ака билан етти нафар фарзандни тарбиялашди. Катта кундошидан қолган фарзандни ҳам уйлантиришди, уйлижойли қилишди. Бугун бир этак неваралар иззатида ўтирган бу табаррук қариянинг ўтган умрига шукроналари кўп. Момо буни шундай таърифлайди:*

— Болаларимнинг отаси мендан йигирма уч ёш катта эди. Шундай даврлар эди — совчи келганида

ноз қилиб ўтириш дегани йўқ эди. Отамиз айтгани бўларди. Тақдир экан, Оллоҳ таоло пешонамга Ку-ронбой ака билан турмушни ёзган. Ўтган умримдан мингдан-минг миннатдорман. Ҳар бир ўтаётган кунларимга шукроналар айтаман. Фарзандларим — невараларим ҳолимдан хабар олиб туришади. Бахтиёр онаман. Невараларнинг бирлари Тошкентда, бирлари Нукусда ишлашади. Кунда-кунора кўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрашади. Ўғлим Аматжоннинг иши Нукусда-ю ҳар доим кўнгли-нигоҳи Тўрткўлда. Бўш вақт топса дарров келиб, атрофимда парвона бўлади.

Илоҳим, фарзандларимга Оллоҳ таоло узок умр берсин, бахт берсин, эл эътиборидан колдирмасин. Шуни тилаб ўтираман денг. Менга энди бу ёруғ оламда бошқа нимаям керак...

ФАРЗАНДЛАР БАХТИ

Кадим сартлар сулоласининг бир вакили, эл-юртда ибратли ҳаёт йёли билан яхши хотиралар колдирган, ажойиб инсон, мўмин мусулмон Куранбой сартдан бу ёруғ дунёда бир этак фарзандлар қолди. Куранбой сарт ўз меҳнати, ҳалол хизматлари билан фарзандларини тарбиялади. Яхши инсонлар қилиб ўстирди. Ўқитди, уйлантирди, турмушга узатди, уйли-жойли қилди. Қисқаси, инсон боласининг бу ёруғ дунёга келиб бўйнида фарз бўлган барча қарзларини бекаму кўст адо этди ва ёлрончи дунёдан чин дунёга кўнгил хотиржамлиги билан кетди.

Шу ўринда Куранбой сартнинг фарзандлари хақида тўлалигича маълумотларни келтириб ўтамиз.

Маммат

Муҳаммад исмининг маҳаллий шевада қисқароқ айтилиши. Маммат ака айни колхозлаштириш дав-

рида дунёга келган. Бутун умр колхозда тракторчилик қилган. Эллик ёшида дунёдан ўтган.

Зулайҳо исмли аёлга уйланади. Аёли ўзи билан тенгдош эди. Улардан етти фарзанд дунёга келган.

Ислом 1960 йилда туғилган. Бибисора исмли аёли бор. Анвар ва Гўзал исмли икки фарзандни тарбиялаб вояга етказишиди.

Гулора икки йилдан сўнг дунёга келган. Турмуш ўртоғи Қосимбой. Расул ва Умиджон исмли ўғилларини тарбиялашяпти.

Маммат аканинг учинчи фарзанди — Умаржон. Сафаргул исмли аёли билан Илҳом, Баҳром, Фарҳод, Бобур ва кенжатойлари Ҳасан ва Ҳусанларни тарбиялашяпти.

Усмон Куронбоев турмуш ўртоғи Замира Рўзи мова биргаликда Сардор, Аброр ва Осиёхонларнинг севимли ота-оналаридир.

Ўқтам Куронбоев ва Олмахон Болтабоевларнинг ҳам уч нафар фарзандлари бор — Фарруҳ, Зулайҳо ва Мансурбеклар.

Нуқулжон Куронбоева Ўринбой Султоновга турмушга чиққан. Бу баҳтиёр оиласида Зебо, Жавлон ва Гули исмли бир-биридан ширин фарзандлар вояга етишяпти.

Маммат аканинг кенжа қизи Сайёра Баходир Каримов билан оила қуриб, Шоҳруҳ, Фарруҳ ва Рийимбой исмли фарзандларни дунёга келтиришган.

Аматжон

Куронбой ака ва Бибижон опанинг тўнғич ўғли Аматжон бир минг тўққиз юз эллик биринчи йилнинг биринчи январида туғилган. Айни янги йил бошламасида дунёга келган фарзанднинг умр йўли — хаётдаги ўз ўрни бошламалардан иборат бўлди. У ўрта мактабни битказгач, бир муддат — ҳарбийга кетгунича колхозда ишлади. Ҳарбий хизматни бит-

казиб қайтгач, ички ишлар бўлимига оддий милиционер бўлиб ишга кирди. Кейинроқ пойтахтдаги милиция мактабини битказди.

Милиция зобитини аввало масъулиятли участкага юбориши — Ёнбошқалъа массивида участка нозири вазифасига. Масъулиятли деганимиз — бу массив худудида тўртта янгитдан ташкил қилинган совхоз бор эди. Уттан асрнинг етмишинчи йилларида Амударёнинг чап қирғонидаги қадим унумдор, аммо давр талотумлари ва дарё қиликлари туфайли ташлаб кетилган кенг майдонларида катта кўламда ўзлаштириш олиб борилди — Элликқаъла номи билан бутунлай янги туман ташкил этилди. Ёнбошқалъа ҳам худди шундай янгитдан очилган совхозлардан иборат эди. Янги очилган совхозларга бутун Кўйи Амударё минтақасидан одамлар кўчиб келиб ишлашарди. Бу ерда ўтроқ аҳолидан кўра четдан келганлар кўпроқ эди. Улар орасида ўз элатида қонун бузганлар ҳам оз эмасди.

Ана шундай қийин ва масъулиятли худудда ишлаш, обрў қозониш, одамлар билан тил топишиш, худудда тартибни сақлаш осон иш эмасди. Ёш зобит бунинг уддасидан чиқди. Тажриба орттириди ва ўзида тармок бўйича раҳбарлик лаёқатини шаклантириди. Уни Тошкентдаги Олий милиция мактабига юбориши. Сўнгра Москвадаги Ички ишлар академиясида ҳам ўқиб, ҳаётий тажрибаларини илмий билимлар билан бойитди.

Аматжон Исмоилов 1983 йилда Тўрткўл туман ички ишлар бўлими бошлиғи биринчи ўринбосари вазифасига тайинланди, 1990 йилда эса Кўйи Амударё минтақасидаги энг йирик туман — Тўрткўл тумани ИИБ бошлиғи бўлди. Олти йилдан сўнг Нукус тумани ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасига тайинланди. Полковник Аматжон Исмоилов 1997 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари вазифасида хизмат қилмоқда.

Бугун худудда ички ишлар ходими Аматжон

Исмоилов ҳакида жуда илик сўзларни эшитиш мумкин. Умуман олганда ички ишларда узок муддат, яна тагин раҳбар вазифаларида ишлаб эл олқишини олиш кўп қийин иш. Негаки, бировга ёқсанг, бировга ёқмаслигинг табиий. Аммо полковник Аматжон Исмоилов камдан-кам кишига насиб қиласиган ана шу шарафга эришган инсон. Бугун тўрткўллик қариялар туманда ишлаган милиция бошликлари ҳакида гап кетса, албатта биринчи навбатда, Аматжон акани эслашади. «Ў, Аматжон ишлаган даврлар бошқача эди», деб қўйишади...

Аматжон ака баҳтиёр оила бошлиғи. Турмуш ўртоги Раъно опа билан олти нафар фарзандни камолга етказишиди. Фарзандларидан беш нафари ота касбини танлагани бежиз эмас. Аматжон акадати касбга садоқат буғунга келиб анъанага айланиб улгурган.

Катта ўғли Шухрат ҳуқуқшуносликни битказган, прокуратурада ишляяпти. Иккинчи ўғли Кудрат ИИБ академиясини битказди, туман ИИБ I ўринбосари. Яна бир ўғли Фуломбой ҳам ИИБ академиясини тугатган. Ҳозирда республика ИИВда хизмат қилмоқда. Учқунбой ҳам шу йўлдан борялти, айни дамда академияда таҳсил олмоқда. Кенжа қизлари Шаҳло эса юридик коллежи талабаси. Фақат катта қизлари Райхон ҳамширалик касбини танлаган.

Бир оиласдан олти нафар ҳуқуқ-тартибот ходими етишиб чиқаётгани ибратли ҳолдир. Албатта, Исмоиловларнинг бу кенжа авлодлари ўз ҳаёт йўлларида оталари каби шонли, шарафли йўлни босиб ўтадилар, ўз касбларидан баракат топадилар, эл олқишини оладилар. Бунга ишониб қоламиз.

Энди Аматжон ака фарзандларининг оилалари билан таништирасак.

Шуҳрат Исмоиловнинг турмуш ўртоғи Манзура Тожиева. Уларнинг уч нафар фарзандлари бор — Шерзод, Дилшод ва Меҳринисолар.

Райхоной Исмоилованинг турмуш ўртоғи Баҳром Машарипов. Уларнинг бир-биридан ширин Давронбек ва Умрбек исмли ўғилчалари бор.

Кудрат ва Ръянохон Исмоиловлар тўнғич ўғлига катта боболари Исмоил сарт буванинг исмларини қўйишган. Уларнинг яна Динора исмли қизи ва Тохир деган ўғилчаси бор.

Ғуломжон Исмоилов ва Мунирахонларнинг жажжи қизалоги — Камолахон энди тетапоя бўлиб юра бошлиди.

Учқун Исмоилов ва Муяссархонларнинг баҳтиёр ҳаётлари ҳали тўлалигича олдинда.

Ҳали бу оила фарзандларидан бобоси Аматжон ака каби эл суйган кишилар кўпдан-кўп етишиб чиқадилар. Инишооллоҳ!

Ботир

Ботир ака эндиғина элликдан ошди. Олийгоҳни — қишлоқ хўжалик техникумини битказди, касби бухгалтер. Турли соҳаларда ишлади. Истиқлолдан сўнг тадбиркорликка кенг йўл очилиши билан шу мулкчиликнинг янги шаклида ишлаш, эл-юрга хизмат қилишини умр максадига айлантирди. Ботир аканинг аёли Гулсара Жуманова уй бекаси. Аҳил оиласида беш нафар фарзанд вояга етган.

Отажон Куранбоев амакиси Аматжон аканинг шогирдларидан ички ишлар тизимида хизмат қилаяпти. Аёли Дилфуз Каримова билан Зубайда, Мадина ва Зулфияхондек бир-биридан ширин қизчаларни тарбиялашмоқда.

Мурод Куранбоев отаси каби тадбиркорлик этағидан тутган. Хушмуомала, ишchan йигит. Умр

йўлдоши Мұхаббатхон билан Шаҳноза ва Мафтуна отлиқ қизчаларни вояга етказишмокда.

Гулчехра

Гулчехрахон Ҳамро Ярашевга турмушга чиққан. Бу оиласада Мұхаббат, Сабоҳат, Зокир, Юнус ва Илес исмли фарзандлар дунёга келишган.

Мұхаббатхон турмуш ўртоғи Муродбек билан Гулрух ва Аҳрор исмли фарзандларини камолга етказиш иштиёқидалар.

Сабоҳат ва Кудратбекларнинг эса уч нафар фарзандлари бор — Иэзат, Айтмурод ва Азизахонлар.

Зокир ва Муқаддасхонларнинг ҳозирча Моҳинисо исимли қизчалари бор.

Юнус ва Раънохонлар янги турмуш қуришган. Ҳамма баҳт ва шодликлари ҳали олдинда.

Илесбек эса ўрта мактабда аъло баҳоларга ўқияпти.

Гулнора

Уй бекаси деган шарафли ном бор. Бу оиласанинг барча юмушларини ўз бошига олган, болаларини ок тараб, ок ювиб, одобли-таълимли қилиб тарбиялашга умрини баҳшида қилаётган аёлларга нисбатан күлланилади. Фарзанд тарбиясини ҳар қандай ишдан — касб-кордан юқори қўйган аёллар таҳсинга лойик. Зоро, фарзандлар тарбияси — келажак меваларини яратишидир.

Гулнора Ёқуб сартнинг ўғли Амин сартта турмушга чиққан. Яъни, амакизодалари бўлмиш Асматулла сарт авлодига келин бўлган. Нигора, Элмурод, Мухайё ва Акмал исмли фарзандларни камолга етказишиди. Эндиликда киз чиқариш, келин олиш тадоригидалар.

Сапаргул

Бу яхши ниятларни Сапаргул ва унинг турмуш ўртоғи Максудбеклар шаънига ҳам айтиш мумкин.

Оилада камол топаётган Мохира, Бекзод ва Мухбазахонлар келажакда бахтиёр оила, севимли касб эгалари бўлиши ҳеч шубҳасиз.

Дармонжон

Аматжон аканинг кенжа сингиллари Дармонжон ишчан аёл, меҳрибон уй бекаси. Турмуш ўртоғи Отаназар Ярашев билан Наргиза, Элдор, Юлдуз ва Дилнурга каби фарзандларни вояга етказишиди. Келажакда умр мевалари бўлмиш фарзандларидан орзу-ҳавас кўриш ниятидалар.

... Биз ушбу ўринда Куронбой сартнинг фарзандлари — улардан дунёга келган неваралар ва эваралар ҳакида муҳтасаргина сўз юритдик. Баёнимиз баъзи ўринларда ихчам тортди, баъзида хийла чўзилди. Ҳали биз бу оиланинг катта ўраси бўлмиш — Аматжон ака ҳакида оз айтдик. Тавсиф-таърифлардан чекиндик. Ўз шаънига мактовни ёқтирамайдиган инсон — камтарин Аматжон акадан баҳо борасида карзимиз кўп. У киши ҳакида эл кишилари тилидан бол томизиб гапиришлари бежиз эмас.

Яна бир гапни шу ўринда кистириб ўтиш жоиз. Тўрткўлликлар ўртасида неча йилларки бир ибора юради. Одамлар оға-инилар, яқин биродарларнинг бир-бирларига муносабати, меҳрибонлигини бир мисолга киёслашади. Яъни «Исмоиловлар бир-бирига меҳрли авлод», дейишади. Бу ибора пайдо бўлишига сабаб бўлган инсонлар аввалида Куронбой ва Рийимбой акалар бўлишса, кейинги авлодда бу анъанани Нураддин ва Аматжон акалар давом қилдиришди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қаҳатчилик, йўқчилик йилларида Куронбой ва Рийимбой акалар кеча-кундуз тинимсиз меҳнатлари билан нафакат ўз оиласи ташвишини ейишди, балки яқин оғайнилари — амаки ва амакизодаларини, юртдошларини ҳам қўллашди. Уларнинг касб-хунарли, уйли-

жойли бўлишида кўмакдош бўлишди. Қийин пайтларда уларнинг оғзи бир бўлишига эришишди.

Кейинчалик Нураддин ва Аматжон сартлар оталидан мерос шу анъанани қўлга олишди. Бу авлоддан илк бора олий маълумот олган, дунё таниган, эл-юрт учун керакли касб-кор эгалари бўлган ва шу йўлга бошқа оға-иниларини йўналтирган, уларнинг ўкиши, иши, турмушида қўлидан келган кўмакни берган, берид келаётган ҳам ана шу табаруқ инсонлар.

Ахир, бир-бирига меҳр у ёқда турсин, бир карич ота мулки учун юз кўрмас бўлиб кетган, бир-бирига мушт кўтаришгача бориб етган оға-иниларни ҳам биламиз-ку.

Халқимиэда «Султон суягини хўрламас», деган ибора бор. Ўз вактида бу ибора хукмдорлар тимсолида яралган бўлиши мумкин. Вакт унинг мазмунини ўзгартира олмаган. Ўз суякларини қўллаган азиз инсонлар — Куронбой ва Рийимбой акалар, Нураддин ва Аматжон акалар тўла маънода ўз даврининг, ўз сулоласининг султонлариdir.

«ЧЎП БЎЛ — КЎП БЎЛ...»

(*Латиф сартнинг ётлиги Нураддин Исмоилов гурунгидан.*)

...Муқаддам Исмоил буванинг иккинчи ўвли Рийимбой ака биринчилардан бўлиб урушга кетган, бу пайтда аёли ҳомиласи билан қолгани ва жангчи урушдан қайтгач тўнғич фарзанди билан юз кўришгани хақида айтиб ўтган эдик.

Отасини фақат тўрт йилдан сўнг кўрадиган жажжигина болакай — Нураддин эди.

Нураддин 1949 йилда қишлоқдаги етти йиллик мактабга боради. Ўқишига ҳаваси зўр эди. Тўғри болалик вактида отаси каби шоғёр бўлишни —

хайбатли машиналарни хайдашни орзу қилган. Умуман олганда уруш вактлари ва урушдан кейинги даврда ҳам гарчи колхозларда турли техникалар кўпая бошлаган бўлсада, машиналар саноқли эди. Тўрт йил урушнинг барча йўлларини босиб ўтган «газик»лар — уларни «полуторка» деб юритишган — қишлоқ хўжалигига ишлатиш учун юборилди. Машиналар кўпайди — улардан асосан турли юкларни — минерал ўғитлар, буёдой, техника эҳтиёт қисмларини ҳамда етиширилган маҳсулотни омборларга ташишда фойдаланиларди. Саноқлигина машина бўлганлигидан бу машиналар бир зум тиним билмас — ҳайдовчиларига ҳам осон эмасди. Тракторлар қишида гаражга қантариб қўйилар, таъмирланар, машиналар эса қишидаям тўхтамасди. Одатда, колхозлар тракторларини район марказидаги МТСда қиши ойларида ремонт қилишарди. Кора совукда ҳар куни район марказига тракторчиларни олиб бориш ва кечқурун уларни олиб қайтиш вазифаси ҳам ҳайдовчига юклатиларди.

Ўша йилларни — болалик даврини эслаб Нураддин ака аввалида хўрсиниб оладилар, кейин бир иштиёқ билан сўзлашга тушадилар:

«... Етти ёшимда мактабга борган бўлсан — устимга, оёғимга киядиган нарса йўқ эди. Ҳозиргидек ботинка, этик қайда? Иссиқ вактлари оёқ яланг катнаган бўлсан, қиши совуғида мол терисидан тикилган чорикни оёқка илиб олардик. Болаларнинг аксари совук урмасин деб оёғига топган нарса борки ўраб олишарди... Кўп қийин замонлар эди. Мактабда беришган бир-икки эски китоб ва дафтарни эса знамиз тикиб берган чит папкага жойлардик. Папкада оч бўлганда қоринни алдаш — тамшани учун бир-ярим зоғора ҳам бўларди. Бу зоғора деганиям бирорвнинг папкасида бор, бирорникида йўқ...

Еттинчи синфи тутатгач, Гулдуурсиндаги мактабга қатнаб ўқий бошладим. Кўпчилик болалар еттинчини битказиб ўқишини тутатиб, колхоз ишига

киришиб кетиши. Отам эса менинг ўқишимни истарди, шу боисдан қатнаш қийин бўлсада, узокдаги мактабга ёздирганди.

Гулдурсиндаги мактаб бизнинг уйимизга ўн чақирим келарди. Қиш ойларида интернат йўсинида болаларга жой беришарди. Баҳор ва кузда эса қатнаб ўқирдик. Ким эшакда, ким эса пиёда. Саҳармардонда бир пиёла чой ичиб йўлга тушпамиш, дарсга кечикмаслик учун жадал юрамиз. Тагимиздаги эшакка ҳила босиб, йўл-йўлакай пойга ҳам қила миз.

Отам колхоз машинасини ҳайдар, оладиган иш хақининг тайини йўқ, бу орада оиласиз каттая борарди. Мен мактабга борган йили синглим Онажон туғилди. Гапга чечан, кўп нарсага қизиқадиган қизча эди. Ҳамма вақт ортимдан югуриб юрарди, мактабга борганида билмаганларини мендан сўрарди... Афсус, умри кисқа экан, мен ҳарбийда вақтим — 1962 йили вафот этибди.

Ҳарбийдан қайтган собиқ жангчининг оиласи ўн йил ичидаги салкам ўн киши бўлиб қолган. Уларни боқиши — қорнини тўйғазиши, устини бутлаш осонми? Онам далада ишларди, отам тонг саҳарда чиқиб кетиб, баъзида қора хуфтонда қайтарди...»

... Уруш даврининг боласи — чекига кўп қийинчиликлар битилган йигит — Нураддин ака ана шундай шароитда ҳам қанчалик қийинчиликлар бўлмасин, оила қозонидан тежаб-тергалган арзимас маблағ ҳисобига бўлса-да, ўқиши — олий маълумотли мутахассис бўлиш орзусини амалга ошира олди. 1961—64-йилларда ҳарбий хизматда бўлди. 1964 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агроном-иктисодчилик факультетига ўқишига кирди. Институтда ҳам яхши ўқиди, талабаларга ибрат бўлди.

Нураддин ака студентлик — олтин даврим, деб шоирона таърифланадиган давр ҳакида ҳам қизик гурунг беради:

«Ўтган асрнинг олтмишинчى йилларидан бошлаб қишлоқ ёшларининг ўқишга қизиқиши кучайди. Бунга илк бора колхоз аъзоларига ҳам паспорт берилгани сабаб бўлди. Олдинлари колхозчиларга паспорт берилмаган. Сабаби — паспорт берилса кўпчилик колхознинг оғир ишини ташлаб, иш вақти ва маоши тайин шаҳарлардаги завод ва фабрикаларга кетиб қолишади, деб ўйлашган.

Бизлар қийин шароитларда ўқидик. Кўпчилик талабалар давлат томонидан бериладиган арзимас стипендияга амал-тақал кун кечиришарди. Ўқишидан бўш вактлари бирорларнинг ишини қилиб ёки юк вагонларини тушириб, беш-ўн сўм толиб устбошини бутлайдиган талабалар ҳам оз эмасди.

Отам раҳматли оладиган маошидан орттириб, беш-ўн сўм жўнатиб турарди. Таътилга келганимизда кўтарганча озиқ-овқат олиб кетишга харакат килардик. Чунки, томорқамиизда экиладиган маҳсулотлар ҳар доим оила бюджетининг бир томонини кўтариб келган...

Кийин даврларда ўқидик. Шунгамикан, ўқишининг қадрини биламиз...

... Нураддин ака ҳали ўқиб юрган пайти — сўнгти курсдалигида оила қуради. Такдир у кишини Саломат Маҳмудова билан талабалик вактида учраштириди. Саломат ҳам олийгоҳда таҳсил оларди. Инженер-энергетик ихтисосини олиш арафасида эди. Хоразмнинг Кўшкўпиридан бўлган Саломатхон ёшлик майли туфайли дарё ортига келин бўлиб тушди — ўз такдирини Нураддин ака билан боғлади.

Нураддин ака мактабни битказгач, ҳарбийга кетгунча икки йил хўжаликда токарь бўлиб ишлаганди. Бу ерга отаси тавсияси билан келганди. Агарда колхоз аъзоларига паспорт берилиши бошланмаганида ким билади вақти келиб отаси касбини эгаллаши — ҳайдовчи бўлиши ҳам мумкин эди.

Институтни битказиб келгач ҳам бир йилча хўжаликда ишлади. Бир йилдан сўнг туман давлат суғурта идорасига бош ҳисобчи бўлиб ишга ўтди. Тўрт йилдан сўнг ташкилотчи, ишchan йигитни туман суғурта идорасига бошлиқ қилишди. Шу вазифада Нураддин ака оз эмас йигирма йил ишлади. Бир идорада йигирма йил бошлиқ бўлиш — айтишга осон.

Истиқлолдан сўнг бошқарув тизилмаларида кўплаб ўзгаришлар содир бўлди. Давлатнинг молиявий таянчи ҳисобланган солик тизими ҳам янгила изга кўчирилди. Муқаддам солик тизими туман молия бўлими қошидаги нуфузи йўқ, номига бир идора эди. Собик шўро тизилмаларида кўпроқ мажбурийлик амалда бўлган. Белгилаб қўйилган маълум тўлов-соликлар автоматик тарзда чегирилиб олинаверган. Буни бир неча ходим қайд қилиб боришиган, холос. Бозор иқтисоди муносабатларида эса соликнинг ўрни катта. Яна демократик тамойиллар амалиётга айланган даврда олдинги мажбурийлик ўз навбатида эркинлаштирилди. Якка тадбиркорликка кенг йўл очилиши билан бир қаторда солик тўловчилар сони ҳам бир неча карра опади, бу борада янгидан-янги конун ва ҳужжатлар қабул қилинади.

1994 йилда Нураддин ака янгитдан ташкил қилинган шахар солик инспекциясига бошлиқ вазифасига тавсия қилинди.

Ўша даврларни Нураддин ака шундай хотиралайди:

«Солик тизими янгича изга кўчганди. Аввало, мутахассислар етишмасди. Бунинг устига шаҳарда юзлаб, минглаб кичик корхоналар — тадбиркорлик субъектлари очилган, фаолият кўрсатишгаётганди. Тармоқ бўйича янги-янги норматив ҳужжатлар

амалиётга киритила бошлаганди. Тармоқни ана шундай бир пайтда қабул қилиб олдим. Етти йилдан күпроқ — токи нафакага чиққунча шу идорада бошлиқ бўлдим. Қандай ишлаганимни ҳамкаслар яхши билишади. Мен бир гапни айтмоқчиман — ҳамма замонларда янгиликлар бошида турган кишиларга осон бўлмаган. Ўз ишимизни бажаришимиздан кўра кўпроқ мижозларга ўз ҳукуқларини ўргатишимиизга тўғри келган. Тадбиркорлик дегани қизик — ҳисобкитобдан бехабар банда кичик корхона очади, ишни йўлга қўяди, фойда ҳам ола бошлади. Бу ёқда эса давлат билан ҳисоб-китоб қилишни унутади. Унутади эмас, билмайди. Чунки, маълумоти йўқ. Янги қабул қилинган конун — норматив ҳужжатлар билан таниш эмас. Кийин шароитда ишладик. Бунинг устига хали аксар ҳужжатлар мукаммал эмасди. Теэ-тез ўзгариб турарди...»

Нураддин ака 2004 йил қарилек нафакасига чиқди. Бу арафада уч йил туман ўрмон ҳўжалигига бошлиқ ҳам бўлди.

Умуман айтганда Нураддин Исмоилов бир ҳудудда салкам ўттиз йил раҳбар вазифасида ишлади. Инсон онгли умрининг тент ярми дегани бу. Ишchanлиги, ташкилотчилиги, одамлар билан муомала маданияти бу азиз инсонни узок йиллар турли жамоаларга бosh бўлишига сабаб бўлди. Оддий ҳайдовчининг ўғли пешанасига тақдир шундай шарафни ёзган экан.

Тўртқўлликлар мохир раҳбар, самимий инсон Нураддин Исмоилов ҳақида гап кетганда оғизларидан бол томиб, у кишини мақташлари бежиз эмас.

Нураддин аканинг умр йўлдошлари Саломат опа ҳам ўз касбида ишлаб барака топган аёл. Турли идораларда турли вазифаларда ишлаб қарилек нафакасига чиқди. Нураддин ака билан тўрт фарзандни

тарбиялаб, қаторга қўшишди. Бахтиёр ота-онага айланишди. Қиз чиқаришди, келин олишди. Эндиликда севикли набиралари эъзозидалар.

Оиланинг тўнғичи Шарофиддин отаси касбини танлади — молия институтини битказди. Ҳозирда туман солик инспекциясида бўлим бошлиғи вазифасида ишляяпти. Турмуш ўртоғи Санобар Бобожонова — қишлоқ хўжалик коллежида ҳисобчи бўлиб ишлайди. Гулруҳ, Мақбуба, Ойимжондек бир-бираидан ширин фарзандларни тарбиялаб, вояга етказишаёткини ишляпти.

Муҳаббатхон Ҳалқ хўжалиги ва Педагогика олийгоҳларини тамомлаган. Ҳозирда коллежда муаллимлик касбини эъзозлаяпти. Турмуш ўртоғи Кенжабой Нурибетов тадбиркор. Шоҳруҳ, Фарруҳ, Гули, Муҳайё исмли фарзандлари бор.

Захриддин ҳам Молия институтини битказган. Туман молия бўлимида бош ҳисобчи бўлиб ишляяпти. Аёли Мавлуда Султонова уй бекаси. Фарзандлари Мафтунахон оиланинг эркатоийи.

... Нураддин ака билан гурунгларимиз давом этади. Сўз навбати тартиб билан энди набираларига келганда... кизик ҳолат рўй беради. Нураддин ака набираларини санаща адашади. Исмларини ёдига туширолмай туроди ва қўшиб қўяди: «Оллоҳ таоло «Чўп бўл, кўп бўл», демишлар. Бир-икки бўлса шартта айтардим-қўярдим...»

Бу ҳолни инилари-сингиллари оиласи ҳакида тўлик маълумот олишга интилганимда яна кузатаман. Нураддин ака укалари, сингилларининг фарзандлари санофида ҳам адашади. Кўпинча исмларини айттолмайди. Ва албатта, яна юқоридаги матални такрорлаб қўяди.

Сартлар сулоласининг вакили, ўз меҳнатлари ўлароқ нафакат оға-инилари, балки эл-юрт олдида

ўзидан яхши ном колдирган Рийимбой ака хонадо-нида ўн уч фарзанд дунёга келган. Түнгич қизи Онажон ўн беш ёшида бевакт ҳаётдан кўз юмган. Яна оиласда икки марта эгизак қизлар туғилишган. Ойша-Фотималардан бириси – кичик Фотима узоқ яшамаган. Яна Зарифбой исмли ўғли гўдаклигига вафот этган.

Рийимбой сартнинг қолган фарзандлари хақида мухтасаргина маълумотлар бериб кетамиз.

Олтиной – уй бекаси. Куронбой ҳайдовчига турмушга чиқкан. Айтжон, Руслан, Дилбар, Ўктам, Усмон, Комила каби фарзандларини вояга етказдилар. Келинлар олиш, қиз чиқариш баҳтига муяс-сар бўлишди. Бугун улар катта оила эгалари.

Тўнгич эгизаклар – Ойша ва Фотималар хақида сўз кетса инилари уларни катта Ойша, кичик Ойша, катта Фотима, кичик Фотима деб бўлакча эҳтиром билан аташади.

Катта Фотимани Тожибой акага узатишди. Тожибой ака уста ҳайдовчи – қайнотаси касбини улувлаган инсон. Яна бу сулолага қариндошлиги бор – Аматжон аканинг оналари – Бибижон момо авлоди бўлмиш шайхлардан. Умида, Фарход, Саида, Наргиза, Мавлуда, Ойдин исмли фарзандларини тарбиялаб, қаторга қўшишди.

Кичик Ойшанинг Азamat ва Хотира исмли фарзандлари бор. Кичик Фотима чақалоклигига ҳаётдан кўз юмган.(Фарзандларни тартиб билан келтираяпмиз. Янглишиб кетмаслик учун. Навбат етган Камолиддин билан алоҳида гурунгимиз борлиги учун тартибни хозирча бузиброқ турамиз).

Энахоннинг куёви Ражаббой ўз қариндошларидан – Ибодулла деган биродаримизнинг ўғли. Касби тракторчи. Уй бекаси Энахон ва оддий тракторчи Ражаббой бой кишилар. Тўрт нафар фарзандлари бор – Интизор, Ўткир, Хилола, Гулоралар.

Бибисора Куронбой сартнинг катта ўғли Маммат

сартнинг ўғли Ислом сартга турмушга чиққан. Ислом сарт ҳам амакиси, ҳам қайнотаси Рийимбой ака каби шофёрлик касбини эъзозлаб келаётган инсон. Уларнинг Анвар ва Гўзал исмли фарзандлари бор.

Шакаржон олий маълумотли врач. Куёви Шавкат ҳам бирга ишлайди — ҳамкасб, ҳамфикр, ҳамдард кишилар.

Уларнинг Райхон, Мардон ва Моҳинур исмли фарзандлари бор.

Ширинжоннинг куёви Фахриддин тадбиркорлик билан машғул бўлиб, катта оиласини боқаётган ишчан йигит. Ширинжон уй юмушлари билан банд. Бу ёқда Сирожиддин, Мухридин ва Мадинахонларнинг ташвиши. Ишқилиб, бир гўзал ва баҳтиёр оила.

... Кизик бир лавҳа. Рийимбой сартнинг фарзандлари, набираларининг тўлиқ рўйхатини тузиш мақсадида катта ўғли Нураддин ака хонадонида салкам уч соатлар ўтирибмиз. Рўйхатни тўла тузиш осон кечмади. Бу орада Нураддин ака неча марта телефонга мурожаат қилади. Қайсиdir жиянининг исмини сўрайди. Бу орада Камолиддин ҳам келиб қолади. Аммо у ҳам акаси каби кўпгина жиянлари исмида адашиб кетади. Нихоят рўйхатни нихоясига етказиб, энди бемалол чой ичиб гурунглашиш имкони келганидан қувонамиз. Аммо хотиралардан иборат қадим гурунглар бизни кутиб туришларига тўри келади. Чунки, бир ўсмир хонага одоб билан кириб келиб, бизлар билан кўл олиб кўришгач, Нураддин акага бир варакни узатади. Нураддин ака қорозга кўз югуртиради-ю, бош чайқади:

— Эсимиз қурсин, Нусраддин қолиб кетибдику!

Нураддин аканинг укалари Нусраддин ака иш билан бандлигидан келолмаганига узр айтиб, ўзи ва фарзандлари ҳакида ихчамгина маълумот ёзиб жўнатган экан. Маълумотдан шу нарса аён бўлдики, Нусраддин ака давлат хизматида — суғурта

ташкилотида ишлайди. Аёли Зиёда Йўлдошева умр бўйи педагоглик касбини улуғлаган. Ҳозир нафакада.

Уларнинг фарзандлари: Қаҳрамон — тадбиркор, Полвонназар — савдо соҳасида, Қамариддин — хисобчи, Шавкат — иқтисодчи.

Нусраддин аканинг набиралари: Нилуфар ва Умиджон — Қаҳрамоннинг болалари, Фазилат ва Баходир — Полвонназарнинг фарзандлари, Севара — Қамариддиннинг қизи.

Маълумотдан шу нарса аён бўлдики, бу оиласда ҳали қўплаб набиралар дунёга келадилар. Улар, албатта, қадим сартлар сулоласи шарафини ҳар доим ўз ҳалол меҳнатлари, ажойиб фазилатлари, савобли ишлари билан ҳимоя қиладилар. Бу шарафни осмон қадар кўтаришга ўз хиссаларини қўшадилар.

Бу ниятларимизга асос — Нураддин сартнинг файласуфона фикрлари:

«Бизлар йўкни бор қилган авлодмиз. Урушдан кейинги оғир замонларда яшаш, ўқиш зиммамизга тушди. У пайтлари инсон боласи учун биринчи навбатда ўқиш, қасб эгаллаш эмас, корин тўйғазиши қайғуси турарди. Маълумки, корин қайғусида бўлган бандадан маънавий сифат ўзгаришларини кутиш қийин. Аммо интилишимиз, олий мақсад сари очинтўқин, енгил-юпун ҳолда ҳам олға боришимиз боисдан ўз тақдиримизни ўзимиз яратса олдик. Бунга ота-оналаримизнинг мададлари кўп бора сабабчи ҳам бўлган.

Ҳозирги авлодга ҳавасим келади. Корин қайғуси йўқ, кийим қайғуси йўқ. Замона гуллаб яшнаяпти. Фақат ният юксак бўлса бўлгани».

«ШОНЛИ СУЛОЛА ДАВОМЧИЛАРИМИЗ»

(Камолиддин сарт Исмоилов гурунгидан.)

Рийимбой сарт ўғилларидан Камолиддин билан тенгкур эканмиз. Аммо у хийла босик, хийла мушоҳадали кўринади. Елкасидаги юк — масъул вазифа натижасидир бу.

Мушоҳадали деганимиз — бир ўринда мени танг қолдиргани. Яъни Камолиддин ушбу хотира китоби учун оталари, боболари, амакилари, инилари ҳақида ихчамгина битиклар тайёrlаган экан. Уларни бизнинг иборамиз билан «суратга чизгилар» деб аташ ҳам мумкин. Бу ихчам, кенг маъноли битикларни ўқиб, зътиrozимизни айтдик. Негаки, ҳозирда ҳаёт бўлган амакилари, иниси ҳақида ўтган замондаги «эди» иборасини қўллаган экан. Ҳозирда ҳаёт киши учун ўтган замондаги сифатлашни қўллаш эришрок туюлди. Шуни эслатдик. Камолиддиннинг фикри бошқачароқ чиқди.

«Бу хотира китоби бўлади-я. Уни факат бугун эмас, балки юз, икки юз йил кейинги авлодлар ҳам ўкишади. Тўрими? Шунинг учун ҳам уларга тушунарли бўлсин деб шундай ёздим».

Жўн, аммо асосли фикр.

Камолиддин ёзган битиклардан парчалар:

Исмоил бобо — элда оқсоқоллик қилган, катта хурматга эга бўлган, орасидан гап-сўз қочиб, юз кўришмас даражасига борган оға-инилар орасига тўралик қилиб тушган. Уларни яратирган. Бузилган оиласаларни қайта тиклаган. Ҳар кимга ҳам эл ўз дардини айтавермайди, ишонавермайди.

Рийимбой сарт — Тўрткўлда энг биринчи ҳайдовчилардан. Урушдан сўнг Тўрткўлда факатгина уч нафар ҳайдовчи бўлган дейишади. Машиналар сони ҳам учта бўлган-да. Ана шу уч ҳайдовчининг бириси Рийимбой сарт. Буни нима учун эслатиш керак? Ҳайдовчилик ноёб ва шарафли касб бўлган. Ахир шу даврда туманда ўнлаб раислар ва бошқа

рахбарлар бўлишган-да. Ҳайдовчилар эса саноқли. Демак, қадрли.

Урушдан кейинги қийинчилик йилларида сартлар авлодининг оёққа туриб олишида, уйли-жойли бўлишида, касб-ҳунар эгаллашида жуда катта хизматлари сингтан одам. Эллигинчи йилларда озроқ муддат полвонлик ҳам қилган деб эслашади. Бакувват, кучли одам ўтган-да.

Каримбой сарт — урушдан кейинги даврда сартлар орасида энг саводлиси бўлган. Тартиб-интизомни ёқтирган ва ўта қаттиқўл одам эди. Қариялар энди эслашадики, урушдан сўнгги йилларда колхозларда озми-кўпми ноҳақликлар содир бўлган, айрим раҳбарлар фуқаро мулкига, давлат мулкига кўз олайтира бошлаганлар. Каримбой сарт ана шундай кимсаларга қарши чиққан, курашган. Уларни фош қилган. Тўғри, бирор педагог шу ишларни қилса тушуниш мумкин. Аммо ажабланарлиси шундаки, Каримбой сарт узок йиллар чорва соҳасида ишлаган, чорвачилик фермаси мудири бўлган. Энг оғир соҳада раҳбар бўлган кишининг раҳбарларга қарши борганини шу билан изоҳлаш мумкинки, у табиатан ҳалол одам бўлган. Чунки, бирорни қора дейиш учун аввало ўзинг оқ бўлишинг шарт.

Каримбой сарт ферма мудири пайти чорва сонини кўпайтириш, шу худудга азалдан боқилиб келинган ҳашаки моллар ўрнига наслдор мол зотларни келтириш, кўпайтириш билан ҳам тилга тушган киши.

Унинг ҳалоллиги, бир сўзлиги, саводлигидан катта инилари ҳам кўпинча бирор иш бошлашдан олдин маслаҳатлашшишган.

Куронбой сарт — бу катта отамизни биз шу хизмати билан кўпроқ эслаймиз ва у киши рухи олдида доимо қарздорликни туйиб турдикез. Уруш даврида катта оилани очарчилик, қаҳатчилик ва бошка балолардан асраш, уларни яхши кунларга омон-эсон олиб чиқиши вазифаси шу кишининг бопига тушган.

Куронбой сарт туфайли қадим сартлар сулоласи кўпчилик қавмлар — хонадонлар каби қорин қайғусида ўзга элларга тарқаб кетмаган. Балки, янада жипслашган, катта, машҳур хонадонга айланган.

Нураддин сарт — жуда оғир табиатли, аммо хушфеъл одам бўлиб, оға-инилари уни кўп тарафдан Исмоил сартга ўхшатишади. Айни пайтда ўта сахий одам. Шу фазилатлари туфайли оға-иниларнинг бир-бирига меҳрли, оқибатли бўлишида боғловчи ҳалка вазифасини бажарган. Ўзи шунга риоя қилган ва бошқаларни ҳам ўргатган.

Тўрткўлда сартлар каби садоқатли бўлинглар, ибораси машҳур бўлишида Амат сарт билан иккаласининг хизматлари бекиёс.

Аматжон сарт — ўз даврининг энг онгли, энг бағри кенг ва ишбилармон кишиларидан бўлган. У оға-инилари, амакизодаларининг оёкка туриши, хаётда тўғри йўлни топиб олишида катта роль ўйнаган шахс. Адашганларни йўлга солишдек савобли иш ҳам Аматжон сартнинг ҳаётий принципларидан бирига айланган».

...Камолиддин сифатлашларни амакиларига нисбатан аямай ишлатган. Билгани боисдан буларни айтишга мутлақо ҳақли. Зоро, эшигандан эмас, кўргандан сўра демишлар...

Камолиддин ҳақидаги таъриф-таснифни эса биз келтирамиз.

Сўнгти йигирма йилда Орол денгизи сув сатхининг кескин камайиши билан боғлиқ экологик фожия оқибатлари ҳақида жуда кўп гапирилди. Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини биринчи навбатда шу худуд кишилари ўз тақдирларида синаб кўришмоқда. Сувлар таркиби шўр, тупрок шўрланган. Демак, шўрланган тупрок, меъёрдан ортиқ тузилиги бўлган сувда етиширилган ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотининг ўзиям тиббиёт меъёрий стандартларига жавоб бермайди. Натижада, худудда турли касалликлар тобора ошиб бормоқда.

Ҳатто бунинг салбий натижасини янгитдан дунёга келаётган чақалокларда ҳам кўриш мумкин.

Камолиддин халқ дардни ўз дарди деб қабул қилган ва қиласиган инсон. Унинг шифокорлик касбини танлагани ҳам бежиз эмас. Негаки, сартлар сулоласида унгача олий маълумотли шифокор чикмаганди.

Камолиддин 1978—84-йилларда Тошкент Медицина институтида таҳсил олди. Олийгохни яхши битказди. Энди ўз туғилган юртига қайтиши, касбига садоқат билан иш бошлиши, bemорлар хизматига ҳар доим шай туриши мумкин эди. Аммо Камолиддин аввало олийгохдаги илмий тажрибалари ни янада мустаҳкамлашга қарор қилди. Олийгоҳда жарроҳликдан талабаларга сабоқ бериш билан бир қаторда илмий изланишларини ҳам давом қилдиди. Унинг номзодлик иши мавзуси Оролбўйи аҳолисини қийнаётган долзарб ҳолатлардан эди. Ҳавонинг булганиши, сувнинг шўрлиги ўз навбатида инсон организмида ҳам салбий излар қолдиради. Сўнгги йилларда шу худуддаги одамларнинг ўт йўлларида, буйрагида тош пайдо бўлиши каби хасталиклар тобора кўпроқ учрай бошлаганди. Бу дардга дучор бўлганларни даволаш, уларни мукаррар оғрикли хасталиқдан ҳолос қилишнинг эса бир неча йўллари бор. Аввалида пайдо бўлаётган тошларни турли муолажалар билан тушириш мумкин. Аммо ҳамма ҳолатларда ҳам бу муолажа самарали бўлавермайди. Кўпинча бу хасталикни фақат жарроҳлик йўли билан даф қилиш мумкин.

Камолиддин Исмоиловнинг номзодлик иши мавзуси айнан шу ҳақда. Ўт йўлларини жарроҳлик йўли билан даволаш тўғрисида. Тармоқда сифат ўзгаришларини яратган бу илмий иш натижаларини ҳозирда ҳам нафақат шу худудда, балки бутун республикамиизда жарроҳлар амалиётда қўллашаётгани бежиз эмас.

Илмий ишини муваффақиятли ёқлагач, у энди ўз изланишларини амалиётда қўллашп ниятида ту-

филган юртига қайтди. Туман марказий касалхонасида ишлади. Бир неча йил туман марказий шифохонаси бош врачи ўринбосари бўлди. Мана ўн йилки фан номзоди Камолиддин Исмоилов туман марказий шифохонаси бош врачи вазифасида ишлаб келмоқда.

Тўрткўл Қорақалпоғистон Республикасидаги энг йирик туманлардан. Эл кишилари оқил, ишсевар, тадбиркор. Бошқа соҳалар каби бу ерда тиббиёт тармоғи бутун ҳудудда энг намунашор тизимга айланган. Истиқлол йилларида туманинг барча чекка қишлоқларида ҳам тиббиёт масканлари ишга туширилди, тармоқ малакали кадрлар билан мустахкамланди, энг замонавий русмдаги тиббиёт ускуналари ўрнатилди.

Ана шу ишларда ўз соҳасининг тажрибали устаси Камолиддин Исмоиловнинг камтарона хизматлари кўп.

Яна бир гап. Камолиддин от шайдоси. Хатто ҳалқаро мусобақаларда иштирок этган.

Оиласи хақида сўз очилганда Камолиддин камтарлик қиласи. Қисқагина ахборот бериб ўтади, холос.

— Аёлимиз Дилоромхон билан ҳамкасбмиз. Катта ўғлимиз Темурбек Ички Ишлар академиясини битказди. Ҳозир шу тармоқда ишляпти. Келинимизнинг исми Саидахон.

Кизимиз Мунирахон ва куёвимиз Фуломбойлар ҳам эл-юрт хизматидаги кишилар.

Кичик фарзандларимиз Бобур ва Рийимбойлар ҳали мактабда ўқишяпти. Дарвоҷе, кичик фарзандимизга отамнинг исмларини қўйганман. Шу кишига ўхшаб эл-юртда обрў-эътиборли бўлсин деб ният қилганмиз...

... Камолиддин ўз оиласи ҳақида эмас, сулоланинг кекса авлодлари, кўп қадим боболари ҳақида гапиришни ёқтиради. Уларнинг ибратли умрлари-

дан ибрат олишга, шулар асосида фарзандларини тарбиялашга интилади.

Унинг яна бир мулоҳазаси ибратли.

— Айрим одамлар бор лақабини — қавмини исмига қўшиб айтса ёктирумайди. Ундейларга «Фалончи Фалончиев», дейиш ёқади. Ўзагингдан узилиб қайга борасан — бизга ўз сулоламиз — қавмимиз атамаси, гарчи бу лақабга ўхшасин, бошқача мазмунда бўлсин маъкул. Биз шу бир иборани эшитганда фахр туямиз. Негаки, бутун ҳудудда ўз ҳалол меҳнати, ибратли хаёт йўли билан ном қолдирган шонли аждодларимиз бор. Истиқлолдан сўнг мулкчиликнинг янгича шаклига ўтиб иш бошлаганимизда — ҳудуддаги эски колхозлар тугатилиб, ўрнида фермер хўжаликлари ташкил қилинганида оға-иниларимиздан бир нечтаси қадим ота-боболаримиз киндик қони тўкилган манзилларда фермер хўжаликлари ташкил қилдик. Фермер хўжаликларига ном танлашда ҳам фикримиз бир ердан чиқди. Қайси-дир ота-бобомиз исмими фермер хўжалигига бердик ва албатта бунда уларнинг лақабини — «сарт» иборасини унутмадик.

Мен ва менинг фарзандларим қадим сулоламиз — сартлар авлодидан эканлигимиз билан фахрланамиз.

«СЎНГТИ МОГИКАН»

Бу атама бизга ғарбдан кириб келган, яъниким бирор машхур шажаранинг энт кекса авлоди — хаёт бўлган вакилига нисбатан ишлатиладиган сифатлаш. Биздаям яқинларгача ушбу атамага уйқаш ўхшатишлар бўларди — давраларда бирор кекса ҳакида гап кетса — уни мақташса «Уми, хон кўрган одам», деб қўйишарди.

Бугун биз бу атамани — Шарифбой бувага нисбатан кўлладик. Шажаранинг бизга таниш асосчиси

Латиф сартнинг невараси Исмоил сартнинг ҳозирда ҳаёт бўлган ўғилларидан ягона — шажаранинг энг кекса вакили Шарифбой сарт ҳисобланади.

Шарифбой бува саксондан ҳатлаган. Ҳамон тетик. Энди қаричилик — қулоги озрок оғир демаса.

Яна сифатлашни асослайдиган ҳолат — Шарифбой бува оталари ўтган аср бошларида макон тутган жойда — отамулкда яшаяпти. Давр такозаси — касб-хунар зарурияти ҳамда посёлкалаштириш каби сабаблардан бу шажара вакиллари аллақачон қишлоқнинггина эмас, элнинг турли бурчакларига кўчиб макон тутишган. Бирлари шу қишлоқнинг турли элатлари ҳудудларида яшаётган бўлишса, кўпчилиги Тўрткўлда ва Нукусда кўним топишган.

Шарифбой бувага теккани шу ер — ҳамон хутор кўринишида бўлган мўъжазгина маскан. Эски иморат ўрнида янгитдан қурилган турар жой. Иморт олдида кўкка бўй чўзиб тераклар кад ростлашган. Қадим гужумларнинг қурт емирган қолдиклари ҳам бор. Ишқилиб, қадим ўзбекнинг бундан кўпи билан ярим аср илгари яшаш тарзининг шу бугунга қадар ўзгаришсиз сақланиб келган бир кўриниши.

Шарифбой бува, аввалида бир бор эслатиб эдик, ёши туфайли урушга бормаган. Аммо ФЗУ деганини кўрган.

Муштдек бошидан колхозда ишлади, уруш даврининг барча азобларини кўрди. Икки иниси урушга кетган пайтда ишлаб топган арзимас ақчаси билан катта рўзгор қозонига улуш қўшди — юртни қўпган очарчилик, ўлат, оффатларни кўрди. Отаси катида туриб қазувга борди — катта акаси Куронбой ака билан бригадада ёнма-ён ишлади.

Яна бир акаси Рийимбой ака ҳайдовчилик қилган бўлса, Шарифбой бува зиммасига тракторчилик тушди. Узок йиллар колхознинг номдор тракторчиси бўлди, бир муддат механиклик ҳам қилди. Механиклик деганимиз мазмуни шу — урушдан сўнгти йилларда хали колхозларда бирор соҳа бўйи-

ча мутахассислар йўқ эди. Билган-кўрганни ишга кўйишарди. Трактор ҳайдаб, беш-ён йил ишлаган, техниканинг бузук-тузигини тушунадиган одам бўлса механиклика тайинлашарди. Трактор дегани эса суюги котган ўсмир ҳам ҳайдаб кетаверарди.

Кейинчалик бу соҳа бўйича бир-икки ёш ўқиб келишгач, Шарифбой ака ҳам механикликини ташлаб, яна ўргангани — трактор рулини бошқариб кетаверган.

1948 йилда Шарифбой бува оила қуради — шу ерлик Абул малай деганинг Дурхоним исмли қизига уйланади.

Бу оила тотув эди, эр-хотиннинг ахиллигига ҳавас килиш мумкин. Аммо такдир бу оиласа фарзанд ёзмаган экан...

Шарифбой ака Рийимбой аканинг қизи Ойшани асрари. Ўз түкканидек оқ тараб, оқ кийгиҳи. Ўстиди, ўқитди. Вакт келиб, Ойшажон турмушга чиқди. Энди қарияларнинг ҳолидан хабар олиб туриш учун яқин инилари тағин унинг фарзандсизлигини билдирамасликка интилишди — амакиваччаси Ёқуббой Асматуллаевнинг ўғли Баҳром бу оиласа ўз фарзандидек бўлди.

Бугун Шарифбой бува Баҳромнинг фарзандлари га хурматли бобо бўлиб умргузаронлик қилаяпти.

Икки йил муқаддам Дурхоним момо бандаликни бажо келтирди. Ўшанда эллик олти йил бир ёстиқка бош қўйган аёли — шунча йил иссиқ-совуғига қараган, бирор марта юэзига тик боқмаган, ўрталарида фарзанд бўлмаса-да, меҳр-муҳаббат бўлган, кўз очиб кўргани Дурхоним момо майити устида Шарифбой бува кўз ёши тўкканини кўриб, кўпчилик кўз ёшларини тия олмаган.

Шарифбой сарт бува билан кўп суҳбатлашдик. Кулори оғирлигидан овозимизни сал кўтаришга мажбур бўлдик. Акасининг катта ўғли Нураддин ака ҳамроҳимиз эди — амакисини кора тортиб, бирга

боргандик — шу сұхбатда ўрни келганда тилмочлик қилди. Буванинг хотиридан күтарилғанларни эслатиб ўтирди, айрим ўринларда ҳамроҳимиз ҳам аждодлари ҳақида озми-кўпми гапларни билиб олди.

Ушбу улкан шажаранинг сўнгги бир асрлик томир-палакларини тўла ҳолида тиклашда Шарифбой бува кўп аскотди. Шунинг учун ҳам биз бу табаррук зотга қиёсан юқоридаги дунёда машҳур сифатлашни ишлатдик ва китоб тартиб қилишдаги бекиёс ёрдамлари учун олдиндан миннатдорлитимизни билдиридик.

БИР ЭВАРА ГУРУНГИ

... Исо пайғамбар мавлудининг икки минг олтинчи йили — вафодор мучали кирган пайт — айни баҳорда Латиф сарт буванинг эвараси — ўзимизча айтганда ёвлуги ҳисобланмиш Сотимбой сарт бувани йўқлаб бордик. Сотимбой бува салкам саксонларга борган. Ҳамон тетиклар. Гурунглари қизиқарли. Тўғри, баъзида қайсиdir санани эслаганда озрок адашади. Ҳамроҳларимиз — машҳур шажара давомчилари — аллақачон Латиф сартнинг ётликларига айланиб улгуришган Нураддин ва Аҳмаджон акалар билганларини кўшиб, гурунгни қизишиб ўтирадилар.

Биз Сотимбой бувадан шажаранинг тўлик рўйхатини тиклаш ниятида қўлимиизда қофоз-қалам шай бўлиб ўтирамиз. Аммо Сотимбой буванинг бу кўпдан-кўп аждодларини борича санаб беришга курби ет-маслиги билиниб қолади. Ҳали гап Латиф сартнинг қайсиdir неварасидан дунёга келган қайсиdir фарзанди исми-шарифи ҳақида кетгандаёқ барчаси ойдинлашади. Бир қизлари ҳам бўларди. Ҳонқага тушганми? Исми эсимда йўқ, дейди Сотимбой бува.

Ҳафсаламиз шу ерда ниҳоялайди. Шунда Сотимбой бува билағонлик қиласы. Йўқ, амакиваччаси Нураддин ака: «Ака, сиз яхши Латиф бувамиздан тортиб ўзингизгача бўлганларни санаб бера қолинг», дейди.

— Шуни айтинглар, — деб Сотимбой бувага тил битади ва менга ёз дегандек ишора қилиб, эринмасдан санай бошлайди. «Демак, Латиф сарт бувамиздан тутсак. У кишининг олти фарзандлари бўлган. Бешови ўғил. Иккинчи ўғли Раматулло бобомиз. Сайдмамат бобо Раматулло бобомнинг катта ўғли бўлган бўлиши керак. Сайдмаматдан, яъни менинг отамдан тўрт фарзанд дунёга келган. Энг каттамиз қиз — Моможон опам. Кейинги қиз — Дурхоним опам. Сўнгра мен туғилганман. Ха, Тохир акамларни айтмабман. Каттамиз эди. Урушга кетди ва кайтмади. Бир хат келувди бедарак йўколди, деб.

Моможон опамнинг ўғли Олимбой.

Дурхоним опамиздан фарзандлар кўп. Болтабика, Ражаббой, Мақсуд, Раъно, Отахон, Маҳмуд.

Энди бу жиянларимиз тақдир пешанасига ризкнасибасини териш буюрилган ерда яшаб, ишлаб, бола-чакасини боқиб юрибдилар.

Сотимбой бува амакиларидан уч нафари ва уларнинг фарзандларини номма-ном санашда ҳам адашади. Ҳамроҳларимнинг тўғрилаши-эслатишларидан сўнг бош чайқаб кўяди: «Энди қаридик. Ёшлиқдаги ёдкашлик йўқ. Бўлмаса, шу амакизодаларимнинг барчаси билан бола вактимизда бирга ўсганмиз — қўй бокқанмиз, оғир юмушларни қилганмиз. Кишлопқа илк бора кино дегани келганида кизиқиб борганмиз. Овози йўқ, аммо бирор экранда бўладиган воқеаларни айтиб турганида, катта матодаги ажибужи одамлар тез-тез юриб, тез гапиришиб хаттихаракат қилишганида оғзимизни очиб, ҳайратда лол

колганмиз. У вактлари кўпроқ кулгили кино келтиришарди. Экрандаги одам тез югуриб бораётганда ёки отда чопаётганда ўмбалоқ ошиб йиқилганида қотиб-қотиб кулганмиз. Кейин кўп вактгача шу экрандаги одамлар хатти-ҳаракатини айтиб, кулиб юрганмиз. Бола эмасмизми, ўзимиз ҳам шундай ҳаракат қиласмиш, деб йиқилганимиз қанча, кўйлак-иштонимизни йиртганимиз қанча. Одамнинг болалик даври ажаб турлик бўлади-да».

Оралиқда Сотимбой буванинг фарзандлари билан ҳам қизиқамиш. Бува фахр туяди — машхур шажарани давом қилдираётгани — атрофида сонсаноқсиз невара-эваралар бўй тортаётгани кўнглини тўлдиради.

«Шу златлик Олия момога уйландик. Менини эмас, Худоники — саккиз нафар фарзандимиз бўлди. Тўнғичимиизга Комилжон деб исм кўйиб эдик. Кейингиларига эса Худойберган, Оллоберган, Энажон, Улурбек, Гавҳар, Гулчехра, Умрбек деган исмларни кўйдик. Худога шукур, барча фарзандларни элга қўшдик — уйли-жойли қилдик. Энди ўзларидан кўпайиб қолишиди. Невараларнинг исмларини адаштириб юраман. Худо умрларини берган бўлсин. Исмлари ўзи билан карисин».

Чамамда Сотимбой бува кейинги гапни неваралар исмини сўраб қолишимиздан хавфсираб айтди. Негаки, неваралар кўп. Исмлари ҳам турлича. Хозирги ёшларга кўп антиқа исмлар кўйишаётпти. Бир вактлардаги исм тақаш одатларимиз ўзгарган.

Кўнглимиздагини сеэдиларми, бува айнан сухбатни шу йўсинга бурдилар:

«Қизик замонлар эди. Янги туғилган болага исм кўйишиларимизни айтаман. Рўза ойларида туғилган болаларга Рўэммат, Рўзибой, Рўзмамат деб от кўйи-

шарди. Қизларга эса Рўзигул, Рўзибика каби. Икки хайит кунларида туғилган болалар эса, албатта Ҳайитбой, Ҳайитгул, Ҳайитбика исмига сазовор бўларди. Айтайлик, ота бўлмиш рўзюор керак-кетиги деб бозорга кетган. Бу ёқда ҳомиладор аёли у келгунича ҳомиласидан бўшанганд бўлса, исми ҳам дарров тайёр. Бозорбой ёки Бозоргул бўларди. Жума на мози куни дунёга келганларга Жумабой, Жумагул, Жумагалди исми бериларди. Танасида мошдек ортиғи бўлса ё Ортиқбой бўларди, ё Ортиқпоишша. Хол билан туғилганларга ҳам исмлар тап-тайёр эди. Ҳозиргиларники бошка — хали фарзанд туғилмасдан антиқа исмларни танлаб ўтиришади. Бу ёқда ўзбекча исмларнинг китоби ҳам чиқкан. Шунга қараб янгиларини танлашади. Яна харакат қилишадики, қўйилган от бошқача бўлсин, шу элатда бундай исм олдин ҳеч кимга қўйилмаган бўлсин. Замонлар ҳам, одамлар ҳам ўзгариб кетишган...»

Кейин Сотимбой бува узоқ йиллик хўжаликдаги иш фаолияти — у киши ҳайдовчи бўлиб ишлаган даврга сухбат мавзесини буради:

Сотимбой бува машина рулида кеча-кундуз тинмасдан бутун минтақада бормаган жойи қолмаган даврларни бир хўрсаниш билан эслайди. Бу умри меҳнатда ўтган, юрт кезган барча кексаларга теккан одат.

Мусулмончилик шу-да, қанча қистаманг, савол берманг оила ҳакида, фарзандлар тўғрисида, турмушнинг бошка муносабатлари борасида кексалардан гап олиш қийин. Ишини сўрасангиз, жўра-ёронини суриштирсангиз дарҳол гап халталари очилади-қолади...

... Биз Латиф сарт буванинг бир эвараси ҳакида ихчамгина шу сўзларни битиш билан чегараланамиз. Чунки, ҳар бир эварасига — ҳар бир ёвлик-ётлигига сўз берсак, ақалли таржимаи ҳолини келтирамиз десак режадан чиқиб кетишга тўғри келади.

ГУЖУМНИНГ МИНГ БИР ШОХИ

Инсоният дунёга келибдики, у туғилган-яшаган ва яшаётган манзил ВАТАН аталаркан, бу ватаннинг бошқаларга ўхшамаган, бошқалардан фарки-бетакрорлигини билдириб турадиган ўзига хос рамзлари пайдо бўлади. Бу рамз-тимсолларни инсонларнинг ўзлари яратадилар. Табиат бу бунёдкорликда ҳамкорлик қиласиди.

Минг-минг йилларки ёруғ оламда турган Қуий Амударё минтақаси деб жуғрофик атамага эга бўлган худуднинг ҳам ана шундай рамзлари бор. Тирикчилик манбаи қишлоқ ҳўжалиги — дехқончиликда бу рамзни биз оқ жўхори тимсолида кўрамиз. Ёки таърифи етти иқлим ошган ширин-шакар ковунлар, олма-узумларда кўрамиз. Янаки, мисли олтиндек товланиб тургувчи коракўл — сур териларда кўрамиз.

Гужум — воҳанинг абадий рамзларидан бирисига айланган. Таажжубки гўзал ва баҳайбат бу дарахт бошқа бирор иқлимда — юртда бу қадар ўсмайди.

Гужум — кўп йиллик ўсимлик. Қадимда бу дарахт, ҳатто беш юз ва баъзида минг йил яшаган дейишади. Воҳа аҳлининг атиги бир аср муқаддам асосий бош кийими — телпак-чўгирмасини эслатувчи айланадор гужумнинг шохлари — бутокларини санаб адогига етиш қийин. Яна айтадиларки, гужумнинг айлана шохлари бир асрда ерга келиб тегаркан.

Шундай одат бўлганки, деярли ҳар бир хона-дон иморатининг орка томонида каттами-кичик ҳовуз бўлган. Ҳовуз тепасида эса қадим гужумлар кўкка бўй чўэшиб туришган. Гужум остидаги, ҳовуз бўйидаги супага қуёшнинг ақалли бир чимдим нури тушмаган.

Кариялар янги оила қураётган ёшларга дуога кўл очиб, ният қиласканлар «Гужумдек соя беринг», деб. Жуда содда ният. Яъниким бир чим-

дим нур туширмаган гужум бўлиш учун демак юзлаб, минглаб шохларга эга бўлиш керак. Бу шохлар — оиланинг фарзандлари, улардан дўнадиган неваралари, эваралари... бутоқлари эса вақт келиб етишадиган ёвлуклари, ётликлари.

Бир оила тарихи ҳақидаги ушбу китобни тартибга келтириш жараёнида атиги бир аср илгари бу ёруғ дунёдан кечган Латиф сарт буванинг шажарасини — бугунги авлодларини тартиб билан тўлик камраб олишга интилдик. Аввалида бу осонгина иш бўлиб кўринди. Бу шажаранинг шонли вакили Каримбой ўғли Равшонбек қўлида сақланаётган икки дона ўқувчилар дафтарида ана шу авлодлар бир қадар тартибга келтирилган холда сақланаётган экан. Ана энди ишимиз осонгина кўчади, деб фахмладик ва кувондик ҳам. Яъни дарҳол ёзишга киришдик.

Латиф сарт бува, Абдулла, Раматулло, Ибодулла, Файзулло, Бобожон ва Авазжон исмли етти фарзанд кўрган.

Энди ана шу фарзандлардан дунёга келган фарзандлар — невараларни ҳам тартиб билан келтириб ўтамиз.

Абдулла сарт бува етти фарзанд кўрганлар:

Асматулло, Иброҳим, Нолмомо, Исмоил, Сафо, Ҳасан, Ҳусан.

Ҳусанбай чақалоқлигига вафот этган. Колган олти фарзандлардан эса эвара-човликлар ўз навбатида дунёга келишган. Шу ўринда бу шажара авлодларида эгизак фарзандлар кўпчиликни ташкил қилгани ва қилаётганини ҳам қайд қилиб кетиш керак. Раматулло сарт буванинг фарзандлари:

Сайдмамат, Нурмамат, Тохир, Ҳасан, Ҳусан, Курбонбика, Сора.

Ибодулла сарт буванинг фарзандлари:
Қозоқ, Собир, Қобил, Тожибой, Норжон.

Файзулло сарт буванинг фарзандлари:
Ниёзмат, Отажон, Ражаббой, Рўзмамат, Саодат,
Сора.

Бобоҷон сарт буванинг фарзандлари:
Чинни, Нуржон, Шарофбой.

Шу шажаранинг бир бутоги бўлган Авазмомо
фарзандлари:

Қуронбой, Олимбой, Кишjon, Олия, Солия,
Ўғилжон, Онажон. Латиф сарт буванинг олти фар-
зандидан 36 нафар невара дунёга келган. Таассуб-
ки, ҳозирда бу невараларнинг ҳеч бириси ҳаёт эмас.
Бу табаррук инсонлар ризқ-насибасини териб, Оллоҳ
таоло инъом этган умрини яшаб, аллакачон бу дунё-
дан кетишган. Барчасининг руҳлари шод бўлсин.

Яна таққослашга — рамзга қайтамиз. Абдулла
сарт ва Латиф сартлар мисли қачонлардир аждод-
лари ёруғ дунёда ўтқазиб кетган ниҳол эдилар. Бу
ниҳолни биз гужум атадик. Бу гужумнинг илдизла-
ри қайда эди. У шубҳасизки, Одам Отамиз ва Момо
Ҳаввомиздан бошланганди. Кейинчалик томирлар
чатишиб-бирикиб кетаверди. Қай замонларда улар-
га арабий, қай замонларда форсий илдизлар бақам-
ти келди. Энди биз аслиятни билолмай фақат тах-
минларга суюнамиз. Илдизни қўнғиротми, ўғузми,
қалмиқми... деймиз.

Вакт келиб, бу кўкка бўй чўзиб, она заминга ўта
мустаҳкам томир ёзган шажара — ниҳолда тавин
ўттиз беш шохча пайдо бўлди. Ўсиб чиқди — гур-
кираб ўсади. Шохчалар мустаҳкам, чайир шохларга
айланди. Негаки, ўз навбатида улардан хам шохча-
лар пайдо бўлишганди.

Ўша навбатдаги шохлар — шажара давомчила-
ри номларини бирин-кетин келтирамиз.

Абдулла сарт буванинг тўнғич ўғли Асматулла

икки марта уйланган экан. Катта хотини Ойша момодан кўрган фарзандлари:

Хасан, Хусан, Шукуржон, Ўғилжон, Онажон, Иброҳим, Абдулла, Шарифа, Саъдулла, Раҳима, Бибижон.

Кичик хотини Жума момодан тугилган фарзандлари:

Султонбой, Бибижон, Ортиқбой, Олимбой, Мўминбой, Гулжон.

Ў-хў дерсиз. Биргина томир — Асматулла бободан ўн етти фарзанд дунёга келган-а?!

Нолмомо фарзандлари:

Авазмат, Бобожон, Зулайҳо, Ёкут.

Исмоил сарт бува фарзандлари:

Куронбой, Рийимбой, Хонимжон, Каримбой, Собиржон, Шарифбой, Моможон.

Хасанбой сартнинг авлодлари:

Сотимбой, Тўхта, Кодир, Раззок.

Сафо сарт буванинг фарзандлари:

Сўна, Ўринбой, Йўлдош, Қўчкор.

Абдулла сарт буванинг ҳам ўттиз беш нафар невараси бўлган. Бир шоҳ вакт келиб етти шоҳга, етти шоҳ эса яна тагин ўттиз бош шоҳга айланади. Бу ёқда эса ҳали яна беш нафар фарзандлар, улардан дунёга келадиган неваралар навбатини кутиб турибди.

Ўзбекнинг болажонлиги — шажарасининг нақадар кўплиги, сершохлиги, сербутоклигини шу билан тасаввур қиласкеринг. Биз қиёсан гужум атаган бир авлод тарихи — шажараси буни исботлаб турибди.

Бу шажарада, умуман ўзбекларда қадимдан анъана бўлган бир яхши одатни ҳам айтиб кетиш ўринли. Одатда, қавмларимиз ўз фарзандларига ва невараларига дунёдан ўтган отаси ва онаси исмини

қўйишади. Яъниким, ота-онам ёки бувам-момомнинг исми ерда қолиб кетмасин, деган максадда.

Латиф сарт тўнгич ўғлига дунёдан ўтган отаси — Абдулла сарт буванинг исмини қўйганди. Вакти келиб, Асматулла сарт бува бир ўғлини дунёдан ўтган отаси исми билан — Абдулла деб атайди. Шу тахлит бу шажарада бир-бирига эгизак исмлар кўпайиб бораверади.

Яна бир ҳолатни эслатиб кетиш ўринли. Маълумки, яқин қариндошлар фарзандларига бир хилда исм қўйишмайди. Аммо эгизак фарзандлар дунёга келганида бу одат бузилади. Оилада икки ўғил бирданига дунёга келдими, демак, уларнинг исмлари Ҳасан ва Ҳусан бўлишлари шарт. Пайғамбаримизнинг эгизак неваралари — Имом Ҳасан ва Имом Ҳусан шарафига.

Шундай экан ака-укалар Абдулла ва Раматуллоларда бир вақтнинг ўзида Ҳасан ва Ҳусан исмли эгизаклари бўлганига ажабланмаслик керак.

... Ўзбекнинг қадим бир сулоласининг сўнгги бир ярим асрлик даврдаги униб-ўсиши, ўзидан кўпайишини тасаввур қила олмас эканмиз. Ҳатто бунинг ҳисоб-китоби ҳам бирортамизни қизиқтирган экан. Гап очилса: «Ха, фалончининг авлодларими, бирор юз чоғлик бордир», деб билағонлик қилганимиз ортиқча.

Ушбу сулола тарихини ёзишга ўтган йили куз охирида киришилганди. Ўшанда авлодларнинг кексалари билан учрашиб, бир қатор маълумотлар олишга улгурганман. Аммо бу сулола — Латиф сартнинг ҳозирги кундаги барча авлодлари ҳақида тўлик маълумот берадиган одам топилмаган. Ҳисоб-китобда чалкашликлар кўпая борган.

Бу орада бутун қиши ўтди. Ҳаво совук келиб,

дарё музлади. Дарёниг омонат кўпригидан ўтиш кийин бўлиб қолди. Изланишларимизни баҳор бошламасига қадар кечиктириб туришимизга тўғри келди.

Ва яна изланиш, ҳисоб-китоблар бошланди. Нијатимиз Латиф сарт буванинг барча авлодларини номма-ном қайд қилиш эди. Сабабким, кейинчалик бу авлод вакиллари: «Биз ҳам Латиф сартнинг авлодиданмиз, нима бизни унутишганми?» деб ўпкалашиб, шу хайрли иш бошида турган биродарларидан хафа бўлиб юрмасин деган максадда.

Биз ўн тўққизинчи аср ниҳоясида вафот этган Латиф сарт бувадан саккиз нафар фарзанд дунёга келганини яна бир қайта эслатамиз. Ана шу саккиз нафар фарзанддан ўттиз беш невара туғилган.

Энди Латиф сарт буванинг тўнғич ўғли Абдулла сарт бува авлодларини ҳисоб-китоб қилишга киришамиз. Абдулла сарт бува етти нафар фарзанд кўрган. У кишининг етти фарзандидан ўттиз етти невара ўз навбатида дунёга келган. Ана шу ўттиз етти нафар неварасидан икки юз қирқ нафар эвара туғилган. Улардан туғилган фарзандлар — шеввамиизда ётлиқ ёки ёвлук деб атайдиганларимиз қанча?

Яна бир мисол — Абдулла сарт буванинг невараси ҳисобланмис Куронбой сартнинг бугунда икки юз нафардан зиёд неваралари бор.

Тасаввур қилаяпсизми? Йўқми? Унда жуда мухтасар тарзда Абдулла буванинг ўттиз етти неварасининг ҳар бирисида юздан ошиқ невара бор, деб тасаввур қилинг (Майли Куронбой сартнинг икки юздан ошиқ невараси шажарада мутлақ кўпчилик деб олайлик). Шундаям оддий ҳисоб-китобга кўра Абдулла сартнинг авлодлари сони ҳозирда бирор уч мингдан ошади. У ёқда эса Абдулла сартнинг яна етти оға-иниси авлодлари турибди. Демак, ўша еттини ўртача икки-уч мингга кўпайтирганимизда... Ў-хў бугун сартларнинг сони энг ками билан бирор

ўн-ўн беш мингта етаркан. Бутун бир йирик кишилөқ ахолиси деган гап бу.

Бугун Латиф сарт ёвлиқларининг бир-бирларини танимасликлари сабаби ана шу. Яна олимлар илмий хулосаларига кўра бир инсон мияси кўпи билан минг кишининг исми-шарифини билар, шу миқдор одамни таниши мумкин экан.

Биз ортиқча фалсафа келтириб ўтирумаймиз. Сартларнинг айтилмаган, эслатилмаган, биз аниқлашимиз (биз эмас — амакизодалари аниқлай олмаган) кийин кечган авлодларидан узримизни сўраймиз. Бошқа чорамиз йўқ.

Ушбу шажарани имкон қадар тиклашда бундан кирқ йил олдин Каримбой сарт ёзиб қолдирган маълумотлар хийла аскотди. Каримбой сарт ўкувчиларнинг ўн икки вараклик дафтарига ўз шажарасини билганича қайд қилган ва бу дафтарни «Отам авлоди» деб номлаган экан. Каримбой сартнинг ўғли Равшонбек бизга ана шу дафтарни илинаркан: «Отам ёзиб қолдирган аждодларимиз рўйхатини тўлиқ келтириб ўтинг. Тўғриси, ундаги айрим исмлардаги инсонлар кимлигини биз хам унчалик билмаймиз», деб афсусланди.

Юкорида биз Латиф сартнинг неваралари рўйхатини ана шу дафтардан кўчириб олиб, эътиборингизга ҳавола қилгандик. Энди эса «Отам авлоди» аталмиш дафтардаги бошқа исм-шарифларни хам ўз холича келтириб ўтамиз.

Асматулла бободан:

Шукур кизи, Ўғилжон кизи, Анажон кизи, Иброҳимбой ўғли, Шарифа кизи, Абдулла ўғли, Саъдулла ўғли, Бибижон кизи, Раҳима кизи.

Кичкина хотинидан:

Султонбой ўғли, Ортиқбой ўғли, Гулжон қизи,
Аминбай ўғли, Мұмін ўғли.

Ұғилжондан:

Сұна қизи, Зулайхо қизи.

Султон бобо – Онажондан:

Хожар қизи, Сора қизи, Ровия қизи, Амина
қизи, Ҳожи ўғли.

Аваэммат – Шарифадан:

Лали қизи, Санам қизи, Биби қизи, Зулайхо
қизи, Қосимбой ўғли, Ёкуббой ўғли, Юсуфбой.

Султонбибидан:

Юсуфбой ўғли, Ёкуббой ўғли, Озод ўғли, Рўзи-
гул қизи.

Гулжондан:

Ражаббой ўғли, Шарифбой ўғли, Бибижон қизи.

Нол момодан:

Зулайхо қизи, Ёқутжон қизи, Аваэммат ўғли, Бо-
божон ўғли, Ұғилжон қизи, Латиф ўғли.

Зулайходан:

Ражаббой ўғли, Ёқутжон қизи.

Бобожондан:

Сұна қизи, Оллоберган ўғли, Ойшажон қизи.

Ұғилжондан:

Жумагул қизи, Ҳалима қизи, Тўхтажон қизи.

Сафо бободан:

Ўринбой ўғли, Сұна қизи, Жуманиёз ўғли,
Йўлдош ўғли, Қўчкор ўғли.

Ҳасанбайдан:

Сотимбой ўғли, Қодир ўғли, Раззоқ ўғли, бола-
лар уйида бир қизи бор.

Рахматулло бободан:

Қурбонмомо қизи, Сайдмамат ўғли, Нурмамат
ўғли, Тоҳир ўғли, Ҳасан ўғли, Ҳусан ўғли, Сора
қизи.

Курбондан:

Ойимжон қизи.

Сайдмаматдан:

Сотимбой ўғли, Дурхоним қизи, Ўғилжон қизи —
Хожида, Ниёзжон қизи.

Нурмаматдан:

Ражаббой ўғли, Гулжон қизи, Ҳакимбой ўғли,
Каримбой ўғли, бир қизи Ҳонқада.

Хусандан:

Юсуфбой ўғли, Аматжон ўғли, яна икки қизи.

Сорадан:

Сотимбой ўғли, Раҳимбой ўғли, Қуронбой ўғли.

Ибодулла бободан:

Қозоқ ўғли, Собир ўғли, Қобил ўғли, Тожибой
ўғли, Норжон қизи.

Қозоқдан:

Дурхоним қизи, Оллоберган ўғли, Ўғилжон...,
Сотимбой..., Ҳакимбой...

Собирдан:

Бекчон ўғли, Онажон қизи.

Норжондан:

Дурхоним қизи.

Файзулло бободан:

Ниёзмат ўғли, Отажон ўғли, Саодат қизи, Сора
қизи, Рӯзмамат ўғли, Ражаббой ўғли.

Ниёзматдан:

Ашир ўғли.

Отажондан:

Султонбой ўғли, Салима қизи, Санам қизи, Жа-
мила қизи, Шарифа қизи.

Ражабдан:

Сўнгти хотинидан икки боласи бор.

Бобоҷон бободан:

Чинни қизи, Нуржон қизи, Шарифбой ўғли.

Аваэмомодан:

Курбонбой ўғли, Олимбой ўғли, Ўғилжон қизи,
Олия қизи, Солия қизи ва яна бир қиз бор.

Курбонбайдан:

Бобобобо ўғли, Зулайҳо қизи.

Олимбайдан:

Эгамберди ўғли, Каримбой ўғли, Айтбой ўғли,
Шарифбой ўғли, Сўна қизи.

Иккинчи хотинидан:

Амина қизи, Жуманиёз ўғли, Рўзмамат ўғли,
Ниёзмат ўғли.

Қизи — Олим ошокда.

Ўғилжондан:

Шамсиддин эшонлардан:

Ровия қизи, Шукуржон қизи, Жамол дойи —
эшон, Розия қизи, Ҳалима қизи, Малика қизи.

Кишдан:

Қуронбой ўғли, қизи Шамсиддин дойига туш-
ган.

Олиядан:

Қуронбой ўғли, Зулайҳо қизи.

Солиядан:

Ҳасанбой ўғли.

Абдулла бобомнинг хотинлари Гавҳар момо. Гав-
ҳар момонинг опаси Жамшод.

Жамшод момодан:

Бекчон ўғли, Матчон ўғли, Ойша қизи, Нолмо-
мо қизи.

Ниёз ...

Бекчондан:

Эриммат ўғли, Зулайҳо қизи, яна бир қизи гунг-
рок.

Матчондан:

Айтбой ўғли — дойимиз, Шарифа қизи.

Нолмомодан:

Шарифбой ўғли, Ражаббой ўғли.

Ниёздан:

Зулайҳо қизи, Моможон қизи.

Эриммат дойидан:

Хожибой ўғли.

«Отам авлоди» деб ном кўйилган дафтарда қайд
қилинган исмлар шулардан иборат. Бундан кирк
йил олдин Каримбой сарт озрок бўш вақт топиб,

авлодларимиз бизнинг аждодимиз кимлиги, қандай боболаримиз, момоларимиз ўтишган, улар кимлар, бугун улардан кимлар қолган билмай юришмасин, деган мақсадда ушбуларни эринмасдан мунчоқдек қаторлаштириб ёзиб қўйган экан. Кизиги, бундан қирқ йил олдин — аллақачон қирқига кирган одам ўз насли-авлоди, чексиз томир отиб кетган аждоди номларини санашда янглишгани, исмларни унутгани, чалкаштириб юборгани... аслида бир авлоднинг нақадар улканлигидан далолат беради. Биз эса Каримбой сартдан қирқ йил кейин — бу сулолаларнинг кекса авлодлари аллақачон чин дунё одамлари бўлиб кетган даврда — бутун сулолани тизимга солиш, тўлик тиклашдекхом хаёлда юрибмиз.

Бизга йўл бўлсин!

Лавҳамизни гужумга киёслашимиз шундан. Энг майдачи, хотираси бақувват инсон ҳам баҳайбат гужумнинг қанча шохи, бутоғи бор санаб чиқиши қийин. Япроклари ҳақида айтиб ўтирмайлик. Энди ана шу ҳар бир шохга, ҳар бир бутоққа бир исм танлаб, уларни адащмасдан айтиб қўринг-чи!

Бир сулола тарихини ёзиш жараённада биз дуч келган қийинчиликлар ана шулардан иборат. Умримиизда илк бора шундай бир масъул ва савобли ишни бошлаб қўйиб, унинг уддасидан чиқа олмаганимиз алам қиласди. Кўнглимизга берадиган таскинимиз — қадим ўзбекнинг сўнгсиз қавмлари, саноқсиз аждодлари, поёнсиз сулолалари шу қадар кўпки... ана шуниси билан ҳам бу халқ дунёи дунда мангу турибди. Жаҳон халклари орасида бетакрор ўз ўрнига эга. Шунинг учун ҳам бу халқ буюк.

«БИЗ ҲАМ САРТЛАРДАНМИЗ...»

(Равшанбек сарт билан бўлган гурунглардан.)

... Аввало Равшанбекнинг касб-кори ҳақида. Ўз касб-коридан баракат топди, деб улуғлаш ифодаси

бор. Буни Равшанбекка қиёсан ҳеч иккиланмай ишлатавериш мумкин. Унинг касби — шифокор. Амакисидан фарқли — у тиш шифокори.

Равшанбек ТошМининг стоматология факультетини битказгач, аввалида йўлланма бўйича Нукусда бир йил ишлади. Кейин уни республиканинг энг узоқ ва чекка туманига юборишиди. Конликўл туманида ҳам икки йил кийналмасдан ишлаб берди. Кийналмасдан деяётганимиз — бу туман шундок Орол дengизига чегарадош. Бир томони Устюрт кенгликларига туташиб кетади, бир томони саҳро. Яна Орол дengизи қуриши баробарида унинг тубидан кўтарилган заҳарли чанг илк бора шу ҳудудга ёғилишини айтсак — мисли дўзах деяверинг.

Ана шу ҳудудда Равшанбек сидқидилдан ишлади. Одамларнинг мушкулларини енгиллаштиришга интилди.

Кейин уни Нукус шаҳридаги марказий тиш поликлиникасига ишга таклиф қилишиди. Бирор олти йил бу ерда бўлим бошлиғи вазифасини бажарди.

Нихоят 1985 йили туғилган гўшаси Тўртқўлга келди. Туман тиш даволаш поликлиникасида фаолият кўрсата бошлади. Истиқлол эълон қилинган йилдан бошлаб тиш поликлиникаси бош врачи вазифасига тайинланди.

Тармоқда хусусийлаштириш бошлангач, биринчилардан бўлиб туманда «Стоматолог» номли хусусий тиш даволаш поликлиникаси ташкил этди.

Бугун машҳур шифокор Равшанбек Исмоилов бош бўлган хусусий даволаш масканида йигирма нафарга яқин малакали мутахассис хизмат қилаяпти. Бу ерда барча замонавий меъёрлардаги тиббиёт ускуналари ўрнатилган.

...Гурунгимиз орасида тўсатдан Равшанбек талабалик йилларини эслаб қолади. Йўқ, олийгоҳдаги ўқишини эмас, пойтахтга бориб-келишнинг ўша вақтдаги азобларини.

— Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Куйи Амударё минтақасидан Тошкентга етиб олиш бир

азоб эди. Айниңса, бизларнинг жанубий туманлардан. Тўрткўлда кичик аэропорт бўларди. Аммо бу ердан фақат почта самолётлари қатнарди. «ИЛ-14» маркали самолётлар. Баъзида ана шу самолётларда учишимизга тўғри келарди. Почта юклари устига жойлашиб оламиз. Ўзиям самолёт Тошкентгача тўрт соатдан кўпроқ учади. Самолётнинг «хар-ҳар» этиб овоз беришини айтинг, бузук арава каби тинмай чайқалишини айтинг. Кўнгли бўшрок пассажирлар боргунча бўлари бўлади — почта юклари устига қайтариб ташлашади. Кейин учувчилар койишади...

Кўпинча дарё у ёғига ўтиб, Урганчдан поездда кетамиз. Чамамда 1971 йил эди-ёв. Урганчдан поездда кетадиган бўлдик. Талабалар қайсиadir байрамданми, таътилданми қайтаётган вакти. Билет йўқ. Бир амаллаб вагон устига чикиб олдик. Кеч кузими迪, ҳаво ҳийла салқин эди. Ёш эканмиз, аввалига чидаб бордик. Аммо кун ботиши билан изфиринга чидаб бўлмай қолди. Бир азоб билан вагон устидан ичкарисига тушдик. Поезд юриб бораяпти денг... Энди шу кунларни эсласам, ҳозирги яратилган шартшароитга ҳавасим келади...

... Бу кичик лавҳани келтиришимиздан мақсад — ўша замон ёшларида ўқишига ҳавас бекиёс бўлганини айтиш. Яна қаҳрамонларимиз бўлмиш — сартларнинг кичик авлодларининг бир-бирларидан кўриб, бир-бирларидан ўрнак олиб, мамлакатимизнинг пойтахтига бориб ўқиши ташвиши ҳавасига тушганлари.

— Бўлмаса бизларга хам бу ерда рўзгор судрашга мос касб-корлар топиларди, — деб қўяди Равшанбек. — Бироримиз ота касбини танлаб машина рулига ўтиришимиз, яна биримиз тракторчилик нонини ейишимиз мумкин эди. Менга эса отам раҳбар бўлган чорвачилик фермасида иш топиларди. Аммо шу даврда ўқишига ҳавасимиз оптик даражада эди. Умуман, ҳали мактабнинг юкори синифида ўқиётган вактимиздаёқ қайси институтга кири-

шимизни режалаштириб, бу олийгоҳларда қайси фанлардан имтиҳон бўлишини аниқлаб, дарсликлардан ўқиб, тайёрланиб юрардик. Оталаримиз ҳам бизларни шунга рағбатлантиришган: «Сизлар ўқинглар, эндиgi давр ўқиган одамники бўлади, бизлар уруш дедик, тикланиш дедик, турмуш ташвишлари билан колиб кетдик», дейишарди. Айни пайтда ўз маошлари, топган-туттганларидан тежаб-тергаб бешён сўм топиб бериш мажбуриятларини ҳам елкала-рига олишарди. Ўзлари яхши кийинмай, балки қорни тўймасдан яшасалар-да, бизларнинг ўқиб, касб эгалари бўлишимизда ғамхўрлик қилган оталари-миз руҳлари олдида бир умр қарздорлик хиссини елкамизга олиб яшаяпмиз...

... Равшанбек Латиф сартнинг невараси Исмоил сартнинг тўртинчи фарзанди Каримбой сартнинг бе-шинчи фарзанди хисобланади.

Каримбой сарт уруш кўрган одам эди.

У урушдан ғалаба билан қайтиб келганида юрт вайрон, одамлар тушкун, кўплаб хонадонлар очлик, қаҳатчиликдан оёғи етган манзилларга кўчиб кетишганди. Куни кечак буюк ғалаба руҳи билан осмонларда юрган, кўкрагида мардлик нишонлари ярқираб турган алп йигит бир кундаёқ асл моҳиятга — реал воқеаликка қайтади. Жангчи нишонла-рини сандиқка беркитиб, ишга киришиб кетади. Юртни тиклаш, шу баробарида уруш даврида қашшоқлашган оилани ҳам бутлуш унинг ва ака-укала-рининг зиммасига тушади.

Исмоил буванинг кунгурадор иморати ҳийла чўкканди. Бу ерда Исмоил бува нафакат ўз оиласи, балки инилари Асматулло ва Сафо буваларнинг оилалари ҳам ҳамжихат яшашарди. Ўша вактдаги бундай кунгирадор иморатларни тушунарли бўлиш учун «умумётокҳона» деб аташ мумкин. Йигирма-үттиз хонали иморатда уч-тўрт ака-укалар оилала-ри билан тотув яшашарди. Ака-укалар навбати етиб ўғилларини уйлантиришса, унга ҳам янги қурган

оиласи билан бир хона етарди. Оилалар кўпаяверса, ҳашар қилиб, иморатга яна бир-икки хона тикилашарди.

Умумётоқхонанинг молхонаси, сайисхонаси бир бўларди. Бу ерда барчанинг мол-қўйи бирга боқилярди. Иморат ичидаги ёки ёндош солинган тегирмон — ун хороzi хам биргаликда фойдаланадиган мулк бўлган.

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларига келиб қишлоқларда янги қурилган оилаларга иморат қуриш учун жой ўрни бериш бошланади.

Каримбой сарт ўта ишchan киши эди. Ўз кучкувати, топган-тутган маблағи билан Исмоил буванинг қадим кунгурадор иморатидан биринчи бўлиб чиқиб, ўзи иморат тиклади. Иниси Собир сарт ундан сўнг кунгурадор иморатдан чиқиб, у хам алоҳида иморат тиклади. Исмоил буванинг кунгурадор қадим иморатида Куронбой, Рийимбой ва Шарифбой сартлар узок вақт қолишиди.

Кейинчалик улар хам алоҳида бўлиб чиқишиди. Исмоил буванинг отамулки ўрнида ҳозирда Султонбой сартнинг ўғли Ёкуббой сарт ўтирибди.

Исмоил сартнинг кенжаси Шарифбой сарт яшаётган иморат ўрни хам сартларнинг ота мулки ўрнида. Бу ерда Рийимбой сарт бир вақтлар иморат тиклаганди. Рийимбой сарт шу ерда оламдан ўтди. Фарзандлари бу пайтда Тўрткўлда ишлашарди, яшашарди. Улар янги манзилларда томир ёзишганди. Оталари вафотидан сўнг оналарини олиб Тўрткўлга келтиришиди.

— Бу ерни яхши биламан, — дейди Равшанбек. — Атрофи тўқайлик, бир хилват гўша эди. Кечалари у ёкка юришдан хам қўрқардинг. Эшикни очиб, бир қадам юришга юрак қани? Кун ботиши билан тинмай шоқоллар увиллашарди. Ёш боламиз. Амакиларимизнига меҳмонимизда уларнинг чеккадаги уйидан кечаси чиқишга қўркқанимиз. Бизлар бу пайтда кетма-кет тикланган иморатлар қаторлашган посёлкада яшаганмиз-да...

... Урушдан сўнг, эллигинчи йилларда иморат тиклаган бандаларга осон бўлмаган. Чунки, у пайтларда ҳали уй пойдевори лойдан қилинарди. Бетон килиш русм бўлмаган. Агарда иморат ўрни баландликда бўлса, тагида кум-чага бўлса — баҳтинг. Иморатинг бирор ўн-ўн беш йил туриб бериши мумкин. Аксинча текис далада солинган бўлса, ўн йилга колмасдан нураб битарди. Кейин минг азоб билан янги иморат тиклашинг керак. Фақат ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари ўрталарига келиб бутун худудда иморатлар пойдеворини мустаҳкам бетон билан килиш тамойилга кирди.

... Равшанбек ҳали муштдек бошидан тенгқурлари қатори далага чиқиб ишлаган, пахта деганинг бутун азобларини кечирган. Ҳикоясига кулоқ тутинг-а.

— Кузда мактабда беш-ўн кун ўқиймизми-йўқми, пахта терими бошланиши билан мактаблар таққа бекитилади. Баъзида бошланғич синф ўқувчилари ҳам далага ҳайдалади.

Мактаб ёпилди, деб йўл-йўлакай қувониб келамиз. Шу куни ўзимизча байрам бўлади. Эртадан бошлаб эса ҳар бригадага бир ўқитувчи бириктирилади. Ўқитувчи ҳаммамизни эрталабдан тўплаб, ҳар кунги теримда белгиланган нормани айтади. Ёшимизга, синфимизга қараб бу белгиланган норма кўпи билан беш-ўн кило фарқ этмайди. Кейин бизга пахта териш учун печкил (этак) ҳам беришади. Ана энди қувонишлар, ўйинлар тугайди. Ҳаммамиз пахтакорга айланамиз.

Пахтанинг биринчи теримида одатда, фўзанинг энг пастидаги кўраклар очилади. Уларни эгилиб теришинг керак. Бўйи пастрок, қуий синф ўқувчиларига осонрек. Бўйи сал дароз ҳамда юқори синф ўқувчиларига азоб. Икки-уч кун белинг оғриб юрасан. Бел котишиб кетган вактлари фўза эгатларига ётиб, белимизни тўғрилаймиз.

Норма оғир. Тонгда ҳали қуёш кўтарилимасдан пахтазорда бўлиш керак. Фўза жиққа сув. Кўлинг-

ни уролмайсан. Бунинг устига ғўза чаноқлари бир хафтадаёқ бармокларингни тилиб юборади. Тирноқ атрофлари қонталаш бўлиб кетади. Кечкурун эналаримиз бармок ёрикларига пахта мойи қўйиб даво-лаган бўлишади.

Ёкуб бригадир ўта бад одам. Устингда зуум килиб туради. Нормани бажармай кўр. Бажармансанг кечкурун трактор чироғи ёруғида ҳам пахта тергизишиади... Еш бошимиз билан не азобларни кўрмадик. Балки, шунинг учундир оталаримиз бизларнинг ўқишимизни исташган, бизларга ўхшаб бутун умр далада қолиб кетмасин дейишган...

— Бизлар оиласда ўн икки фарзандмиз, — деб энди оға-иниларига гапни буради Равшанбек. — Энг каттамиз Бахтиёр акам. Кейин Зулхумор, Зулфия, Сапарбойлар. Улардан сўнг мен туғилганман. Яна етти укамиз ҳам бор. Зевар, Исомиддин, Зўражон, Жуманазар, Раъно, Улурбек ва Отабеклар. Катта акам бир минг тўққиз юз кирқ саккизинчи йилда туғилган. Отам урушдан қайтгач оила қурган. Энг кенжатойимиз Отабек 1971 йилда таваллуд топган. Йигирма йилнинг нари-берисида бир оиласда ўн икки фарзанд дунёга келган. Ўн икки оғиз ейман деб турса, кияман деб турса. Бир отамизнинг топган-тутганини ерга туширмасак... Мен энди ўйланиб қоламан. Уруш кўрган авлод — собиқ жангчиларнинг асаблари темирдан экан. Жонлари метин экан. Хозирда бир-икки фарзандини тузук бοқа олмай юрт ошиб юрганлар озми?..

... Равшанбек билан кўп гурунглашдик. Қадим сартлар сулоласининг имкон қадар тўлик рўйхатини яратишида у кишининг қўлида сақланаётган ёзувлар аскотди. Хотираси тузуклиги, кенг мулоҳаза юритиши... рисоламизга хийла манбалар берди. Миннатдорчилигимизни олдиндан билдирган ҳолда энди Каримбой сартнинг фарзандлари оиласари хакида ҳам муҳтасаргина айтиб кетсак. Яххиси, бу маълумотларни ҳам Равшанбек тавсия қилган ҳолда келтирсак.

1. Бахтиёр — хотини Ойжон Ўринбай қизи.
Фарзандлари: Барно, Зафар, Кундуз, Жамолиддин, Мухаббат, Иродалар.
 2. Зулхумор — эри Рўзумбой Қиличев. Фарзандлари: Даврон, Фарида, Шоҳида, Раъно, Тўлкин, Салтанат, Сафаргул, Фазилат.
 3. Зулфия — эри Қодир. Фарзандлари: Баҳодир, Роҳила, Машхура, Диљфуз, Баҳромбек, Юлдузхон.
 4. Сафарбой — хотини Фотима Амат қизи. Фарзандлари: Эркин, Мұхайё, Бекзод, Умид.
 5. Равшанбек — хотини Саодат Гадой қизи.
(Санам шайх қизи). Фарзандлари: Нодира, Алишер (хотини Наргиза Камолиддин қизи, икки фарзандлари бор — Азамат ва Зебохон), Замира, Кувондик.
 6. Зевар — эри Нураддин. Зевар бевакт оламдан ўтган. Фарзанд колмаган.
 7. Исомиддин — хотини Зулайҳо Латиф қизи.
Фарзандлари: Шоира, Моҳира, Санамжон, Шохруҳ.
 8. Зўражон — эри Фарҳод Содик ўғли.
Фарзандлари: Умар, Гулзира, Мавлуда, Рашид.
 9. Жуманазар — хотини Олия Ўринбай қизи.
Фарзандлари: Насиба, Нодирбек, Нилюфар, Расулбек.
 10. Раънохон.
 11. Улуғбек — хотини Саломат Амин қизи.
Фарзандлари: Шаҳноза, Ўғилжон, Олланазар, Сардор.
 12. Отабек — хотини Насиба Ҳабибулло қизи.
Фарзандлари: Музаффар, Мафтуна, Мустафо.
- ... Биз шу ўринда Каримбой сартнинг ўн икки фарзанди ва қирқ олти неварасининг исмларини келтириб ўтдик, холос. Бу сулоланинг бир тармоғи — бандидан фақат айрим инсонлар хақида бир оз тўхтадлик. Имконимиз шу — узримизни айтамиз.
- Каримбой сарт иниси Собур сарт билан иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларини кўриб қайтган киши-

лар. Собир сарт армияга уруш охирида борган. 1948 йилда харбийдан қайтади ва икки йилдан сўнг уйланади.

Собир сарт бир умр тракторчилик касбини улуғлади. Оға-инилари каби колхозда ишлади. 1959 йилда трактор сабабли майиб бўлиб қолади. Шундаям бу касбини ташламайди.

Собир сартнинг аёли Онажон момо. Бир этак фарзандларни тарбиялаб вояга етказишди. Собир сарт бува икки йил муқаддам саксон ёшида бандаликни бажо келтирди.

Хозирда юқорида эслатганимиз каби И smoил сартнинг фарзандларидан ҳаёт бўлгани ёлғиз — Шарифбой сарт.

«КИМЛИГИМИЗНИ ЭЛ БИЛСА БЎЛДИ...»

И smoил сарт буванинг яна бир ўғли — Собир сарт бува авлодлари ҳақида ҳикоямизга шоирнинг машҳур сатрларини иқтибос қилдик. Аслида бу сатрни сулоланинг барча аъзоларига нисбатан ишлатавериш мумкин. Негаки, сартлар авлодидан эл-юрт учун жонфидо инсонлар етишиб чиқкан. Етишиб чиқмоқда.

Собир сартнинг фарзанди Оллоберган сарт билан сухбатларда шажаранинг бу тармоғига бир қадар аниқликлар киритдик. Сифатлашларни аниқлаб олдик.

Аввало сухбатдошимиз ҳақида. Бир гал сартларнинг кекса авлодлари билан олдиндан белгиланган учрашув-сухбатларимизга боришимизга Оллоберган ҳамроҳ бўлди. Тўғриси, дарё кечиб бизни қадим Дошқальагача шу йигит элтиб қўйди. Йўл узоқ, турли мавзулардан сухбатлашиб кетдик. Бахор бошламаси. Далаларда дехқонлар қўзғалган пайт. Сухбат мавзуси табиийки қишлоқ ҳўжалигидан чиқди. Куннинг долзарб мавзулари, юзага келган муаммолар ҳақида сухбатдошимиз гўёки қиши-

лок хўжалиги соҳасининг билимдони янглиф фикрларди. Дехқоннинг дардини айтарди, табиий иқлим ўзгарувчанлигидан қизиқ мисоллар келтиради. Бир ёқда сўнгги пайтларда енгил-елпи пул топиш учун ўзга ўлкаларга кетаётганлар ҳам назаримиздан четда қолмасди.

Ҳамроҳимнинг касбини англамадим. Сўрашга иймандим. Босиқлиги, мулоҳазали йигитлигидан шу фазилатлар аскотадиган бирор касб эгаси бўлса керак, деган ўйга бордим.

Кейин... Оллоберган ҳақида амакиларидан сўрайман ва менинг тахминларим хато бўлиб чиқади.

Оллоберган ёш бўлса-да, ҳаётда кўп нарсаларни кўрган йигит экан. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида тақдирига Афон урушида қатнашиш ёзилган. Бу ўтли жангтоҳлардан омон-эсон чиқкан. Кейинчалик амакисига ҳаваси келиб, юрт осойиштаги посбони бўлишни орзуманд этган. Ҳозирда ички ишларнинг ўта масъул тармоғи — жиноят қидирав соҳасида фаолият кўрсатаётган экан.

Оллоберган ўша сухбатда ота-онаси ҳақида ихчамгина маълумот берib кетганди.

— Отамиз уруш даврининг азобларини кўрган киши эди. Шариф отам билан ФЗУга жўнашади. Ўша ерда маълум муддат ўқиб қайтишсаки, онала-ри дунёдан ўтибди. Оила иктисади оғир. Бир акаси урушга жўнаган. Бу ёқда отаси қариб қолган. Кейинроқ отамни ҳам урушга олган. Урушдан қайтиб келгач, колхозда тракторчилик қила бошлаган.

Онамиз — Энажон момо ҳам умри далага боғланган меҳнаткаш аёл. Буни қаранг, тақдир деб шуни айтадилар — отам тракторчилик касбининг нонини еб, колхознинг ўти билан кириб, суви билан чиқиб юрган кезларида иш юзасидан оғир жароҳат олади. Бир умр бу жароҳати азобини торта-

ди. Шунда хам севимли ишини ташламайди. Кетма-кет дунёга келаётган фарзандларни боқиши керак-да.

Отам икки йил мұқаддам дунёдан ўтди...

... Оллоберган билан батағсил сұхбат қуриш, Собир сарт авлодлари ҳақида қиссамизни ажойиб ташбеклар, ибратли воқеалар билан түлғазиши имкони бўлмади — ишининг ғоятда тиризлигидан келипшилган учрашувлар амалга ошмади. Биз Собир сарт шажарасини Оллоберган ёзиб, инилари орқали етказган рўйхат шаклидагина беришимиз сабаби шу.

Собир сартнинг фарзандлари:

Кўшназар, Худойберган, Хуржон, Рўзимбой, Шукуржон, Оллоберган, Отаназар, Шарифа, Мухаббат, Отабек.

Собир сарт ва Онажон момонинг тўнғич ўғли — Кўшназар 1950 йилда туғилган бўлса, кенжатоии Отабек 1974 таваллуд топган. Икки мучал оралиғида бир деҳқон оиласида ўн фарзанд туғилган, камолга етган.

Энди Собир сарт фарзандлари оиласарини келтирамиз.

1. Кўшназар — аёли Саодат Эгамберди қизи.

Фарзандлари: Муяссар, Максуд, Махмуд, Ахмад, Муқаддас, Моҳира, Даврон.

Катта қизи Муяссарнинг турмуш ўртоғи Баҳром Сафарбой ўғли.

Катта ўғли Максуднинг турмуш ўртоғи Манзура Жабборберган қизи.

Мағтуна, Марҳабо ва Хуршида исмли фарзандлари бор.

Маҳмуднинг аёли Наргиза Йўлдошбой қизи.

Уларнинг оиласида Асадбек ва Хурсандбек исмли ўғиллари бор.

Аҳмаджон эса Муқаддас Куронбой қизига уйланган.

Асрорбек исмли ўғли бор.

Муқаддасхоннинг турмуш ўртоғи Рўзимбой Айтбой ўғли.

2. Худойберган — аёли Раъно Рийимбой қизи.

Фарзандлари: Эркин, Малоҳат, Умид, Темур.

3. Ҳуржон — турмуш ўртоғи Бозорбой Қовулжон ўғли. Фарзандлари: Мехрибон, Бердибай, Азатжон, Бобур, Жумабой, Ботир.

4. Рўзимбой — турмуш ўртоғи Зухра Рийимбой қизи.

Фарзандлари: Азамат, Хотира, Сарвиноз.

Азаматнинг аёли Карима Маматрасул қизи.

5. Шукуржон — турмуш ўртоғи Исломбой Қуронбой ўғли.

Фарзандлари: Баҳодир, Алишер, Анвар, Насиба, Зулайҳо.

6. Оллоберган — аёли Оқила Искандар қизи.

Фарзандлари: Муродбек, Мухиддин, Ҳусниддин, Дилшод.

7. Отаназар — аёли Шакаржон Султонбой қизи.

Фарзандлари: Назокат, Шаҳноза, Шераод.

8. Шарифанинг турмуш ўртоғи Ҳасанбой Мадраҳим ўғли.

Фарзандлари: Неъмат, Маржон, Юлдуз, Юнусбек.

9. Мұхаббатнинг турмуш ўртоғи Бозорбой Соғық ўғли.

Фарзандлари: Мұхайё, Мурод, Шоҳсанам.

10. Отабек аёли Диlorом Тозабой қизи.

Фарзандлари: Наргиза, Гулмира, Онажон, Дилноза, Шоҳруҳ.

Кўриниб турибдики, Собир сартнинг фарзандлари тўғрисидаги маълумотлар мукаммал бўлса-да, у кишининг неваралари ҳақидаги рўйхат тўлиқ эмас.

Биз исмларни санаш, уларнинг мазмунини баён килишдан йироқмиз. Аммо юкорида келтирилган ҳар бир исм ортида аниқ бир шахснинг ҳаёти, умр йўли, оиласи, ташвишлари, орзу-умидлари борлигини унутмаймиз.

Собир сартнинг ўн фарзандидан қирқ уч нафар невараси бор экан. Яқин йилларда уларнинг сони янада кўпайишини ният қилсак ва бу неваралардан яна юзлаб эваралар бунёд бўлишини инобатга олсак, қиссамиздан кўзланган мақсад — ўзбекнинг битмас-туғанмас бойлиги — болажонлиги туфайли давлатимизнинг эртаси муқаррар буюк — порлок эканлигига имон келтириб қоламиз.

ЭНДИ АЙТАДИЛАР...

Латиф сарт авлодлари қиссасининг адогига караб бораяпмиз. Имконимиз қадар, сухбатдошлар хотиралари бўйича бу авлод вакиллари ҳакида озми-кўпми айтдик. Баъзида сифатлашлар ўхшаш келди, мақтовларни ортиқчароқ ишлатиб юбордик. Шундай деяпмиз-у борни бор, йўқни йўқ дейди-да.

Бу инсонлар ёруғ оламда Оллоҳ таоло пешана-сига ёзган тақдирни кечиндилар — насибаларига битилган озми-кўпми умрни яшадилар. Қайсисидир, бу дунёй дунда ўн беш минг, қайсисидир ўттиз минг кеча-кундуз умргузаронлик қилишди. Бу кунларнинг аксари савобга йўғрилган. Ўзига, яқинла-рига, қўни-қўшнига, эл-элатига қилинган яхшилик-лар, савоблардан иборат.

Етти фарзандни тарбиялаб вояга етказган, элга қўшган ота-онага дўзах юзи ҳаром, демиш машо-йиҳлар. Сартларнинг деярли барчаси болажонлиги боисдан ҳам аллақачон жаннатий инсонларга айла-нишган. Бу шажарада болажонлик ибратли бир ҳол. Ўн-ўн беш ўғил-қизни дунёга келтирган, одам кил-ган, эл-юртга қўшганлари қанча...

... Биз узук-юлук хотираларимизни давом қил-дирамиз. Куйида айрим ибратли ва намунадор лав-ҳаларни ихчамгина ҳолда келтириш билан қаҳра-монларимиз суратларига тўлиқлик бахш этишга ин-тиламиз.

• • •

Сартларни эл орасида беҳуда «дастурхонли қавм» аташмайди.

Биродари бўлмиш Авазмат шайх баъзида Сарийдан Исмоил бувани кора тортиб келган. Шайх бува эшикда кўриниши биланоқ Исмоил бува ўғилларига буюрган экан: «Дарҳол меҳмоннинг пойқадамига кўй сўйинглар!»

Кўй сўйилган, дошқозонлар осилган. Ичкари-ю ташқарида ўзига хос базм. Мазали килиб пиширилган таомлар ейилгач, аччик чойлар ичилгач, биродарлар тонггача сухбатлар курганлар...

• • •

Куронбой сарт бригадир пайти. Амакизодаси Сотимбой сарт у билан бирга ишларди. Иккови от кўшилган омочда ер хайдашади. Куронбой ака чајир одам, ёши ҳам катта. Сотимбой сарт эса ёшрок. Баъзида кўли ишга ҳафсаласизроқ боради. Ёшлик хаваси бор-да. Бир умр бу дала деганида қолиб кетиш нияти йўқ.

Куронбой сарт Сотимбой сартни маслаҳат солиб, иниси Рийимбой сарт ёнига ҳайдовчига ёрдамчи килиб юборади. Шу-шу Сотимбой сарт кимсан — колхоз-у районда таникли ҳайдовчи бўлиб кетади.

«Ака, мен сиздан бир умр қарздорман, — дейди бир куни Сотимбой сарт. — Шу яхшилигингизни қандай килиб қайтаришни билмай юрибман».

Куронбой сарт кумлок ерга чиқиб иморат бошлиди. Ишлар тифиз пайти. Сотимбой сарт биринки марта кўмакка боради. Бу орада жой икки пахса бўлган куни иморат устаси хасталаниб қолади. Юртда жой устаси кам вактлар. Дарё қибласидан уста тутиб келадиганлар қанча.

Сотимбой сарт ишдан сўнг «Хорманг!» айтиш учун келса, Куронбой сарт хафаҳон ўтирибди. Уста

касалланиб кетди. Энди иморат шу ҳолида чала қолмаса деб қўрқаман, дейди у.

Сотимбой сарт индамасдан ортига қайтади ва дархол иморат тиклашга қодир — қўли тушган уста оғайниси ва лой отишга чевар яна бир инисини бошлаб Куронбой ака ёнига боради. Ана шу устапар жадали билан иморат битади ва тамойилга кўра Куронбой сарт иморат битган куни жой тўйи қилишади.

* * *

Каримбой сарт тиксўз одам ўтган. Ҳисоб-китобига ўта маҳкам бўлган. Чорва фермаси мудири вактлари. Йил якунида тармоқни элакдан ўтказиш учун тумандан ревизор келади. Ҳафталаб ўтириб, барча хужжатларни титкилайди, чиқим-киримларни қайта-қайта текширади. Хўқиз борми, сигир борми, от борми, бузоқ борми қайта-қайта санайди. Босилган тамғаларини кўради.

Касби шундай эмасми — ишдан бирор ишкан чиқариш керак. Шунда ферма мудири оёғини қўлига олиб, югуриб қолади. Куюқ овқатлар пиширтиради. Эҳтимолки, кетар чоги қўни-қўнжини тўлдириб юборади. Ревизор шундай ўйлаган. Каримбой сарт эса қорасини кўрсатмайди. Ревизордан ҳол сўрамайди. Чорвадорларга пиширилган суюқ овқат билан келиб-кетиб юрибди.

Бу зътиборсизлик ревизорнинг жаҳлини қўзғатади, нима қилиб бўлса-да, ишдан ишкан чиқариш, бирор камомад топиш пайига тушади. Аммо шундай ишканнинг ўзи йўқ. Ноилож, текшириш тугаб (текшириш оз эмас, уч ҳафталар давом қилган) текшириш хақида баённома ёзганида қаердандир топиб, ўн беш сўмми-йигирма сўмми камомадни тиркайди. Баённомани шу ҳолида ферма мудирига имзолатишга келтиради. Каримбой сарт эринмасдан баённома билан танишиб чиқади ва бояги камомадни кўриб ҳайратланади. Бундай бўлиши мутлақо

мумкин эмас, мана менда барча кирим-чиқимлар бор, дейди. Имзолашдан бош тортади. Ревизор та-мойилимиз шундай, озрок камчилик чиқармасак ҳеч ким ишонмайди, дейди. Каримбой сартнинг жаҳли қўэйди.

— Қайтадан текшир! Бир тийин ҳам камомадим йўқ. Мана ол бу матохингни, — деб баённомани отиб юборади.

Ревизорнинг барча хужжатларни қайтадан со-лиштиришга ҳафсаласи қани? Яна беш-үн кун ўти-риш осонми? Бу ёқда текшириш графиги ҳам туга-ган. Иложсизликдан ўша ўзи қўшган камомадни олиб ташлаб, ҳеч бир айб йўқ дейилган баённома-га қўл қўйдирали ва воқеани кўп йиллар айтиб юради.

• • •

Рийимбой сарт ўта бақувват киши ўтган. Бир муддат тўй-давраларда кураш ҳам тушган. Ишлаб чарчамаган экан. Саҳармардон чойини ичиб, машина рулига ўтирган, қора ҳуфтонгача машинадан туш-маган вақтлари бўлган. Айрим ҳайдовчилар икки юз чақиримлик масофадаги Нукусга юк келтириш учун кетишганида одатда, шу куни кора ҳуфтонда ёки эртасига тушга яқин қайтишган. Ишни битка-зид, шаҳарни томоша қилиб, дўкон-ўчарини айла-ниб, яна дам олиб қайтишган. Рийимбой сарт са-хармардонда Нукусга жўнаса, айрим вақтлари пе-шинга колмасдан қайтиб келаркан. У пайтлари йўллар равон, асфальт эмаслигини айтсак, яна ма-шиналарнинг тезлиги ўртacha бўлганини эслатсак, Рийимбой aka саккиз-тўкқиз соатлаб машина ҳай-даб ҳам чарчамаганини биламиз.

Элатчилик, бозор арафасида қўни-қўшнилар Кўхнақалъадаги мол бозорига хўқизими, кўй-кўчко-риними сотиш учун олиб боришни қўпинча Рийим-бой акадан илтимос қилишган. Шундай пайтларда

Рийимбой акага мижозларини бориб уйқудан уйғо-тиш одат бўлиб қолган. Уч-тўрт бош сигир-хўкизни машинада Тўрткўлга элтиб ташлаб, яна кун чикқу-нича колхоз ишига қайтиб келаверган.

Одамлар Рийимбой ҳам бошқаларга ўхшаб кун ёйилгунча ётиб ухлармикан, дейишган...

• • •

«Султон суюгини хўрламайди», ибораси айнан шу сулола учун айтилгандай.

Ҳасан сарт бува кексайганда оғриниб қолади. Анча муддат ётади. Сира ўнгланмайди. Шунда куни битганини англаб, ўғлидан амакиси Куронбой сартни чақириб келишни буюради.

Куронбой сарт шошилинч етиб келади. Бўлмаса кунора ҳолидан хабар олиб турганди. Амакимизга нима бўлдийкин, деган хавотир юз-кўзидан сезилиб туради.

Ҳасан сарт тўшакда ёттан кўйи чуқур хўрсина-ди. Атрофида гирдикапалак юрган ўғилларига би-рор юмуш буюриб ташқарига чиқариб юборгач, Куронбой сартга сўз солади.

— Иним, менинг вақти-соатим етган кўринади. Болалар ҳали ёш, бундай юмушни қилиб кўришман-ган... Шунга сендан илтимосим...

Куронбой сарт Ҳасан бувага кўнгил бермоқ бў-лади.

— Ҳали бақувватсиз, aka! Кўнгилни туширмангда...

— Бу гапларингни кўй, Куронбой иним. Ўлеми-ни бўйнига олмаган мусулмон эмас. Менини эса... яқин қолди. Айтмоқчи бўлганим, ўзинг ювиб-тараб, қабрга кўясан.

Куронбой aka индамайди, ичидан зил кетади.

Чой дамлатиб киритади. Икковлон бир пиёла-дан чой ичишади... ва орадан ярим соатлар ўтмас-дан Ҳасан сарт амакизодаси қўлида осонгина жон таслим қиласди...

Амат сарт анча муддат Түрткүлда ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасида иплаган. Кейин юқорига кўтарилиб кетган.

Бир куни хизмат юзасидан Аматжон ака Тўрткўлга келади. Ички ишлар бўлим идораси олдида ўтирган бир кекса одам уни бошлиқлардан деб ўйладими, тўхтатади ва илтимос қилади.

— Ўғлим, бир илтимосим бор эди.

Аматжон ака кексани танимаса-да, гапини бўлмасдан эшигади.

— Нима хизмат эди, отахон?

— Мен чекка қишлоқдан келган колхозчи одамман. Умримда бундай идораларга оёғим тегмаган. Бошимга бир иш тушиб, мана энди келиб ўтирибман.

У бошига тушган мушкулот хақида гапириб беради.

Аматжон ака айтади.

— Юмушингиз ҳеч гапмас-ку. Ҳозир бўлим бошлиғи олдига кирсангиз беш дақиқада ҳал бўлади-кўяди. Шунгами...

Кария энди муддаога кўчади.

— Ўғлим, сен шундай деяпсан. Аммо икки-уч кун бўлдики, бу ерга катнайман. Мени ўша начальник олдига киритишмайди. Мана бу болалар турли баҳоналар айтиб, қайтаришмоқчи бўлади. — Кария шундай деб навбатчи қисмда ўтирган милиция ходимларини кўрсатади.

Аматжон ака қариянинг қўлидан олиб, ўзи бошлиқ кабинетига бошлаб бораётганда, миннатдор бўлган қария энди навбатчи йигитларга дашном берган бўлади.

— Ана кўрдингларми! Бу дунёда яхши одамлар кўп. Аматжон сарт мелиса начальниги бўлганда, бизга ўхшаганлар овора бўлиб юришмасди. Кўп яхши начальник эди-да...

Кария шундай деб Аматжон акани мақтаб бора-

ди-ю аммо кўлтиғидан ушлаб бораётган айнан шу Аматжон aka эканлигини билмайди. Таърифини орқаваротдан эшигтган шекилли...

Навбатчи йигитлар бу ҳолдан кулиб қоладилар.

• • •

Каримбой сарт уруш кўрган одам. Уруш издиҳомига кириб соғ-омон қайтган. Аммо уруш тафсилотларини гапиришни ёқтиргмаган. Ҳатто катта акаси Рийимбой сарт билан ҳам бу мавзуда очилишиб гаплашишмаган.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб ҳар йили 9 майда мактабларда уруш қатнашчилари билан ўқувчилар учрашувлари ўtkазиш русм бўла бошлади. Ҳали уруш қатнашчилари кўпчилик эди. Уларнинг барчасини учрашувга таклиф килиш имкони йўқ. Шунинг учун ветеранларга танлаб таклифномалар бериларди.

Каримбой сартни кўпинча учрашувга таклиф килишарди. У эса иши зарурлигини айтиб, узр сўрарди. «Фалончи акани айтинг, у сўзга чечан, болаларнинг тилини топади», деб кўшиб ҳам кўярди.

Каримбой сарт ўта камтарин инсон ўтган.

• • •

Нураддин сарт камгап одам. Бир-икки сухбатда у кишининг аксар умрининг ярми раҳбар вазифаларда ишлаганига ишонмайсан. Одатда, раҳбарлар гапга чечан келишади, аксари катта-кичик йигинларда минбар-иззат талашиб ҳам юради.

Нураддин сарт гапнинг эмас, ишнинг одами. Катта минбарда мажбуран маърузага ёки музокарага чиқаришса, айтадиган гапини маржондек тиза олмаслиги мумкин. Аммо иш битказиша унинг олдига чиқадиган кам ўтган.

Камгаплиги кадхудолигига таъсир қилмайди. Оз гапириб, кўп иш килишга ўрганиб қолган-да.

Бир каттагина йиғилиш арафасида музокарада сүз айтасиз, деб тайёр қоғозни күтариб келган масъул ходимга айтган экан: «Энди, ўртаманглар. Мендан гапни әмас, ишни сўранглар...»

* * *

Дехқон боласидан шифокор чиқса оқибатли бўларкан. Равшанбекни қўли енгил дейишади. Гапга солиб туриб, касал тишингни шарт суғуриб олганини билмай қоласан, деб ортидан алқаб ҳам юришади.

Камолиддин ҳақида ҳам қўли енгил, деган мақтовни унинг жарроҳлик тифини ўз танасида синааб кўрганлар айтишади. Камолиддин туфайли республиканинг чекка худудида илк бора инсон ўт йўлларини жарроҳлик йўли билан сифатли даволаш йўлга кўйилган.

Унинг аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қисмига қайшиши одати тилга тушган.

Камолиддиннинг бир қизик ибораси машхур.

«Хаста бемор тиғдан әмас, тиғ ушлаган қўлдан кўрқиши керак».

Бу ибора мазмуни — шифокор маҳорати ҳақида, унинг самимияти ҳақида, қолаверса, тиғ ушлаган қўлнинг накадар ҳалоллиги тўғрисида.

* * *

... Энди одамлар кўп гап айтадилар. Сартларнинг тарихга айланиб кетган авлодлари ҳақидаги хотиралар ҳамон яшовчан. Бугунги насли ҳақида ҳам эл орасида кўп ибратли сўзлар, воқеалар юради. Айрим холларда бу воқеаларга ўзидан пича кўшадиган топилади. Шу тахлит бир куни қарабсиз, кечаги хақ воқеа, ҳатто афсона тусини олади.

Инсон афсонавий қаҳрамонга айланиши ҳам яхши хотиралар туфайли. Ҳали бу авлод вакиллари ҳақида элда қанчадан-қанча таърифлар кечинади...

МУЛКДОР САРТЛАР ОРЗУСИ

... Латиф сарт мулкдор ўтган. Қадим Қўнғиротда унинг ўз даври учун маҳобатли иморати, илкида каттагина чорваси ва бошқа давлатларга чиқариб сотиладиган мол-мулки бўлган.

Тақдир тақозоси билан Латиф сарт Қўнғиротни абадий тарк этиб, Ҳонқада ва сўнгра Сарибийда ватан тутганида ҳам кўли курук бўлмаган. Янги ватанда ҳам киска фурсатда мулк яратишга — ҳеч бўлмаганда беш-ўн таноб ерда дехкончилик қилиб, рўзгорини бокиши тараддутида бўлган.

Ўтган асрнинг бошларида И smoил сарт Дошқалъадан ўн таноб ер олиб, ўз мулки — ўз ватанини яратганида ҳам унинг минг йиллик боболарининг ерга муҳаббат, меҳнатга садоқат руҳи қўлланган.

И smoил бува ўз мулки — ўн таноб ерида оғаниларидан ташқари дехқон тутган даврнинг онгли, илғор заминдорларидан эди. Кейинчалик минг азоб билан унумдор, хосилдор тупроққа айлантирилган бу экин майдонлари умуммулкка кўшиб юборилган. И smoил сартнинг фарзандлари чекига ана шу умуммулкда барча қатори ишлаш тушган.

Истиклолдан кейин юртимизда мулкчиликнинг янгича шаклларига ҳам катта аҳамият берила бошланди. Биз яна қадим қадриятларимизга қайтдик. Ерлар ўз эгаларини топдилар — фермер хўжаликлари ташкил қилинди.

Тўрткўл туманида бу янгилик бошлама тарзида ҳаёт тарзига кириб келганида сартларнинг бутунги авлодлари чекига ана шу янгиликни илк бора ўз бошларида синаб кўриш, биринчилардан бўлиш тушди.

Кўпчилигимиз ўз лақабимизни яшириб юрамиз. Баъзида бу бизга эриш туюлади. Сартлар эса ўз қавмлари атамасини мисли тур каби ҳар доим олдинда кўтариб юришади.

Мана сартларнинг кўпдан-кўп авлодлари томонидан ташкил қилинган фермер хўжаликлари атамаларига эътибор беринг.

Куронбой сарт фермер хўжалиги. Бу худуддаги энг йирик фермер хўжаликлиридан. Илкларида иккюз йигирма гектар экин майдони бор. Асосан пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган. Техникалари ҳам етарли. Бу фермер хўжалигига юз йигирма нафар киши меҳнат қилади. Улар пахта ва ғалла бўйича шартномавий мажбуриятларни ҳар доим ошириб баҗаришга одатланишган.

Латиф сарт фермер хўжалиги. Фермер хўжалиги раҳбари катта Ойшажон. Бутун насли далага боғланган эмасми, Ойшажон ҳам бугун ўзини чин дехқон сифатида кўрсата олмоқда. Фермер хўжаликлирида хизмат қилаётган ишчи-хизматчилар билан ширин муомалада бўлади. Одамлар билан тил топишади. Бу эса оқибатда фермер хўжалигининг ривожланишига замин бўлмоқда. Фермер хўжалиги туманда энг илғорлардан.

Собирбой сарт фермер хўжалиги. Оллоберган Исмоилов ташаббуси билан ташкил қилинган. Ери етарли. Техникаси етарли. Ишчи-хизматчилари етарлича маош олишяпти. Фермер хўжалиги хисоб рақамида ҳам ҳар доим маблағлари бор.

Рийимбой сарт фермер хўжалиги. Исмоил сарт фермер хўжалиги...

Бир-биридан ранг олган, бир-бирлари билан мусобакалашиб, ҳукуматимизнинг қишлокларда иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш борасидаги саъий-харакатларига муносиб иш юритаётган бу фермер хўжаликларининг иқтисодий салоҳияти, дехқончилик тажрибаси хақида кўп ёзиш мумкин.

... Озрок чекиниш қиласиз. Ушбу китобга тартиб бериш жараёни айни баҳорга — чигит экиш даврига түғри келди. Сартларнинг ўртанча авлодлари билан сұхбатлашиб, ён дафтаримизни түлдириб, яна янгидан-янги маълумотлар олиш ниятида иягимизга куч бериб, маҳмадоナлик қилиб ўтирибмиз-у сұхбатдошларимизнинг сира кайфиятлари очилмайди. Улар гохида күл телефонлари жирингидан безовталаниб, дархол узр сұраб нариги уйга чикадилар ва бир замондан сўнг қайтиб, тағин безовта ҳолатда хотира халталарини титкилашга тушидилар.

Кейин, кўп кейинрок бу безовталик сабабини билдим. Уларнинг илкидаги фермер хўжаликларда айнан экиш кетаётган бўлиб, улар ноилождан бу ерга тўпланишган экан. Телефонда бетиним далаларидағи ишлар суръатини сўраб, билиб, маслаҳатлар бериб, зарур нарсаларни топиш, ёнилғи келтириш, техника жўнатишни маромга солиш билан банд эканлар.

Биз хатомизни кеч англааб, узримизни сўрашимиз билан улар енгил тортиб, ҳар бириси ўз даласи томон тезкор жўнаб кетишиди.

Уларга ақалли кеч куздаги хирмони баракасини тилашга ҳам улгурмадик...

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚМАСДАН ҚОЛМАС...

Азиз ўқувчи! Ва ныояти биз бу сулола қиссанинг илк манзилига яқинлаб қолдик. Тарихимиз озроқ чўзилди – бир ўзбек хонадонининг тўрт авлоди тарихидан имкон қадар ибратли воқеалар сўзладик, озми-кўпми лавҳалар келтирдик.

Зуваласи шу тупроқ билан қорилган, улкан ўзанлардан куч олиб, она заминга кенг ва чуқур томир отган бир сулола қиссаси аслида ҳар бир ўзбек хонадонининг узоқ-яқин тарихи билан ҳамоҳанг, ҳамдард ва бақамти келади.

Ўзбек – том маънода дехқондир. Минг-минг ишллик мозийда бутун-бутун аждодларимизни шу тупроқ боқиб келган, шу тупроқ бизни дунё айвонига чиқариб, эъзозли, шавкатли мартаба бахш этган. Латиф сарт, Абдулла сарт, Ислом сарт ва ныояти Куронбой сартлар уста дехқон кишилар ўтишган. Бир парча ери орқасидан катта хонадонини боқишишган, турли замонлар, турли сиёсатларнинг зулмкор, зугумли даврларидан омонесон олиб ўтишган.

Воқеотни тарихимизнинг чалкаш нуқтаси – бундан ропта-роса бир ярим аср олдин рўй берган Кўнгирот исёнидан бошлиб эдик. Ушбу ҳалқ галаёнинг сиёсий баҳо бериш бизнинг вазифамиз эмас. Зоро, авлодларнинг боболари ҳатти-ҳаракатлари ни баҳолашга ҳақлари йўқ.

Ҳар бир замон ўз осмонларини яратади.

Аммо айнан тарихнинг шу чалкаш нуқтаси ўзбекнинг бир сулоласи пешанасига бурилиш онларини ёзди – ота-боболарнинг неча асрлик макон-

ларидан айри туширди. Мозорлар айри қолди, имконлар айри қолди, осмонлар айри қолди.

Тақдирким, бу сулоланинг ҳар қандай шароитда ҳам яшовчан, ишчан, тадбиркор вакили – Латиф сарт бува ўзга манзилларда ҳам ўз осмонини, ўз тарихини яратса олди. Яратса олди эмас, бу тарихни кенжаса наслларга мерос қилиб қолдирди.

Биз ҳикоямизда тадрижийликдан чекиндик. Шажара тарихини маълум бир шахс умр йўли орқали – хотира сўзлаётган замондош биродарларимиз эсдаликларига мослаб баён қилдик. Баъзи ўринларда тарихий ҳақиқатларни давр нуқтаси назаридан келиб чиқиб, фикри ожизимизча талқинга солдик, мушоҳадалар юритдик. Ниятимиз – ўзбекнинг бир муштипар сулоласининг тугал суратини яратмоқ эди. Бунга қай даражада эришдик – сизга ҳавола.

Бу шажаранинг мингларга ибрат бўлгулик ҳаёт йўли, ўз яшашиб услублари, ҳаётий тажриба, мустаҳкам қадриятлари бор. Шу ўринда яна бир карра узримизни айтамизки, обрўли бу шажарани тўлалигича қогозга тушира олмадик. Латиф сартнинг ўғли Абдулла сарт буванинг саккиз фарзандидан фақат бириси – тўнгич фарзанди И smoил сарт бува авлодлари кўпроқ назаримизда бўлди. Фақат шу – саккиз набирадан бирисининг насллари ҳаёти ҳам бир китобга етгулик манбалар берди. (Колган етти китоб учун қарздорлигимизни миннат қилиб ўтамиз.)

Латиф сарт, Абдулла сарт, И smoил сарт, Куронбой сарт, Рийимбой сарт...лар бу ёруғ дунёдан ризқу насибасини териб, оқил фарзандлар тарбиялаб вақти-соати етиб, оламдан ўтдилар. Салкам бир ярим асрлик инсоний ташвишлар, баҳтили дамлар, изтиробли лаҳзалар аллақачон тарих мулкига айланиб кетди. Бугун – ушбу улуғ шажара ўз тарихида мустаҳкам из қолдирган азиз инсон – Куронбой сарт мавлудининг юз йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Боболар хотирасига ҳур-

матни айнан шу шажара вакилларидан үрганмок керак.

Исмоил сарп буванинг саногига етиши қийин бўлган авлодлари ва улардан келажакда дунёга энадиган насллар ҳар доим ўз елкаларида буюк бир масъулиятни ҳис этиб яшайдилар – бу ҳам бўлса шонли аждодлари мерос қолдирган инсоний фазилатларни навбати билан авлодларга қолдириш, уларни боболари мисол эл-юрт учун хизмат қила-диган шижоатли кишилар қилиб тарбиялаш.

Ишонамизки, вақтлар келиб, қадим сартлар су-лоласи юрт тарихидаги ўз муносиб ўрнини янги-янги тарихлар билан бойитадилар, бу шажарадан элсевар, элпарвар машҳур кишилар етишиб чиқади. Улар, албатта, озодлик тугини жаҳон узра тобора баланд кўтарадилар, юртимизнинг кори-юмушларига ярайдилар, маълум соҳа ва тармоқларда бош бўлиш уларнинг зиммаларига тушади.

Ниятимиз – ҳар бир сулолага ана шундай Оллоҳнинг саодати насиб қилсин.

... Ушбу қиссамизда қанчадан-қанча бобокалонларимизнинг исми-шарифларини тақрор-тақрор эсладик. Илоҳим, уларнинг руҳлари шод бўлсин.

Ассалому алаикум ва раҳматуллоҳи ва баракотух!

2006 йил, март – май.

МУНДАРИЖА

<i>Ўзбекнинг бир шажараси</i>	4
«Бобомизни Кўнгиротдан дейишади...»	8
«Асли наслинг балки...»	10
«Боболаримиз савдогар ўтишган экан...»	13
Оқ уйлик сарт	15
Иккинчи карра кўчиш	20
Латиф сартнинг авлиёси	22
«Дошкалъада ер кўп экан...»	26
Тозаборёп маданияти	30
Исмоил бува дехкон эдилар	34
Бир муштипар аёл	42
Элларвар инсон	46
«Ташкилотчи одам эди»	48
«Барчамизга бош эди»	53
«Эл хизматкори эди»	57
Ибратли воқеалар	62
Боғёпдаги сув йиккини	63
Сетим ўгри кўрқди...	67
«Кадхудо одам эдилар...»	70
«Ўтган умримга шукроналар айтаман»	74
Фарзандлар бахти	77
«Чўп бўл — кўп бўл...»	85
«Шонли сулола давомчиларимиз»	94
«Сўнгти могикан»	99
Бир эвара гурунги	102
Гужумнинг минг бир шохи	106
«Биз хам сартларданмиз...»	116
«Кимлигимизни эл билса бўлди...»	124
Энди айтадилар...	128
Мулкдор сартлар орзуси	136
Оқсан дарё оқмасдан қолмас...	139

РЎЗИМБОЙ ҲАСАН
БИР СУЛОЛА ҚИССАСИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2006

Мухаррир *K. Қаюмов*
Бадий мухаррир *A. Мусаҳұжаев*
Техник мухаррир *P. Бобохонова*
Сахифаловчи *M. Атхамова*
Мусахихлар: *Ю. Бизаатова, Н. Охунжонова*

Босишта рухсат этилди 31.07.06. Бичими 84x108^{1/32}. Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табори 7,56. Нашриёт-хисоб табори 6,0. Адади 1000 нусха. Буюртма №2694. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонси, 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**